

R 496  
1983/3



КПСС XXVI  
СЪЕЗДИ  
КАРОЛАРНИ  
ТА  
МИЗ!



ГУЛИСТОН  
3  
1983




Партия ветеранлари Тўраҳон ИБРОҲИМОВА билан Шамсиқамар ҒОЙИБЖОНОВА.



Улуғ Октябрь революциясининг иштирокчилари ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари хотирасига Андижон шаҳрида ўрнатилган ёдгорлик.

# МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ



Социалистик ҳўжалик ташкилий жиҳатдан юксак даражада уюшқоқлики ва мустақкам тартиб-интизомни талаб қилади. Бу ҳол меҳнат коллективларининг ўз зиммаларига олган план ва мажбуриятларга талабчанлик билан ёндашишларини, қонун-тартибга оғишмасдан амал қилишларини, ижтимоий мулкка масъулли туйғуси билан муносабатда бўлишларини тақозо этади. Лекин бу принципларни фақат ёдда тутиш эмас, балки уларни ҳаётга изчил ва тўла татбиқ этиш лозим. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми барча меҳнат участкаларида масъулият туйғусини кучайтириш, интизомни мустақкамлаш масаласини кескин қилиб қўйди.

Ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг ҳамма соҳаларига фан-техника тараққиёти ва илгор тажриба ютуқларини, меҳнати ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги шакллари активроқ жорий этишда халқ депутатлари Советларининг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Советларнинг фаолияти туфайли меҳнат коллективлари ўртасидаги анъанавий интернационал алоқалар янада ривож топаёткир, ишлаб чиқаришдаги илгор тажрибани, гоёвий тарбия ва маданият соҳасидаги ютуқларни ўзаро баҳам қўриш кенгайиб ҳамда бойиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ю. В. Андропов СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида [14 январь 1983 йил] сўзлаган нутқида мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш соҳасида халқ депутатлари

Советлари бой ва хилма-хил иш тажрибасига эга эканлигини таъкидлади. У Советлар давлат қурилиши ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этиш чоғида миллий ўзига хослик хусусиятларини конкретроқ ва чуқурроқ ҳисобга олиш, барча миллатлар ва элатларни, хусусан майда халқларни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида кўпроқ ғам-хўрлик қилиш кераклигига эътиборни жалб қилди. Ленинич миллий сиёсатдан ҳар қандай оғишларни амалда сабот билан бартараф этиш, барча миллатларга мансуб совет кишиларининг тўла тенглигини изчиллик билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Шонли Коммунистик партияимизнинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ғамхўрлигига жавобан совет кишилари ишлаб чиқаришда ички имкониятларини ишга солимоқдалар. Бу борада Москва илгор корхоналарининг ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустақкамлаш, ҳамма жойда ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлик муҳити вужудга келтириш, ишда ва турмушда коммунистик маънавий принципларга амал қилиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси ибратли бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакат миқёсида навбатдаги ҳўжалик вазифаларини бажариш учун совет кишиларининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш муҳимдир. Чунки айнан ана шу ерда — меҳнат коллективларида партияимизнинг гоёлари, режалари ва чақирқиқлари амалий иш самараларига айланади. Ўз мамлакатининг ҳақиқий ҳўжайини бўлган совет кишининг жамият бойлигига масъул муносабати, юксак меҳнат маданияти, дўстлик ва ўзаро ёрдам туйғуси ана шу коллективларда тарбияланади. Ўз олдига аниқ ва равшан мақсад қўйган ҳамда уни рўёбга чиқариш учун ўзини бурчли деб ҳисоблаган коллективнинг ижтимоий ва иқтисодий самардорликка кўпроқ эришиши табиий. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андропов ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида бирлашмалар ва корхоналарнинг, колхозлар ва совхозларнинг мустақиллиги кенгайтирилиши ҳамма ҳолларда масъулиятнинг оширилиши билан, умум-халқ манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрлик билан қўшиб олиб борилиши керак, деб уқтирди.

«Бизга онгли, амалий интизом керак, ишлаб чиқаришни олға силжитадиган интизом керак,— деди ўртоқ Ю. В. Андропов Москва станоксозлари билан учрашувда.— Биз интизом учун курашга катта мазмун баҳш этишимиз, уни бевосита ишлаб чиқариш, топшириқларининг бажарилиши билан боғлашимиз лозим».

Меҳнат интизомини мустақкамлаб бориш жуда катта резервдир. Бу қондага қатъий амал қилаётган илгор коллективлар эътиборга молик ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Республикаимиз саноати кейинги икки йил ичида планга қўшимча равишда 530 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эканлар, бу — ажойиб меҳнат самараси ҳамдир.

Партияимиз барча бирлашмалар ва корхоналарда, идоралар ва муассасаларда меҳнат интизомини мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. Зотан ҳал этилаётган вазифалар кўлами ва мураккаблиги орта борган сари барча ишларга танқидий ёндашув, партия, давлат ва меҳнат интизомини қатъият билан мустақкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, республикаимиз саноат корхоналарида бир минут вақт ичида 4 минг 325 килограмм пахта толаси, 502 метр ип газлама, 197 метр шойин газлама, 73 дона ички трикотажа буюмлар, 92 жуфт пайпоқ, 52 жуфт пойфақзал сингари турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Биргина пойтахт саноат корхоналари ҳар бир иш кунда 95 та трактор, 38 та пахта териш машинаси,

519 минг сўмлик трикотаж, 302 минг сўмлик мейбел, 86,6 минг сўмлик чинни идишлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани ҳам минутлар салмоғидан далолат. Иш вақти бир минутининг зое кетиши — икки юз минг ишчи бир кунлик меҳнати натижасидан маҳрум бўлди, демакдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустақкамлаш тўғрисидаги қарориде таъкидлаб ўтилганидек, интизом ва уюшқоқлики қатъият мустақкамлаш борасидаги ишда қўйил меҳнат коллективлари — бригадалар, бўлимлар, участкалар, цехларнинг ролдан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Коллектив масъулият туйғусини ривожлантириш, яхши социал-психологик иқлимни вужудга келтиришини самарали воситалари — меҳнати ташкил этишнинг бригадалар ва пудрати ва нарядсизи формасини жорий этишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Бугунги кунда ҳар бир меҳнат коллективи ва унинг аъзоси фаолиятига ўз-ўзини танқид, талабчанлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик руҳи сингиб кетиши лозим. Меҳнати ташкил этишни муттасил яхшилаш, тежамкорлик режимини, ҳўжасизликка ва бўшангликка, социалистик мулкни ўғирлаш, талон-торож ва исроф қилишга қарши, кўзбўямачиликка, ичкиликбозлик ва безориликка, юлғичларга ва брақчиларга қарши курашни бутун чоралар билан кучайтириш интизомини мустақкамлашда муҳим вазифалар ҳисобланади.

«Планларни ундаги кўрсаткичларини пайсатирш сари тузатишдан иборат бўлмағур практикага барҳам берилсин, колхоз устави бузилишларига чек қўйилсин,— дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маэкур қарориде.— Меҳнаткашлар оммасининг активлиги, уларнинг ишга манфаатдорлик билан ижобий муносабати, ташаббускорлиги бутун чоралар билан оширилсин ва рағбатлантирилсин. Ишчи ва колхозчидан тортиб раҳбаргача топширилган иш учун масъулият кучайтирилсин».

Ҳа, интизом — қонундир. Унинг заррача бўлса-да бузилишига йўл қўймаслик керак. Ишёқмас, топширилган вазифага лоқайд ва совуққонлик билан муносабатда бўлмоқда, юлғич, кўзбўямачи, социалистик мулкни ўзлаштириб олувчи фирибгар ва муттаҳамларни коллектив олдиде, жамият олдиде шарманда қилиш айни мудоодир. Ана шундайларга нисбатан ялли муросасизлик вазиятини вужудга келтириш жоэзидир.

Меҳнат коллективларининг ҳақиқий қиёфасини ҳалол ишчи, ишлаб чиқариш илғори, моддий ва маънавий бойликлар ижодқори бўлган кишилар белгилайдилар. Улар орасида мамлакатимиздаги барча халқ ва элатларнинг — ишчилар синди, деҳқонлар ва зиёликларнинг энг яхши вакиллари бор. Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг бетончи-қилиқловчилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Исмомл Орипов, Андижон машинасозлик заводининг пайвандчиси, аллақачон 1984 йил меҳнат календарини бошлаган Тошканбой Маликов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг эритувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Доновой Бекмуродов каби юзлаб ва минглаб илгорлар ўз коллективларининг фахри ҳисобланадилар. Улар ўз қобилияти, маҳорати, тажрибаси билан мингларга ўрнак, ёшларга ибрат бўлаётирлар.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини ҳар томонлама мустақкамлаш партия, касабга союз, комсомол ташкилотларининг, жамоатчилигининг масъулиятли бурчи ҳамда вазифасидир. Шунга эришиш керакки, юқори унумли ва сифатли меҳнат яхшироқ рағбатлантирилиши, ёмон иш, интизомсизлик эса худдиларнинг моддий жиҳатдан таъминланмишига муқаррар суратда таъсир қилиши лозим.

Ягона оила туйғуси билан бирлашган турли миллат ва элат вакиллари партия XXVI сьездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорларини рўёбга чиқариш йўлида мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир совет кишининг, ҳар бир меҳнат коллективининг улуғвор режаларни амалга ошириш руҳи билан йўғрилган масъуллик туйғуси муваффақиятлар гаровидир.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадий журнали

№ 3 (397)

Март  
1983



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# КАТТАҚЎРҒОН ҚАНДОЛАТИ

Абдулла МЕЛИЕВ,

Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг  
биринчи секретари

Шонли Коммунистик партиямиз ва жонажон ҳукуматимиз халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини тобора ривожлантириш йўли билан эл фаровонлигини янада яхшилаш ҳақида оталарча ғамхўрлик қилмоқда.

«Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш,— дейлади СССРнинг Озиқ-овқат программасида,— 1990 йилга бориб камиди 4,4 миллион тоннага, озуқабоб концентратлар эса 350 минг тоннага етказилади. Аҳоли ўртасида харидорғир бўлган маҳсулотлар: қанд моддаси камроқ бўлган пастил-мармелад, шунингдек, уни кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ортади».

Каттақўрғон шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети партиямиз Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида белгиланган Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Маҳаллий саноат фабрикасида ҳам бу соҳада катта ишлар қилинаётир.

Кўҳна ва ҳамиша навиқрон Каттақўрғонни уста ширапазлар шаҳри дея таъриф этишади. Бу, бежиз эмас, албатта. Ота-боболаримиз қадимдан эл дастурхонига кунжот ҳўлава, ёғли ҳўлава, лабз ҳўлава, обидангон, парварда, новот, руста, қандолат, нишолда, тўй ҳўлава каби турли хил шарқ ширинликларини тортиқ қилиб келганлар.

Каттақўрғон ана шундай ширинликлари билан доврў таратган. Куйруқ ёғи кўшиб тайёрланган ва ипаксимон тарам-тарам товланиб турган ёғли ҳўлавасини, сиртига Каттақўрғон қора ёнгогининг мағзи ёпиштирилган ва седана селинган қордек оппоқ рустасининг таърифи турфа мамлакатларга ёйилганлигини ким билмайди дейсиз.

Доврўги етти иқлимга машўр Самарқанд шаҳрига турли мамлакатлардан келган сайёҳлар фақат шаҳарнинг қадимий обидаларини замонавий кварталларигагина ҳайрат кўзи билан боқишмайди. Уларни лолу мафтун этган ажойиботлардан бири тўкин-сочин бозорларимиз кўрки бўлган шарқ ширинликлари ҳамдир. Оғизда эриб кетадиган Каттақўрғон рустаси, хушбўй ва хуштаъм ёғли ҳўлавалари, садафдек кўзни олувчи новотлари, оғизда эриб кетадиган оппоқ парвардалари, болдек нишолдалари ҳамма-нинг эътиборини ўзига тортади.

Қадимий шарқда ширинликлар неча-неча асрлардан буён тайёрланиб келади. Уларнинг тури ҳам сон-саноксиз. Урта осийлик ота-боболаримиз ҳам бундан минг йиллар илгари мазали, жуда юқори сифатли турли ширинликлар тайёрлашни билишган. 1403—1406 йилларда, Темур давлатининг пойтахти бўлган Самарқандда шўх саройида ашаган Испания элчиси Клавихоннинг хотираларида ёзилишича, ҳўлавагарлик ўша пайтлар жуда ривож топган. Унинг гувоҳлик беришича, Самарқандда ўтказиладиган тантаналарда хўнамандлар билан бир қаторда ошпазлар, қас-соблар ва новойлар ҳам ўзлари тайёрлаган неъматлар билан қатнашар эдилар. Тарихий ҳужжатларда XIV—XV асрларда самарқандлик ҳўлавагар усталар ҳўлава ҳамда бошқа турли хил ширинликлар тайёрлаганликлари ёзилган.

Ана шу анъаналар шаҳримизда ҳозир ҳам давом этмоқда. Айниқса, байрам кунларида, тўй-ҳашамлар дастурхонлари турли ва сара шарқ ширинликлари билан безатилади.

Шаҳар партия комитети шираворлар ассортиментини бойитиш, сифатини талаб даражасига кўтаришга эътиборни кучайтирди. Бу борада шаҳримиздаги маҳаллий саноат фабрикасига қаршли кондитер цехлари коллективларининг меҳнати ибратлидир.

Ҳозир фабрикада тўртта кондитер цехи ишлаб турибди. Буларда қарийб элликка яқин киши меҳнат қилади. Улар ўн хилдан зиёд турли шарқ ширинликлари тайёрламоқдалар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, фабрика маъмурияти маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг учун ширапазларнинг иш шариоти яхшиланяпти, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва янги технология кенг жорий этилмоқда.

Бу ўринда мисол келтиришни истардик. Бундан қарийб ўн беш йил муқаддам цехларимизда маҳсу-

лотлар қўл кучи билан тайёрланар эди. Ҳозир эса ҳар бир маҳсулот механизация ёрдамида ҳозирланмоқда. Бу эса маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш ва қўл кучини камайтириш имконини бермоқда. Илгари ширинликлар тайёрлаш жараёнларини механизациялаштиришдан олдин қиёмни совутиш ва парвардани кесиб учун ярим соатдан вақт кетган бўлса, эндиликда бу ишларга тўрт-олти минутдан вақт сарфланмоқда. Натижада ҳар бир цехда ойига 25—30 тоннадан кўп маҳсулот ишлаб чиқарилимоқда. Фабрика коллективи ҳар йили ўртача бир ярим минг тоннага яқин турли хил ширинликлар тайёрлашга эришмоқда.

Каттақўрғон ширапазлари ўртасида мураббийлик

## Озиқ-овқат программаси амалда

ҳаракати ҳам кенг қўлоч ёймоқда. Биз Ғайбулла Абдуллаев, Маматқул Ҳасанов, Абдумалик Ҳамидов, Яхё Жўраев, Абдулла Нарзуллаев каби кекса ширапазлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уз умрининг эллик-олтмиш йилни ана шу соҳага бағишлаган табарруқ бу отахонларимиз ўзларининг ноёб хўнарларини ёшларга қўнт билан ўргатоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўнлаб шогирдлар етиштирди. Отахонларимиз 75—80 ёшда бўлишларига қарамай ҳозир ҳам шогирдлари ҳўзурига келиб, қимматли маслаҳатлари билан уларга кўмаклашмоқдалар.

Бугунги кунда ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан шарқ ширинликларини кўпайтираётган Убайдулла Ботиров, Сунатулла Ҳасанов, Неъматулла Мустафоев, Абдумўмин Нарзуллаев, Илҳом Очилов каби ёш ширапазлар шаҳримизда анчагина.

Шаҳар партия комитети ширинликлар хилини кўпайтириш, уларнинг сифатли ишлаб чиқарилиши, ҳар бир маҳсулот харидор талабини қондира олиши, шунингдек, ширапазлар малакасини ошириш, ёшлардан малакали мутахассислар етиштириш учун тез-тез улар ўртасида конкурс-кўриқлар ташкил этиб турибди. Конкурс ғойиблари шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Самарқанд саховати» кўриқ кўргазмасида шаҳримизнинг моҳир ширапазлари ўзлари тайёрлаган ширинликлари билан қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқдалар.

Шаҳримизда ширавор маҳсулотлар ишлаб чиқариши янада ривожлантириш учун маҳаллий саноат фабрикасига 500 минг сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳисобига фабрика қошида янги, замонавий шарқ ширинликлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган маҳсул цех қурилади. Бу цехда ойига юз тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, шаҳримизнинг Ленин майдо-нида шарқ ширинликлари сотиладиган маҳсул магазин фойдаланишга топширилди. Ана шундай дўконларни шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам очишни мўлжалламоқдамиз.

Шу ўринда баъзи фикр ва мулоҳазаларимизни ҳам айтмоқчимиз. Юқорида Каттақўрғон ширапазлиги ва унинг таърифи ҳақида гапирдик. Лекин ширапазларимизнинг меҳр тафти билан тайёрлаётган ширин-шакар сифатли маҳсулотларнинг ўралиши ва эстетикаси талаб даражасида эмас. Бунинг учун республика Маҳаллий саноат министрлиги тегишли фабрикалар қошида турли хил шарқ ширинликлари учун маҳсул, чиройли, рангли, сифатли, ўров қоғозлари ва идишлар тайёрлайдиган цехлар ташкил этса зини муддоо бўлур эди.


Шубҳа йўқки, эл дастурхонини бойитяётган қандолатчиларимиз мамлакатимиз Озиқ-овқат программасининг бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшадилар.



Бухородаги Тельман номидаги Трикотаж фабрикасининг илгор тўқувчиси Жамила Атоева кунлик иш нормасини 120—130 процент бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Ҳ. Қурбонов фотоси

# ТАШАББУС



— Ёшликка ёш, лекин абжирлиги билан ҳамма ишни эглайди,— деди бригадир ҳеч иккиланмай,— бригадани мен фақат унга ишониб топшира оламан!..

— Яхши номзод,— дея уни қувватлади партком секретари,— коммунист, жамоат ишларида ҳам актив қатнашади, армияда КПСС сафига ўтган...

Мана, орадан 15 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Юзлаб янги турар-жой биноларининг фойдаланишга топширилишида Исмоилнинг муносиб ҳиссаси қўшилди. Исмоил Орипов устози— ҳозир ҳам мастер вазифасида ишлаётган Ким Бон Хваннинг ишончини оқлаб келяпти...

Исмоил 1967 йилда Кўкон қишлоқ хўжалик техникумини тугатиб, махсус ўрта маълумотли техника мутахассис бўлди. Лекин заводни, ўзи бошчилик қилаётган аҳил, уюшқоқ бригадани ташлаб кета олмади. Ҳалол меҳнати эътиборга тушди. 1966 йилда Ҳурмат Белгиси ордени билан мукофотланди. 1971 йилда Ленин ордени билан тақдирланди. 1978 йилда ишлаб чиқаришда эришган жуда катта муваффақиётлари учун СССР Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

— Меҳнатда бунчалик юксак чўққиларни забт этишингизнинг сирини нимада?— деб сўрашди ундан.

— Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ,— дея жилмайиб гап бошлади Исмоил Орипов.— Мен доим ғайрат билан ишлаган келамди. Ениб ишлаш керак. Оддий фарошимасан ёки катта олимпиясан— ўзинга топширилган вазифани қойилмақом қилиб бажаришинг, эгзалаб турган жойингнинг шухратини оширишинг керак. Мен шундай тушунаман.

...Узун цехнинг нарги чеккаси кўзга зўра ташланади. Паст том тагидаги тўри йўлакда мастер Ким Бон Ха қўшни республикадан келган мусобақадор дўстларни заводнинг ишлаб чиқариш хусусиятлари, қуввати билан таништиряпти. Комбинатнинг йирик панелли уйсозлик заводига қарашли бу вертикал қолиплаш цехи ҳар ойда 12 минг кубометр маҳсулот ишлаб чиқаради.

— Бунчалик катта қувватли цех республикамизда йўқ,— дейди у.— Бизнинг азаматларимиз зим-

фахрий ёрликлар билан мукофотландилар. Кўп ўтмишларнинг ажойиб ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқулаб, уни кенг ёйиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1-уйсозлик комбинатидagi ва бошқа турдош корхоналардаги ҳамкасблари тажриба ўрганиш учун яна Исмоил Орипов бригадаси ҳузурига кела бошлади...

— Бу тажриба нимадан иборат?  
— Буни тажриба деб аташга ҳам тилим бормайди,— дейди у самимий жилмайиб.— Чунки жуда оддий меҳнат интизоми яхши бўлса, ҳар бир кишининг ўз вазифасига эътибори кучайса, янгилик тез жорий этиб турилса кифоя: ишга келишимиз билан маҳсулот тайёрлашга киришамиз. Бир минут ҳам зое кетмайди. Чунки ҳар сменадан кейин ускуналарни сошлаб қўямиз. Демак, бртаси кунни дабурустан иш бошлаш мумкин. Бригада аъзоларининг ўртача иш стажы етти-саккиз йил. Қўнимсизлик йўқ ҳисоби.

— «Янгилик» деганда нимани эътиборда тутасиз?

— Рационализаторлик таклифларини. Масалан, илгари қассадга бетон қўйилганда арматурани сиқиб чиқариб юбориш ҳоллари бўлиб турарди. Бунда маҳсулот брак бўлади ёки арматурани қайта жойига қўйиш учун ортиқча вақт кетади. Биз— В. Савченко иккаламиз мазкур камчиликка йўл қўймайдиган фикслор ишлаб чиқдик. Натижада, вақт тежалди, брак йўқолди.

1966 йили Ташкент 9 балли сейсмика актив зоналар рўйхатиغا киритилди. Ўз навбатида янги— «ТДСК—СПТУ» сериядаги уялар қуришга киришилди. Янги лойиҳадаги бинолар анча кучли эластикларга бардор бера олиши ҳамда асоси бўш бўлган ерларга ҳам қурилиши мумкинлиги билан афзал эди.

1973 йил завод ҳаётида туб ўзгариш рўй берди, дейиш мумкин. Шу йили корхона цехларида кенг ҳажмда реконструкция ишлари қулоч ёзди. «Ташкилатор» институти лойиҳасига кўра «ТДСК-71А» сериядаги тўрт қаватли бинолар учун панеллар тайёрлашга ўтилди. Бу лойиҳа унумдорлигини ошириш билан бирга архитектура— планлаштириш хулосаларининг анча самарали эканлиги билан ажралиб турарди. Вертикал қолиплаш цехида янги қассад қурилмалари, ҳар бир қолиплаш цехида горизонтал шпаклёвка машиналари ўрнатилди. Қолипларга бетон қоршимасини қўйиш тўла механизмлаштирилиб, оғир қўл меҳнати транспортёрлар тизимасига юкланди. Шу тариқа 1-йирик панелли уйсозлик заводи лойиҳа қувватини ўзлаштирди: ҳар йили 350 минг квадрат-метр майдондаги турар-жой бинолари ўз эгаларини қабул қилиб ола бошлади.

Тўққизинчи беш йиллик якунларига кўра эса 1-йирик панелли уйсозлик комбинати Ҳурмат Белгиси ордени билан мукофотланди. Юксак мукофот коллективини янги марралар сари чорлади. Ҳар бир участкада ўнинчи беш йиллик топшириқларини зиёда адо этиш, орденли комбинат номига муносиб меҳнат ютуқларини қўлга киритиш ҳаракати авж олиб кетди. Бор-йўғи 3,5 йилда беш пудрат бўйича 124,3 миллион, ўз қучлари билан 106,9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Қорасув, Сергели, Қўйлиқ-4 массивларида 1 миллион квадрат-метрдан зиёд ҳажмдаги квартиралар фойдаланишга топширилди.

...Завод дарвозаси олдига борганимизда бир йигит ҳовлида турган «Жигули» машинисига ўтириб, ўз олдирди. Кўзга иссиқ чалинаётган бу одам— яриш соғат илгари ишчи қоржомасида кўрганми, оддий ишчи, бечанчилар бригадари Исмоил Холматович Орипов эди.

Дам олиш кунини Исмоил ака ўз ётоғида қароватга ёстиқини баянда қўйиб, янги газеталарни варақлаб ўтирган эди. Шу пайт катта қизи Румия эшқини шахд билан очиб, хонага отилиб кирди ва дедасини бўйиндан маҳкам қучоқлаб ўпа бошлади:

— Табриклайман, дада, табриклайман, Қаҳрамон бўлибсиз. Ҳозир тешиқдорда айтиди, Қаҳрамон!..

Хонага кетма-кет бошқа фарзандлари ҳам шовқин кўтариб киришди. Уларнинг ҳажжони сал бошиқча, баянда бери жилмайиб қараб турган умр йўлдоши Нурания бутун меҳри-муҳаббатини нигоҳида ифода этиб, қўлини узатди:

— Табриклайман, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исмоил Холматович Орипов!..

Исмоил ака бир сўз дедмай қароватда ўтирганиче хотинига, фарзандларига жилмайиб боқар, кўзларида эса ёниқ бир нур жилва қиларди...



мадаги ана шу юксак мажбуриятларни ой сайин ошириб адо этмоқдади. Чап томонда бетон деворларини— йирик панелларни «пиширайдиган» ускуналар гувиллаб ишлаб турипти. Булар қассадга мосламалари. Ҳар бир қассадга катта-кичиклигига қараб 14—20 та плита бор. Ана шу плиталар бир неча квартира деган гап. Қассадларга юқоридан бетон қуйилади. 14—16 соатда девор плита тайёр бўлади.

— Ҳар қайси бригада коллективи норма бўйича иккита қассадга ишлаши керак,— дейди мастер,— лекин Исмоил бошлиқ коллектив учта қассадга ишлаяпти.

— Демак, бир ярим баравар норма, шундайми?  
— Шундай. Исмоил бу ташаббусни 1972 йилда бошлаган эди. Ҳозир уларнинг издолари кўп.

Лекин техник-иқтисодий омилларнинг нисбатан юқори даражада бўлганлиги учун Исмоил бригадасининг қўрсатиқчлари анча баянда.

Цехнинг ўртагоғига борганда мастер тўхтади. Чап томондаги участкада қоржомали уч-тўрт киши ўз иши билан баянда. Бошига каска кийган ўрта бўйли йигит тепага қараб, кўприк кран машинистига алланамаларни уқтиряпти. У Исмоил Орипов.

— Ташаббусининг самараси қанақа бўляпти, Исмоил Холматович?

— Яхши,— деди у меҳмонларга қараб,— ҳозир еттига бригада шу ташаббус асосида ишлаб, беш кунлик иш нормасини тўрт кунда бажаряпти. Бир бригада сменасида ўртача 50—60 та девор плита ишлаб чиқаради. Ўртача битта девор плитанинг давлат баҳоси 138 сўм туради. Ҳар бир бригада: коллективи ҳар ҳафтада бир сменадagi ҳажмда кўп маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, иқтисодий самарасини: ҳисоблаб кўраверинг...

Исмоил Орипов бошлиқ бригада аъзолари улуғ Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақада голиб чиққанликлари учун

Исмоил армия хизматидан қайтган кунининг эртасигаёқ ишга кириш тарафдудига тушиб қолди. Буни кўрган Холмат ака мийғида жилмайди:

— Уч-тўрт кун дам олгин, ўғлим, сенинг ишлашинга қараб турганимиз йўқ. Мана, мен ишлаяман...

Исмоил отасига кулиб жавоб берди:  
— Ўйда бекор ўтиролмаяман, дада. Ўйда дам олиб ётганим ким қўйибди йигит кишига. Эл қатори Ватан олдигади йигитлик бурчимани ўтаб келдим, холос.

— Ха, майли... Қаерда ишламоқчисан, ўғлим?  
— Ота касб,— деди Исмоил шўх кулиб.— Қўйлиқнинг нариёғида уйсозлик заводи ишга тушилпти, кечна келган ўртоқларимдан эшитдим. Янги жойда иш бошлаш— қўриқ оғандек гап. У ерда ишлаш қизиқарли— тўла қуввати ўзлаштирилгунча кўп янгиликларни кашф этиш, камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Қизиқ-да, умуман...

Холмат ака ўғлига меҳр билан термулди. Қаршида бундан уч йил аввалги бола эмас, ақли-фикри тўлишган, буй-баста келишган бақувват йигит— Исмоил ўтирарди. Тоғни урса талқон қилгудек. Ғайрати ичга сималяпти. Ота чин дилдан фахрланди. Лекин ўйлаб қўйган ниятини ҳам яширолмади.

— Мен умр бўйи темир-бетон заводига бетончилик қилдим, ўғлим. Сен ўқисанг дегандим.  
— Нега, ишингиздан норозимисиз, дада?— деди Исмоил ҳайратини ашира олмади.

— Йўқ, аксинча. Шу касбнинг орқасидан кам бўлмадим. Биласан, онанг ҳам эсини танигандан бери мен билан бирга бетончи бўлиб ишлаб келяпти. Сен ўқиб илмли бўлсанг,— дегандим.  
— Албатта ўқийман, дада. Лекин ҳам ишлаб, ҳам ўқимоқчиман. Кечки ёки сиртки бўлимларда албатта билимимни ошираман.

Холмат ака бошқа гап ортиқчилигини англаб ўйлениб қолди. Угли ота касбининг давом эттирмоқчи, уни ардоқламоқчи!..

1960 йил эди ўшанда. Исмоил Орипов йигирма икки ёшли навқирон йигит эди. Унинг меҳнат биографияси 1-уйсозлик комбинатининг биографияси билан бирга бошланди.

...Бригадир Ким Бон Хава уч-тўрт кундаёқ Исмоилни ёқтириб қолди. Зехли, меҳнатга чанқоқ йигит бригада аъзоларининг ҳам меҳрини қозонди. Орадан йил ўтмай Исмоил Ориповнинг номи илгор бетончилар қаторида тилга олина бошлади. Комбинатнинг йирик панелли уйсозлик заводи жадаллик билан тўла қувватини ўзлаштирди, план ва мажбуриятларни ошириб адо этадиган бўлди. Исмоил мана шу ютуқларда ўз ҳиссаси борлигидан фахрланарди. 1966 йилда завод директори Ашраф Абборович Қошпоров бригадирни ўз ҳузурига чақиртирди. Корхона партия ташкилотининг секретари ҳам шу ерда эди.

— Гап бундай, ўртоқ бригадир,— деди директор,— биз маъсаламиз сизни участкага мастер қилиб тайинламоқчимиз... Ҳайрон бўлманг, эгзалайсиз. Бригадани кўтариб бердимиз, раҳмат. Энди ўринингизга одам топиб керак. Қимни қўйиш мумкин?

— Исмоилни,— деди Бон Хава ўйлаб ҳам ўтирмай.

— Қорачадан келган йигитини,— дея сўради директор,— ёш эмасмикан?

# ФАРҒОНА ПИЛЛАСИ



БЕШ ЙИЛГИК  
РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Қаерга борманг, ким билан сўхбатлашманг, Муҳаббатнинг кеча қанча пахта терганино, бугун қанча топширгани ҳақида гап кетарди. Кимлардир йиғим-терим тугаса, уни албатта Бориб кўриша жазм этгани, бошқа бирлари эса у билан шахсан таниш эканлигидан гурурланаётганини яширмасди. Бунча шов-шув бўлмаса, обрў-эйтибори бунчалар кўтарил-маса! Ҳар қалай, пахтадан бошқа ташвиши йўққа ўхшайди. Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Абдуфаттоҳ Ҳамролиев жавоб ўрнига қўлимизга районнинг «Галаба» газетасини тутди.

— Ававал ўқиб чиқинглар, қолган гапни ўша жойнинг ўзида биласизлар, — деди у. — Бундай дэватномаларни кўпична редакциянинг ўзи уюштиришдан, ходимлар ўша ташаббускор билан гаплашиб, унинг фикрларини қозоғга туширишларидан хабарин бор. Бу хатни эса, редакцияга унинг ўзи юборибди. Шундай қилмаса, шу гапларни айтиб олмаса, юраги тинчимган. Юраги унинг қўлига қалам тутказган. «Астойдил бўлайлик» деб сарлавҳа қўйилган мазкур хат соддагина, аммо самимий ва илқ сўзлар билан мурожат оҳангига бошланбди. «Ҳурматли редакция! Мен ким ҳат ёзувчи Карл Маркс номи колхоз аъзоси, Қаҳрамон она Муҳаббатой Нуруллаева бўлман. Ушбу хатини районимиздаги барча онахонларимизга, опа-сингилларимизга етказишларингни сўрайман.

«Ҳурматли опа-сингиллар!

Уларнингга маълумки, пахта халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Уни «оқ олтин» деб бежиз айтишмайди. Чунки унинг бирор грамини ҳам чиқит бўлмайди. Ана шу нодир ҳосилни етиштириш учун баҳор, ёз ойларида озмуна тер тўқмадик. Мана, меҳнатимиз беҳуда кетмади. Ҳосил мўл-кўл етишди. Кўрган-биланлар бошқа хўжалиқларда ҳам пахта сероб дейиш-япти. Демак, гап энди уни тўқмай-соқмай, ёғин-сочини кунларга қолдирмай йиғиб олишимизда қолган. Бас, шундай экан, астойдил бўлайлик.

Биз оналарнинг далага чиқишимизда, айниқса ҳикмат кўп. Уғил-қизларимизни ёнимизга олиб, уларни қизқитириб, руҳлантириб, керак бўлса, тергаб турсак ишда барака бўлади.

«Ававал ўзингга боқ...» деган мақол бор. Узимга боқиб, ўзимдан қибс қилиб гапирялман. Фарзандларим кўп. Кичиклари ҳали ёш бўлишга қарамай ҳосилни етиштиришда бирор кун ҳам четда қолмади. Йиғим-теримнинг биринчи куниданоқ эрта тонгдан то қош қорайгунча пахтазордаман. Катта ўғил-қизларим пахтани ўзи номиларига терашляпти. Кичиклари эса, менга ёрдамлашяпти. Кунига 300—350 килограммдан пахта терялмай. СССР 60 йиллиги шарафига 12 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олганман... Сўзаминг уядасидан чиқиб учун бундан бунён ҳам бутун куч-тажриба ва маҳоратимни ишга соламан.

Қадрили опа-сингиллар, Сизларни ҳам шундай иш туттишга чақираман.

Сизларга пахтакорлик саломини йўллаб:

Муҳаббатой Нуруллаева».

Бу қалай сўзларини Қаҳрамон она ёзибди, Қаҳрамон она! Абдуфаттоҳ Ҳамролиев айтгандай, «шундай қилмаса, шу гапларни айтиб олмаса, юраги тинчимганини, юраги қалам тутказганини кўнглидан ўтказди. Ҳамроҳларимиз бу дэватга «лаббай» деб қўшилган Жданов номи совхозининг Файзинисо Файзиаматова, Лолохан Пирматова, Оқунбобоева номи совхозининг Қумри Исмоилова, Дилором Абдураҳмонова, Калинин номи совхозининг Мелия Ҳайитова, Улмасой Шералыева, Карл Маркс номи колхозининг Муаззам Мирзаева, Инолят Бердиқолова синглари қатор-қатор чеварлари ҳақида завуш-шақ билан сўзладилар.

— Одамда илос, меҳр, иштиёқ бўлса, ҳиммати, ғайрати, шижоати баянд бўлади, — деди Карл Маркс номи колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Ҳайдар ота Худойбердиев. — Мана, ўша Муҳаббатойни олайлик! Кўрганлар уни ҳеч ҳам ўн фарзанднинг онаси демайди. Кўриниши ҳам, ғайрати ҳам ёшлар қатарини. Нега? У фарзандларини, ўз рўзгорини, қишлоғини, колхозини севади, уларнинг обрўини ўз обрўи деб билади. Унинг турмуш ўртоғи Зикрихўжа Нуруллаева колхозимизнинг қўли гул усталиридан. Ҳар йили баҳорда ҳаммадан кўп пилла топширгилар, оилавий пахта теришда катта хирмон уйғани учун мақталганлар орасида ҳаммиша

бу оила биринчи бўлиб тилга олинади. Ун фарзандини ҳаммага ибратли қилиб ўстириш билан бирга колхознинг ҳар бир ишида пешқадам бўлиш осонми! Битта-иккита боласини тузукроқ тарбиялолмай, ўзи билан ўзи ўралашиб, уйда ўтириб қолганлар осми?! Меҳр одамни меҳнатда ҳам камолга етказилади.

— Муҳаббатойнинг ҳаммадан кўп пилла топширади дедингизми? — саволга тутамиз. — У пиллакор ҳамми?

— Пиллакор бўлганда ҳам машур пиллакор, — деди раис, — унинг оиласи ҳар йили 1,5—2 кўти кўрт боқиб, унинг ҳар кутисидан 85—95 килограммдан ҳосил олади. Бу йил эса икки кўтидан 190 килограмм топширишди. Бизда қайси оила дондор пахтакор бўлса, ўша дондор пиллакор ҳамдир.

— Ҳали сизларга Муҳаббатойнинг чақирғига қўшилган ўнлаб хотин-қизларнинг номини айтдим, — деди район партия комитетининг биринчи секретари раиснинг гапни давом эттириб. — Пешқадам пиллакорлар яна ўшалар. Ҳар бир пахтакор пиллакор бўлгани учун ҳам ипак кўртининг озуқа базаси ҳамманинг эътиборида. Тутлар жону дил билан парвариш қилинади, бирор новдаси беҳудага кесилмайди.

— Дунёда тутдан ҳам захматли, жони қаттиқ, тутдан кўра фойдалироқ дарахт бўлмаса керак. Қаранг, ҳар йили кесилсади, яна ўзини тиклаб олади. Меvasи инсонга емиш, дорн-дармон, барги тиллага тенг ипак, новдалари ўтин бўлса! Тургани-битгани хизматимизда. Шоир бўлганимизда унга бағишлаб дoston ёзардим, — Сирдарё қирғоқларида ўзлаштирилган янги «Сирдарё» совхозининг директори Мамазоир Мардонов тут ҳақидаги сўхбат мавзусида ҳаяжонланиб кетди. — Тажриба шуни кўрсатяптики, тут фақат ипак кўрти учун озуқа базаси эмас, балки бизнинг шўрхок, бунинг устига Кўқон шамолига беткай ерларимизда сизот суварининг псайтирувчи, далаларни эрозиядан сақлаб, тупроқ унждорлигини оширувчи омирлардан бири сифатида ҳам катта наф келтиряпти...

Фаргона пилласи ҳақида ёзар эканман, ўтган йилнинг октябр ойи ўрталарида бўлиб ўтган ана шу сўхбат ҳаёлимни тортиди. Ҳақиқатан Фаргона — уста пахтакорлар, боғбонлар, чорвадорлар юртигина эмас, пиллачиликнинг ҳам она бешинги! Республикада етиштирилган жами пилла ҳосилининг яқин учдан бир, баъзи йилларда эса чорак қисми Фаргона области ҳиссасига тўғри келади.

Аммо пиллачилик яқин-яқинларгача ниҳоятда машаққатли, меҳнати оғир руҳати ҳам соҳа биланлигини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ. Бу соҳа билан шуғулланиш худди тавакалчининг иш туттишига ўхшаб кетарди. Куртлар кичик ё катта даҳаларда сўқча тағига худди тутдай тўқилиб, бир кўтидан бир ҳовуч ҳам пилла ололмай қанча-қанча уйқусиз тунарлар, қанча-қанча оромсиз кунлар меҳнатига қўйиб қолинган йил ҳам тақорланиб турарди. Ана шундай вақтда, ёз ойларида иккинчи пилла кўрти, бунда ҳам планга етмаса, учинчи пилла кўрти тарқатяларди. Барг тақислиги ва жанжали йилма-йил кўчйиб борарди. Қайта-қайта тақорланган меҳнатдан ҳеч бир наф кўрмаган кишилар «ипак кўрти» деса юраги бе-зилларди. Шунинг учун ҳам ипак кўртини хонадонларга тарқатиш энг оғир юмуш ҳисобланарди. Энди бўлса, ипак кўрти боқиб талаш бўляпти, у энди чиндан ҳам меҳр-муҳаббат қўйган оналаргагина берил-япти. Қачондан бўйи!

— Республика партия ва ҳукуматининг 1962 йилдаги «Ўзбекистон ССРда пиллачиликнинг аҳоли ва уни юксалтириш чоралари тўғрисида»ги қарори ва унинг изчил бажарилиши, пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, тутиллик бўйича қўшимча ҳақ белгилаш, пиллага ҳақ тўлашининг янги қондалари жорий этилиши синглари қатор-қатор тадбирларнинг амалга оширилиши бу соҳанинг равнақини бошлаб берди, — дейди саволичи мазмунати билан жавоб берган область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Абдулҳай Раҳимов. Пилла илмининг катта билмидони, пилла кўрти уругини жонлан-тириш, уни парваришлаш бўйича қимматли қонда ва тавсияномаларнинг муаллифи бўлган Абдулҳай Раҳимов «айтадиган гапларимиз йўқ эмас» дегандай қилиб турарди.

— 1963 йили узоқ йиллик изланишлар меvasи натижасида авужда келган область ипак кўрти насли-чилик станцияси иш бошлади, — деди у. — Фарғонада яратилган уругнинг чидамлиги, пилла сортининг кескин яхшиланганлиги, ипак толасининг пишқиллиги, жоziбаси йилма-йил доврў таратиб, тез орада рес-

публика оша бутун дунёга ҳам маълум бўлди. 1967 йили 24 мамлакат пиллачиларининг Мадрид ва Мурсия (Испания) шаҳарларида бўлиб ўтган жаҳон конгрессига Фаргона пилла кўрти уруги ва унинг бе-баҳо пилласи ҳақида катта қизиқиш билан гапирил-ди. Чет эл мутахассислари конгрессда қатнашган СССР кишлок хўжалик министрлиги ипакчилик бў-лимининг ўша вақтдаги бошлиғи Серафим Дмитриев-ич Лаврентьевдан Фаргона пилласини суриштир-ганда, у:

— Фаргона уругининг яратувчиларидан бири, ма-на, ёнимда турибди, — деб кўп йиллардан буён Фар-ғона область пиллачилик ишлаб чиқариш бошқарма-сининг бошлиғи бўлган, бу соҳадаги тажрибаси билан республикамиздан ташқарида ҳам эътиборга тушган узун буй, тузилдан келган, кўз қарашлари ёш болалардай содда ва меҳрли Борис Андреевич Ежковни таништирди. (Область пиллачиликни тарақ-қийтида ўчмас из қолдирган, ўзбек тилини иккинчи она тилим деб, бу тилда худди ўзбек қишлоғида ўсган одамдай табиий гаплашадиган Б. А. Ежков 1981 йили вафот этди). Улар Борис Андреевични ўраб олишиб, унга турли саволлар билан мурожат этишди. Пиллачилик бўйича жаҳон уюшмасининг Бош секретари Анре Шенкк Фаргона пиллачиликни кўрсатишлари билан қизиқиб, Франциянинг Алес шаҳридаги насличилик станциясига ипак кўрти уруги юбориб турш имконияти борми-йўқлигини сўради. Ҳиндистоннинг ипакчилик бўйича таниқли мутахассиси, бомбайлик мистер Улае ҳам, бошқалар ҳам ана шундай ҳамкорликдан гап очинди. 1968 йил баҳоридан Анре Шенкк жаноблари Фарғонага ташриф буюрди. Область пиллачиликнинг излани-ши, сидқидил меҳнати, ютуқлари уни ҳар қадамда ҳайратлантирди. Толоққ райониди «Ленинград» колхози пиллачилари иши билан танишиб чиқиб, раисни саволга тутди.

— Хўжаликларингиз фақат пиллачилик билан шуғулланадими?

— Йўғ-е, бу соҳа қўшимча тармоғимиз!

— Наҳотки?

У Оқунбобоев райониди Фрунзе номи колхоз-да бўлиб, колхоз тузилгандан буён узлуксиз рас-лик қилиб келаятган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла ота Раҳмоновдан (колхоз тузумининг тол-мас ташкилотчиси Абдулла Раҳмонов вафот этди) сў-ради:

— Пилла сизларда ҳам қўшимча тармоқми?

— Ҳа!

— Ундай бўлса, қанча кўти боқясилар?

— 1580 кўти туттиб, унинг ҳар кутисидан 71 килограммдан пилла оламиз, — деди раис. Анре Шенкк жаноблари ушунда индамай қолди. Шу биргина хў-жаликнинг пилласи бутун Францияда тайёрланадиган пилладан кўплиги уни ҳайрон қолдирган эди.

Франциялик меҳмонни лол этган ўша рекордлар-ни ҳам йиллар орқада қолдириб кетди.

Утган 1982 йил пиллачилик учун ниҳоятда оғир келди. Пиллакорларнинг айтишларича, кейинги йигирма йил ичиди бундай қийинчилик кўрилмаган эди. Баҳор ойларидаги устма-уст шамоаллар, ҳавонинг совиб кетиши, ҳароратнинг кескин пасайиши тут баргига катта зарар етказди. Лекин тупланган тажрибалардан оқилона фойдаланилди. Парвариш-даги янгича арготехника қондалари — ипак кўртини ҳар кунги тоза, ашмаб турган барг билан, «барак» препарати билан озиқлантириш, ҳар бир хонадонда баргини тоза сув билан ювиб, сўнгра сўкчаларга тарқатиш тажрибасига қатъий риоя қилинди. Баргдан тежам билан фойдаланишнинг энг самарали йўли — биринчи-тўринча ёшларда тут дарахти остидаги барглари териш йўли билан боқиб тажрибаси қўл келди. Пиллахоналар ҳар кўти ҳисобига 5—6 квад-рат метрдан кенгайтирилди. Кенг, ёруғ хоналарда яратиб боқилган ипак кўртларининг пилласи йирк-йирк ва сифатли бўлди. Илгари кўпична даста ўр-нида гўзаюя ишлатяларди. Бувайдининг бутун рес-публикага машъал бўлган пиллачилари — район пар-тия комитетининг биринчи секретари. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мақсудали Хайдаров, район бош пиллахонаси директори Комилжон Топилов, СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, устоз пиллачи ва педагог Олияхон Сулоновалар кўртнинг дастага кириш жараёни бўйича ўтказган ўз тажрибаси билан ўртоқлашди-лар. Пилла ҳосилдорлигини ҳар кўти ҳисобига район бўйича ўртача 78 килограммга етказган бувайдалик-



Фарғона область, Кува шаҳрида доҳий В. И. ЛЕНИНга ҳайкал ўрнатилди.  
[Ҳайкал авторлари: Ҳамза номдаги республика Давлат мукофоти лауреатлари Н. Бензеладзе, Э. Алиев, В. Дегтярев, архитектор: Д. Латипов, А. Шокиров].

Ш. Алимов фотоси

лар ғўзапояда озми-кўпми заҳарли химикатларнинг қолдиқлари, ҳиди бўлишини, ғоят нозик, озода жонивор бўлган ипак қурти ғўзапояга пилла ўраши қийинлигини ҳисобга олиб, дастага қарға тирноқ, бўри кўз, шувоқ, ажриқ, ёввойи супурги ва бошқа ўсимликларни офтобда роса қуритишиб, кейин қўймоқдалар. Пиллани пунктга қоп ва чойшабларда олиб келишга чек қўйилди. Пилла ташийдиган 13 минг дона маҳсус яшчиклар тайёрланиб, районларга тарқатилди.

Пиллачиларнинг дадил қадами табиат ҳуружларига бас келди. Ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида топширилган 5 минг 350 тонна пилланинг 90 процентдан зиёди аъло сортларга қабул қилинди. Ҳар бир қути қурт уругидан олинган ҳосил энг оғир келган йилда ҳам область бўйича ўртача 64 килограммга етди. Қўқон шамолнинг йўли бўлган Киров районинда ҳар қути қуртдан 75 килограммдан, жами 4 минг 641 тонна пилла топширилди.

Районда ҳар йили юз минглаб янги ниҳоллар ўтқазилади. Ҳозир барг берадиган тут дарахлари 3 миллион 100 минг тупдан ошди. Бу йил яна 380 гек-

тар майдондаги тут плантацияларидан барг олинади. Районнинг «Октябрь» 40 йиллиги совхозининг «Октябрь» бўлимидаги Маҳмуджон Эрназаров бошлиқ бригада 50 қутининг ҳар қутисидан 110 килограммдан, «Искра» колхозининг Умарали Мамадиев бошлиқ бригадаси 46 қутининг ҳар қутисидан 117 килограммдан рекорд ҳосил олди. Ўзбекистон районинда «Комсомол» совхозиде 1480 қути ипак қурти ҳисобидан 106 тонна, пландагидан 17 тонна кўп аъло сортли пилла топширилди. Бундан совхозга 1 миллион сўмга яқин даромад тушди. Шунинг 800 минг сўми ипак қурти парваришида қатнашган ишчиларга иш ҳақи ва устама мукофот сифатида тарқатилди. Шу совхознинг Чкалов номи бўлимидан Лазоқатхон Ҳамроқулова 19 грамм қурт уругини парваришлаб, 1096 сўм, шунча миқдорда ипак қурти боққан Санобархон Аҳмедова 1231 сўм, 15 грамм қурт боққан Хувайдахон Мамадиева 1263 сўм даромад олдилар. Республика пиллачилигининг устозлари СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, бувайдалик Олияхон Султонова, СССР Давлат мукофоти лауреати, олтириқлик Фазилатхон Қўзи-

боева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари охунбобоевлик Саодат Тоштемирова, Йўлдош Мамажонова, Ҳалимаҳон Холматова, водиллик Тўтихон Худойназаровалар изидан бораётган Фарғона районидан Юлдузхон Маҳмудова, Хосиятой Қодирова, Қизлархон Ёқубова, Жонона Охунова, ёзёвонлик Салимаҳон Мўминова, Саломатхон Халилова, Шаҳзодаҳон Ҳикматова ва яна минглаб онажонлар, сингилжонларимиз номи пиллачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам алоҳида эҳтиром билан эсланади.

Область ипак қурти наслчилик станцияси, Фарғона ва Қўқон шаҳридаги қурт уруги заводлари пиллачиликни тараққиётнинг янги ва баланд погонасига кўтаришда алоҳида хизмат кўрсатмоқда. Фарғона бутун республикани, шунингдек, Қозоғистонни, Туркманистонни, Тожикистонни чидамли, аъло навли «титрогибрид—3» қурт уруги билан таъминламоқда.

Ипак толаларининг ҳар қачонгидан ҳам юксак тоғини яратиш йўлида ишончли замин ҳозирлаб қўйилди.

Йўлдош СУЛАЙМОН

## ЛЕНИН

Ленини куйласам, дўстлар, соз бўлар,  
Менга бутун дунё жўровоз бўлар.  
Ленин бобом сиймосига боққанда,  
Кўнглим менинг баҳор бўлар, ёз бўлар.

Бизга шундай бахтни берган Лениндир.  
Нурли, олий тузум қурган Лениндир.  
Бормоқдамиз унинг нурли йўлидан,  
То абадий раҳбар бўлган Лениндир.

Қўшигимда, куйларимда Ленин бор,  
Орзуийимда, ўйларимда Ленин бор.  
Бахтимиз қуёшдек порлаган бу кун,  
Зафар, шодлик, тўйларимда Ленин бор.

Диёр бахши ЮСУПОВ,  
Самарқанд область,  
Советобод райони

# КАТТА ҲАЁТИЙ ҲАКИКАТ

## ШАРОФ РАШИДОВНИНГ „ДИЛ АМРИ“ ҚИССАСИ ҲАҚИДА

**А**ТОҚЛИ совет адиби Шароф Рашидовнинг «Дил амри» қиссасини Бутунттифоқ адабий жамоатчилиги, танқидчилиги ва кенг китобхонлар оммаси самимий кутиб олдилар. Ёзувчининг бундан қирқ бир йилча аввалги воқеага — Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойлариға мурожаат этишининг боиси кўп, албатта. Энг аввало ҳозир жаҳондаги сиёсий аҳволнинг, ҳалқаро вазиятнинг кескинлиги ва мураккаблиги ижодкорлардан инсоният тақдирини тўғрисида жиддий ўйлашни, адабий ва санъатдек ўткир ғоявий қуролдан тинчлик, прогресс, адолат учун кураш жараёнида фаол фойдаланишни тақозо қилмоқда. Қонхўр фашизмнинг: «Биз ваҳшиймиз ва ваҳший бўлишни хоҳлаймиз» деган жирканч, машъум фалсафаси ҳозир америка империализми, исроил босқинчилари учун дастуриламал бўлиб қолди, дейиш мумкин. Ш. Рашидовнинг ўз қиссасида фашизмнинг разил чиркин ғояларини кескин фош этиши бежиз эмас (қатор фашист образлари бунинг мисоли). Қиссада ёзувчи қаҳрамонлари тилдан: «Ахир, биз совет кишиларимиз», «Бундай халқни энгиб бўлармиди, ахир!», «Тарихнинг ҳукми бу!» каби ҳаққоний фикрларини айтади ва шу қаҳрамонлар тақдирини орқали социализм ғояси, социалистик тузум, прогрессив инсоният учун жонини аямай курашган қаҳрамон совет халқининг образини яратди. Шундай мислсиз урушда социалистик Ватанимиз, социалистик тузум, Коммунистик партия сиёсати, ленинча ғоя, совет кишисининг маънавий дунёси, унинг юксак ватанпарварлиги, метиндек дўстлиги ва пролетар интернационализи галаба қилди. Шунинг учун ҳам Шароф Рашидов бу мавзуга қўл урганда, халқнинг ана шу фазилатларини кўрсатишни ҳам ният қилади, аини чоқда Иккинчи жаҳон урушини бир ўткир ва абадий сабоқ тарзда тасвирлайди. Шу воситада бизнинг бугунги идеалимиз — коммунистик жамият қуриш йўлида, тинчлик йўлида мустақкам туришимизни таъкидлайди.

Ҳаётга, воқеликка, жамиятга ва инсоният тақдирига тарихий ёндашиш, яъни тарих нуқтан назардан баҳолаш Шароф Рашидов ижодида хос туш фазилатдир. 50-йилларда унинг «Тарих ҳукми» китобининг чиқиши ва ундан кейинги қатор публицистик асарларида бу иборанинг — тушунчанинг фаол иштирок этиши бежиз эмас. Бу ҳақиқат ёзувчининг урушдан аввалги асарлари мағзига ҳам синган эди. У 30-йилларнинг охирида ёзган қатор шеърларида Иккинчи жаҳон уруши шарпасини сезиб, ватанпарварлик руҳини фаол тарғиб этди. «Дил амри» қиссаси ижобий қаҳрамоннинг қон-қонига сингиб кетган Ватанга садоқат ва фи-

дойлик туйғуси шоирнинг ўша шеърларидаги лирик қаҳрамон руҳига ҳамоҳангдир:

Олов ёшлик урадир жавлон,  
Кенг фазони қамал қилишга.  
Ватан ишқи ундар бегумон  
Чкалодай ботир бўлишга.  
(«Ватан ишқи», 1937 йил)

Яна шу асариде «Фидо бўлсин унга жонимиз» деса, 1937 йили эълон қилинган «Посбон» шеърисида: «Ватаним бор куч-мадад берган, Қўрққлайман доим бахтимни», дейди. 1938 йилда ёзган «Нафрат» шеърисида Гитлер ва Муссолинига нисбатан халқнинг ўтли нафратини ифодалайди. Ушбу мисралардаги фикр-туйғу ва манзарани «Дил амри» қиссасида ёзувчи конкрет ва чуқур кўрсатади:

Ўқ ёғади ёмғир каби куну тун,  
дам-бадам,  
Гуноҳсиз эл қирилмоқда, хор бўлди  
одам.  
Ҳар хонага чапг солмоқда қулдат  
ва мотам,  
Фашизм бу — талончилик, очлик  
ҳам вабо.  
Фашизмнинг қонга ботган  
башарасига  
Ҳазаб билан, нафрат билан тупурди  
тарих.  
Муссолини ва Гитлернинг  
пешонасига  
Хоинлиқнинг муҳрин босиб, тик  
турди тарих.

Шоир бу мисраларни интернационалист туйғу билан ёзган эди. У прогрессив инсониятга, тарихнинг олға ҳаракатига қарши турган фашизмнинг ўлимга маҳкум этилганини теран ҳис этди. 1941 йил 22 июнда ёзган «Тарихнинг қаҳри-ла қайрадим қилич» шеъри ҳам юксак оптимистик руҳ билан суғорилган эди.

Шароф Рашидов Улуғ Ватан уруши йиллари ўша урушдан аввал ёзган шеърларида олға сурган Ватанга фидойий бўлиш керак, деган эзгу ғоясига содиқ қолди, қурол олиб, она-Ватанини ҳимоя қилди. Ғарбий-шарқий фронтда хизмат қилар экан, фашизмнинг ваҳшийлигини ва совет кишиларининг етти ашаридан етмиш яшаригача — ҳаммасининг мислсиз қаҳрамонлигини ўз кўзи билан кўрди. Уша вақтларда:

Йиллар ўтар, асрлар ўтар,  
Жангчи номн доим бўлар ёд.—

деб ёзди ва «Дил амри» қиссаси билан бунга амалий жавоб ҳам берди. Агар ўша даврдаги шеърлари мазмунини ғояси, идеали ва хатто образларини «Дил амри» билан шунчаки муқоёса қилиб кўрилса ҳам, улар ўртасида жипс боғлиқлик борлигини сезиш мумкин. «Белград қизи» (1942 йил) шеърисида фашист

тўзал қизга «қутурган итдек ташланади», «бахт ва номус жанги бошланади», қиз партизанлар сафига қўшилиб жанг қилади. «Дил амри»даги бош қаҳрамонлардан бири Ирадир. У ҳам партизан. Ганс унга тажовуз қилаётганда, Тарас келиб қолади ва бу жасур бола болтанинг сопи билан фашистини уриб, дўстини унинг чангалидан ажратиб олади. Шоир ўзининг фронт шеърларида фашистларни фош этганда, кўппак, қутурган ит, илон, қузғун каби образларни қўллаган эди. Қиссадаги: «Уларнинг шу пайтдаги қиёфаси ўлаксага ташланган қузғунларни эслатарди», «Худди саҳарда атрофга аланглаб тумшуғи билан гўнг титаётган қарғадек шивирлаган овоз билан маҳфий топшириқни уқтирарди», «...важҳатларидан итнинг ҳаракатини эслатадиган нимадир сезилиб турарди», «Илон», — шивирлайди Тарас (Марияни назарда тутмоқда); «Унинг аҳволи эгасининг кўнглини олишга уриниб, думини ликиллабтиб ҳушомед қилган итнинг ҳақоратлангани, калтак егани ва шу келтак азоби ичиде ҳам: «Мени ҳайдаб юбормасмикан!» деган ваҳима босгани ҳолатига ўхшарди» каби образларни солиштириб кўрсангиз, ёзувчининг бадий тафаккурдаги изчиликни сезиб олишнинг эҳтимол. Бу аини чоқда ёзувчи услубига хос бўлган воқеликни, одамларни лиро-публицистик пардада бадий тадқиқ этиш фазилати билан ҳам боғлиқдир.

Ёзувчини «Дил амрига олиб келган ана бир кўприк бор. Бу — унинг «Қудратли тўлқин» романидир. Фронт кечинмалари, тасавурлари ёзувчига сира тинчлик бермаганини шу «Қудратли тўлқин» романдан ҳам билш мумкин. Роман уруш орасидаги халқ қаҳрамонлигини кўрсатишга бағишланган. Бироқ ёзувчи фронт билан мамлакат ичкарисидаги тақдир бирлигини кўрсатиш мақсадида романда фронт ҳаётини шакли орқали ёритган эди. Романнинг бош қаҳрамони Пўлат фронтвик отасидан қат олади. Отаси Ҳайдар Содиқов ўз мактубида корчагинларга ўхшаган разведкачи бола Серёжанинг жасоратини хикоя қилиб берган эди ва ўглини ундан ўрнат олишга чорлаган эди. «Дил амри»даги бош қаҳрамонлардан бири ҳам Серёжа деган разведкачи бола. Романда адиб Серёжанинг жасоратга ва ўлимга онгли равишда тик борганига ургу беради. Қиссада ҳам фидойилар тўғрисида сузлаганда, ёзувчи: «Ҳаммадилари онгли равишда, тушуниб жангга киришди ва жонжон юртни ҳимоя қилиб, онгли равишда, тушуниб туриб ҳалок бўлдилар», дейди. Серёжа тўғрисида Шайхов: «Немислар қаттиқ қийноққа солишди. Офарин, ўзини энг юксак талаблар даражасида мағрур тутти. азамат! Ҳаммасига бардош берибди. ҳеч кимнинг номини айтмабди! Мато-

натли бола! Ҳақиқий пионер!», дейди. «Қудратли тўлқинда ана бир бола — Ванянинг ҳам образи бор. У полк ўғли бўлиб қолган. Қиссадаги Серёжанинг онаси бомба тушиб ҳалок бўлган, отаси — фронтда. Темиров уни ўз ўғлидек яхши кўрарди, шунинг учун Шахов унга мурожаат этганда: «Тутинган ўғлинг, деган иборани ишлатарди. Ваня Ҳайдар — «комиссарни отасидек севарди», унга овқат олиб борамак, деб, душманинг ёмғирдек ўқи остида қолади, шунда комиссар оқопдан отилиб чиқиб, ўз гавдаси билан Ваняни тўсиб, ўлимдан сақлаб қолади, аммо ўзи ҳалок бўлади. Гўё унинг орзу-умидлари Ваня тимсолида яшайди. «Дил амри» қиссасида Серёжани ёзувчи тирик қолдиради; Ваня образига юкланган мазмунни бағишлайди унга. Зеро, воқеа мантиқи ва характер мантиқи ҳам шуни талаб қилади. Романига киритилган шу эпизодик лавҳа ёзувчи дилидаги армон-орзуни тўла ифодалагача озлик қиларди, албатта. Немисбарин, адиб шунча вақтдан кейин бу мавзуга махсус қайтади ва «Дил амри» қиссасини яратди.

Бир мисолида Шароф Рашидов бундай деган эди:

«Янги ижтимоий муносабатлар, совет кишиларининг ижтимоий, иқтисодий турмуш шартларини, мақсад ва манфаатларининг бирлиги, уларнинг маънавий қиёфасидаги янги ва умимий хислатлари вужудга келтирди. Ватанга чексиз муҳаббат, халқлар ўртасидаги самимий дўстлик, коммунистик тантанасига зўр ишонч, машаққатларни енгишдаги сабот-матонат, жонжон Коммунистик партия атрофига тобора мустақкам жипслаган — буларнинг ҳаммаси янги давр кишиларининг олижаноб фазилатидир. Совет кишиларига хос маънавий-сиёсий хислатлар аиниқса Ватан уруши йилларида ёркин намоён бўлди. Социалистик Ватан билан фахрланиш туйғулари, ҳаётбахш ватанпарварлик ва изчил интернационализм барча социалистик миллатлар маънавий қиёфасини белгилаб турибди».

Мана, ёзувчининг Улуғ Ватан уруши мавзуга мурожаат этишининг босларидан энг муҳими.

Кўпмиллатли совет адабиётида яхши бир ижобий тенденция самарали ривожланмоқда: бадий асарлариниқса, аиниқса йирик эпик асарлар қаҳрамонлари кўпмиллатли бўлиб бормоқда. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Узбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вақили яшаб, меҳнат қилмоқда. Шу туйғайли бадий асарларимизда рус, татар, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, украин, озарбойжон, уйғур ва бошқа миллат вакилларининг образлари тасвирланмоқда. Аини чоқда ёзувчиликимиз қардош халқлар ҳаёти, ҳатто чет эл меҳнаткашлари турмуши ҳақида хикоя қилувчи асарлар ёзишмоқда. Гарчанд бадий асарнинг интернационал моҳияти, энг аввало, унда кўтарилган умуминсоний масалалар, ғоялар билан боғлиқ бўлса-да ёки олинган масалаларга, инсон тақдирига умуминсоният манфаати нуқтан назардан ёндашилшига боғлиқ бўлса-да, ўзга миллат ҳаёти ва тақдирини тўғрисида ёзилган асарнинг интернационал фазилати янада конкрет ва яққол кўринади. Ўзга миллат ҳаёти, унинг тақдирини, психологик характери, руҳи ва бошқа ўзига хосликларини очиб эса фойдасиз. Шароф Рашидов ижода шу уч йўналишдан боради: маҳаллий материалда умуминсоний дарафларни, фикр-ғояларни бера олади; республика ҳаётидан олиб ёзган асарларида ўзбек, рус ва бошқа миллат вакиллари образини чизади («Бўрондан қучли» романидаги каби); ўзга миллатга бағишланган асарлар ёзади. («Қашмир қўшиғи», «Икки дил достони» каби асарлари ана шу кейинги тенденцияга мансуб асарлардир. «Дил амри» қиссасининг марказида эса рус кишилари образини яратиш туради (унда украин, ўзбек ва бошқа халқ вакиллари ҳам иштирок этидилар.

Материал ҳам, воқеа бўлиб ўтган жой ҳам, қаҳрамонларнинг асосий қисми ҳам ёзувчи яшаётган жойдан йироқда — Россияда. Шароф Рашидов ўз асарларида рус кишилари образини кенг кўламда ва ҳаётий таразда яратиб жараёнида олдинги сафда турибгина қолмасдан, ижодкорларни бу тенденцияни қўллаб-қувватлашга ҳам даъват этмоқда.

«Ўзбек санъаткорлари ижодида, — деб таъкидлайди Шароф Рашидов, — Россия, рус халқи мавзуи Ленин партияси мавзуи билан, социалистик интернационализм гоъллари билан, коммунистик қурилишнинг кенг истиқболи билан маҳкам биришиб кетган. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки Ленин партиясининг ишлари ва улугвор режалари тўғрисидаги фикр бизнинг онгимизда улғур рус халқининг революцион бунёдкорлик фаолияти билан чамбарчас боғланган».

Ёзувчи «Дил амри» қиссида масалага шу тахлитда ёндашади. Қиссада Серёжа, Ира, Тарас каби болалар образидан ташқари, партизан отрядининг командири Шахов, разведкачи Мартино, яширин райком секретари Колосов, кекса ўқитувчи, партизан Иван Иванович, комиссар Николаев, полицай ниқобдаги моҳир разведкачи Юра каби ўнлаб образлар яратилган. Миша бобо билан Иван Ивановичнинг дўстлиги, салимийлигига ҳавасингиз келади.

Тарас ва унинг касал онаси Зоя Андреевна образларини ёзувчи катта муҳаббат ва журъат билан чизган. Ёзувчи рус кишилари характерини гадалантирганда, улар яшаб турган жой, табиат, уй-анжомлари колоритини ҳам биргаликда тасвирлайди. У гўзал қайинлар, ҳаммиша кўм-кўк арчалар, хилма-хил майсаларнинг хушбўй хиди, хаёлчан дарёларни меҳрмуҳаббат билан тасвирлар экан, бунда ўз қалбини асар қаҳрамони кечинмасига синдириб юборади. Чиндан ҳам ёзувчи Иван Ивановичнинг «қалбини тундирган севинч ва фخر ҳис-туйғусини ўз дилининг ифодаси тарзида беради. Иван Иванович қалбидаги: «Эх, Берёзовка, Берёзовка, ҳаммиша мафтунингман, ноёб юртим...», деган нидо ёзувчининг она юртва бўлган чўгдек муҳаббатининг ифодасидир. Сўнгра, она юртининг бундай гўзал тасвирдан қутқатган бошқа бош мақсади бор ёзувчининг: «Наҳотки, наҳотки, шулар бари топталса, оёқости бўлса, одамлар хўрланса...», Кўп ўтмай, фашистлар босиб келади, ҳамма ёқни ер билан яқсон қилади. Ёзувчи ибораси билан айтганда: «Ана шу газанднинг бошини маҳажлаб ташлаш — ҳар бир совет кишининг: ёшу қари, эркак аёл, ҳар бир ватандошимиз, кўпмиллатли аҳил оила аъзоларининг муқаддас бурчи, дил амрига айланади. Шунини айтиш керакки, ёзувчининг

ассосий эътибори жанг тасвирловчиси тасвирлашга эмас, балки уруш шароитидаги одамлар ҳолатини, кайфиятини, хатти-ҳаракатини, уларнинг урушга муносабатини, улардаги яхшилик ва ёвузликлар илдизини очишга қаратилади. Ёзувчи асар персонажларининг драматик тақдирини кўрсатиш йўлидан бориши ҳам шундан. Иван Иванович кекса ўқитувчи, фидойи коммунист, ҳатто Биринчи жаҳон урушида иштирок этган, Октябрь революциясини амалга оширганлардан, Урта Осиёда (Шерободда) босманиларга қарши фаол курашган. Шунинг учун ҳам фашизмга қарши мардона курашди. Серёжа ва Иранинг дадаси эса, гоъл принципал, жасур, адолатпарвар одам, фронтда қаҳрамонларча жанг қилади. Унинг фарзандлари Серёжа ва Ира ҳам отаси каби иродали, чин ватанпарвар. У «Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр турган янги авлоднинг вакили, Ватанини Сергей Есениндек қайноқ қалб билан севади, унинг шеърларини доим ёд ўқиб юради, шунинг учун Серёжа Есенини атрофдагилар Сергей Есенин дейишад. У ўз ҳаётини ҳавф остида қолдириб, жуда кўп коммунистлар, қишлоқ активлари ҳаётини сақлаб қолиш ва фашистларни қишлоқдан суриб чиқаришга катта ҳиссасини қўшади, оғир қийноқларга ҳам мардларча бардош қилади. Айни чоқда у жуда каттар. Бу ишларини «виждон бурчимизни бажариб учун қилдик холос», дейди у. М. И. Калинин: «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса галаба учун» деган мақоласида (1942 йил) уруш шароитида «одамлар тез етилади», деганди. Темиров ҳам Серёжанинг дадиллиги, сезгирлиги, совуққонлиги ва ишчанлигини кўриб туриб: «Ё мен янги истеъдоднинг тугълиши, тез камол топишнинг гувоҳи бўлаётман, ёхуд уруш даҳшати каттагина эмас, гўдакни ҳам тез улғайтиради...», дейди. Ира ҳам, Тарас ҳам «ой сайинмас, кун сайин усиб, ақли тиниқ, қуюқлашиб, ўзи жиддийлашиб, тadbirkor, пишиқ бўлиб» боради.

Ўткир драматик, ҳатто фожевий тақдирли кишилар тўғрисида сўзлаганда, асардаги Тарас, унинг онаси Зоя Андреевна, отаси Герасим Шульгани алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу образлар ёзувчининг катта ютуғидир. Шунини айтиш керакки, ёзувчи рус ва бошқа ўзга миллат вакиллари образига бир хил андоза, бир хил ўлчов билан ёндашмайди. Ҳаёт ҳақиқатдан келиб чиқиб, асарда уларнинг ижобий ёки салбий образларини чизади. Қиссада Герасим фашистлар томонига ўтиб, улар босиб олган ерда староста бўлиб хизмат қилади ва қишлоқ коммунистлари, активистларини қиришда, партизанларга қарши курашда босқинчиларга қўлидан келган ердани беради. Унинг амалкиси Иринархий ундан ҳам ваҳший. Мария эса Герасимнинг иккинчи хотинига айлиниб, ўшанинг чизган чизигидан юради. Кудимов ҳам немислар томонига ўтиб, полицай бўлиб ишлайди. Ҳамма гап шундаки, ёзувчи бу сотқинларнинг тарихини — илдизини чуқур очади. Герасимнинг отаси Шульга Совет ҳукуматида қарши фаол курашган ва қотиллиги учун жазога ҳукм қилинган шахс эди. Герасим ҳам отаси йўлидан кетади, шунинг учун колхоздан чиқарилган эди. Кейин матлубот жамиятида ишлаб, у ердан кўлга тушиб қамалган эди. Ҳар икки гал ҳам унинг жиноятини очишда бош агроном ва бошланғич партия ташкилотининг секретари Есин (Серёжанинг дадаси) ва Шахов асосий ролни ўйнаган эдилар. Фашистлар Герасимни турмадан чиқариб, староста қилиб тайинлайди. Шундан кейин у Совет ҳокимиятидан ўч олиш пайти келди, деб, жирканч ишларини бошлайди. Тўшакдан туролмай қолган хаста хотинидан ҳолаҳвол сўраш ўрнига: «Тирикмисан хали?», дейди, унинг кўзи олдида ўйнаши Мария билан кўнгилхушлик қилади. Зоя Андреевна аввал оғир дардан қийналса энди сотқин эри-

нинг қилишларидан азоб чекиб, ўртаниб жон беради. Угли Тарас қалбида қаттиқ руҳий кечимиша бошланади, отасининг сотқинлигидан номус қилиб, ўзини қўйгани жой топмайди. Шунда Иван Иванович, Серёжа, Иралар қумкама келади ва уни ҳам қасоскорлар сафига қўшади. Тарас отасининг ваҳшийлигини ўз кўзи билан кўради ва уни йўқ қилиш пайига тушади. Онасини дафн этишда фашистлар қидириб юрган Мартино келади, аммо Герасим бормайди. Тарас «узини отасидан анча устун сезади». Асар охирида Герасим Шульга Шаховга пишоқ урганда, Тарас «жон ҳолатда пишоқни олиб Шульгага суқди». Ёзувчи фарзанднинг ўз отасини ўлдириш даражасига келиш жараёнини чуқур мантикий асослайди.


Ёзувчи Герасимдан ҳам шафқатсиз, қонхўр ва аламазда Иринархий образини, фашист каллақасарларни чизганда, ўткир сатирик бўёққа мурожаат этади. Буларнинг қимлиги совет кишилари билан бўлган кескин синдий тўқнашувда ёрқин очилади.

Ёзувчининг маҳорати ҳам шундаки, асардаги ижобий қаҳрамонларнинг ҳаммасини — катталар кичикларини бир оила аъзоларидек аҳил қилиб тасвирлайди: болалар билан катталарнинг ҳаёти, тақдирини яхлит бир бутунликда талқин қилинади. Асарнинг марказига ҳам болаларни, ҳам катталарни тенгликда қўяди. Болаларда Улғур Октябрь революциясини амалга оширган ва янги ҳаётни барпо этган оталар фазилатининг давомини кўради ёзувчи. Бу жиҳатдан улар «Еш гвардиядаги қаҳрамонларни эслатадилар. Ёзувчи Тарасни колхозлаштириш даврининг машҳур қаҳрамони Павлик Морозовга ўхшатади. Тарас ҳам худди Павликдай Ватан ўгли даражасига кўтарилади. Бу болаларнинг қаҳрамонлиги, матонати, социалистик тузум ва коммунистик гоълларга садоқати ёшларимизга сабақ, ибрат бўлади.

Ёзувчи урушнинг дастлабки йилларидаги (Москва остоналаридан фашистларни суриб чиқарилиши хабари билан асар тугайди) бу кичик қишлоқ — Берёзовкадаги халқ жасоратини тасвирлаш орқали барча совет кишиларига хос фазилатни, ҳаётбахш руҳиятни ифодалаб беради. Мазкур кишиларнинг фидойилиги улғур Ватанин, барча совет кишиларининг фашизм устидан албатта галаба қилажигига қатъий ишонч тугдиради. Томчида акс этган катта ҳаётий ҳақиқат худди мана шунда.

Қиссанинг бадий соддалиги, шаклининг қўймелиги кишини ўзига жалб қилади. Унда ҳаракат кучли, ритм тез, персонажларнинг руҳий кечинмасини, фикр-ўйларини, психологик ҳолатини таҳлил этиш устун. Диалоглар гоъл қисқа, лўнда, салмоқли. Автор персонажлар портретини бевосита эмас, балки кўпроқ уларнинг бир-бирига берган баҳолари, таърифлари орқали чизади. Асар сюжети фронтдаги вазият мантиқи билан кескинлашиб, драматик тус олиб боради. Ана шу воқеа драматик нуқталарининг тасвирланishi, персонажлар тақдирдаги энг кескин ҳолатларнинг таҳлил этилиши, улар кечинмаларининг кўтаринки пардада ифодаланиши, табиат ва ижобий қаҳрамонларни тасвирлашда лирик бўёққа кенг мурожаат этилиши, шеърини парчалардан моҳирона фойдаланиши каби хислатлар қиссадаги лиро-публицистик услубнинг бўртиб туришини таъминлаган. Бу услуб уруш даврининг қаҳрамонона ва фоживий мазмунини, Яхшилик ва Ёмонликнинг илдишларини очишга, босқинчилик, адолатсиз уруш гоъсини қоралашга, озодлик, тинчлик, ватанпарварлик, дўстлик ва интернационализм гоъллари, коммунистик идеалга фидойи бўлиш туйғуларини ифодалашга хизмат этган. Асарнинг реалистик қудрати ҳам шунда.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,  
филология фанлари доктори



Яхши кайфият.

Д. Тайберг фотоси

# ҚАХРАМОНЛАР КОЛХОЗИ



Уша йил Жоникул аканинг ҳам, колхознинг бошқа аъзоларининг ҳам сира эсидан чиқмайди. Хўжаликдан бир йўла уч кишига: колхоз раиси Жоникул Ҳасенов, пахтачилик бригадаси бошлиғи Ҳамро Эргашева ва механизатор Қурбон Орзиқуловга Социалистик Меҳнат Қахрамони унвони берилди. Шу-шу районда Карл Маркс номи колхознинг шуҳрати ошиб, хўжаликни норасмий равишда қахрамонлар колхози, деб атай бошлади.

Ҳа, Карл Маркс номи колхоз пахтакорлари 1956 йилда ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» ундириб, Самарқанд областида юксак кўрсаткичга эришган эдилар. Хўжаликнинг уч забардаст бобо-деҳқони 1957 йил бошида олдинги йил яқуни учун шу юксак унвонга сазовор бўлдилар...

Уша кезларда қахрамонлар ҳаёти газета ва журнал мақолаларида, очеркларда ёритилди. Очерклардан бирига «Пастдаргомлик Маресьев» деб сарлавга қўйилганди. Унда Карл Маркс номи колхоз механизатори, Улуғ Ватан уруши инвалиди Қурбон Орзиқулов бир обғи ясама бўлишига қарамасдан пахтачиликда чинакам фидойилик кўрсатгани ёзилганди. У чиндан ҳам жонон колхознинг шуҳратини ошириш учун маресьевчасига ишлаб, ҳалол меҳнати билан ҳамқишлоқларининг эътиборини қозонди.

Мана, ҳозир Жоникул ака кабинетидеда ёлғиз хаёлга чўмиб, ўша кезларни, колхозга дастлаб раис этиб сайланган пайтларини эслаб ўтирибди. Қарийб ўттиз олти йиллик раислик фаолияти даврида кўрган-кечирганлари унинг хотирасидан тўтарди.

Оғир уруш ўзбек колхозларини ҳам толиқтирди. У «Қизил меҳнат» колхозига раис этиб сайланганда хўжаликнинг бор кучи бешта от култиватори, тўрт жуфт қўш, учта аравадан иборат эди. МТСдан битта универсал трактор ажратилганди. Қўлидан иш келадиган, хўжаликнинг оғирини енгил қиладиган азамат йигитларнинг кўпчилиги урушдан қайтмади. Қайтганлари ҳам оғир юмушга қобилиятсиз эдилар, ўшалардан бири бўлган Қурбон Орзиқуловнинг ҳам бир обғи протез эди. Раис уни фронтдан қайтган кўни кўрган борди.

— Қурбонбой! Урушдан омон келишининг ўзи катта бахт. Албатта, сизга енгилроқ иш берамиз,— дея ўшанда атайин фронтовикнинг кўнглини кўтарди раис. Вақт зикрлигидан, хўжалик ташвиши кўплигидан узоқ ўтиролмади.— Далага чиқинг, ҳамқишлоқларимизга мадад беринг,— деди Орзиқулов билан хайрлаша туриб у.

Қурбон Орзиқуловга раиснинг «далага чиқинг... мадад беринг» дегани далда бўлди шекилли, қишлоққа келганининг учинчи кўни эшак миниб пахтазорга — ҳамюртларининг ёнига борди. Уша заҳоти

далада ёш-қари — ҳамма уни бир зумда ўраб, саволга тутишди: Нечта душмани ўлдирдингиз? Училишини куталмиз. Сиз учратмадингизми...

Қурбон ҳаммасининг кўнглини олиб жавоб қилар, умид билан фарзандларини кутаётган ота-оналарга эса: ҳали вагон-вагон аскарлар йўлда, ўйларингиз албатта келишди, деб тасалли берарди. Уша тонда пайкал четида турган универсал трактор Орзиқуловнинг эътиборини тортди:

— Нега трактор ишламапти?— сўради у звено бошлиғи бўлиб ишлаётган аёлдан.

— Эгаси бетоб. Бошқа кишининг қўлидан келмайди,— деди кўнгли бўшашиб ҳалиги аёл.

Қурбон Орзиқулов аёлининг «...бошқа киши бошқаролмайди», деган гапидан оғир уруш кунларида бечора хотин-қизлар қанчалар қийналганини ҳис этди. Уша бир оғиз гап туртки бўлди-ю, у тўғри колхоз идорасига жўнади. Йўлақда раисни учратиб:

— Жоникул ака, қишлоғимиз сиртидаги бешинчи бригадда тракторчи касал бўлгани учун универсал ишламай турибди. Кетмончилар эса ўт босган гўзани тозалолмай овор,— деди ташвишланиб.

— Биланам, Қурбонбой, биламан. Механизатор

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

кадрлар етишмайди-да,— дея раис Қурбонга маънос тикилди. Шу тонда раиснинг хаёлидан, «норгул йигитларимиз урушдан қайтмадилар. Сиз ҳам яримжон... Иложимиз қанча...» деган фикр ўтди.

— Бир обғим ясама бўлса ҳам, икки билагимда кучим бор. Мени йўллама билан МТС иختиёрига юборсангиз. У ердаги курсда ўқисам, тракторни бошқаришни ўргансам,— деди Орзиқулов жангда чиниққан солдатга хос қатъият билан.

— Қийналиб қолмасангиз-а?

— Оналаримиз, опа-сингилларимизнинг қўлига оро кирсам дейман.

— Раҳмат,— деди раис солдат ҳамюртининг чапдастлигини кўриб.

Эртасига Қурбон Орзиқулов колхоз правлениесининг йўлланмаси билан МТСга келди. У тракторчилар тайёрлаш курсида ўқий бошлади. Орадан уч ой ўтган МТСнинг малакали механизатори сифатида ўз колхозига ишга келди. У трактори билан меҳнат қилди. Кузда ер шудгорлади. Эрта баҳорда универсал рулга ўтириб чигит экти. Гўзалар уни чиқиши

билан экин ораларига ишлов берди. Кузда эса энди заводдан келган «СХМ-48» терим агрегатидеда бункер-бункер пахта терди. Уша вақтларда Қурбон Орзиқулов колхознинг ишонган тоғи эди. Унинг меҳнатдаги жасрати ҳаммининг оғзига кўнди. Айни йигим-терим кезларида деҳқонлар ҳузуриде бўлган мухбирлар Қурбон Орзиқуловни «Пахтакор Маресьев», «Маресьевча жасорат» деб таъриф-таъсиф этдилар. Партия ва ҳукуматимиз ҳам унинг пахтачиликдаги фидойилигини юксак тақдирлади. Қурбон Орзиқуловнинг кўксини Олтин Юлдаз беади. У билан баб-баравар тер тўкиб, гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» ундирган бригадир Ҳамро Эргашев ҳам ана шундай олий мукофотга сазовор бўлди.

Раис ана шундай омилкор, деҳқончилик илмининг чинакам билимдонлари бўлган икки сафдоши билан бирга ишлаган кезларини, бири-бирига устозлик ва шоғирдлик қилган дамларни эсларди.

Дарвоқе, икки пахлован дўстнинг колхозда ўз ўрни, ўз салмоғи бор эди. Улар зиммаларидаги юксак мажбуриятни оқлаймиз, деб не-не қийинчиликларни енгмадилар. Эл бойлигига бойлик қўшамиз, колхозимизнинг шуҳратини оширамиз, деб изғирин қиш совуғига ҳам, жазирама ёз иссиғига ҳам бардош бердилар... Афсус, улар бугун орамизда йўқ...

Раис марҳум дўстларини эслаб кўнгли маънос тортди. Энди у дўстлари хотирасини абадийлаштириш хусусида бош қотирарди: «Қишлоқ Совети раҳбарлари билан келишиб, колхоз посёлкасининг марказий кўчаларини шу икки қахрамон пахтакор номлари билан атасак. Қурбон Орзиқулов кўчаси. Ҳамро Эргашев кўчаси. Уларнинг номлари қахрамонлик тимсоли бўлиб қолиши керак». Раис оҳиста ўрнидан туриб, кенг далаларга кўз югуртирди. Шудгорланган далалар қалин қор билан қопланган. Дала уйқуда. Лекин пахтакор деҳқон қишда ҳам тинчимайди. Тракторларга тиркалган араваларда карталар четида маҳаллий ўғит тўкаётган универсалчилар, серғайрат йигитлар кўзига элас-элас кўринди. «Балли, азаматлар. Ҳосилга-ҳосил қўшиб, хўжалигимизни бойтаётганлар шулар-да»,— деди Жоникул ака ўзича пи-чирлаб.

Шу орада кабинет эшиги очилиб, «Мумкинми?» дея хонага бригадирлар Мели Кўчқоров, Бойтўра Кўмаков ва Расул Фармонов кетма-кет кириб келишди.

— Раис бува, уччаламиз ҳам сизга бир хил илтимос билан келдик,— дея вазини гап бошлади Кўчқоров.— Утган баҳордаги қурғоқчилик ерларимизни анча чарчатиб кетди. Адирлардаги қўтонлардан маҳаллий ўғит ташвиш учун тележалар сонини кўпайтириб берсангиз.

— Юкловчилар етарлими?

— Ҳа, йигитларимиздан зарбдор группа тузганмиз,— деди Бойтўра Кўмаков раисга жавоб қиларкан.

Жоникул ака оҳиста телефон трубкасини кўтариб, бош инженерага бригадалар иختиёрига тележаларни кўпроқ ажратишни топширди.

Улар раис ҳузуридан мамнун бўлиб чиқиб кетишди.

Хонада яна Жоникул аканинг ўзи қолди. У яна хаёлга толди: Ишлаб чарчамас, фидойи кишиларимиз бор-да! От ўрнини той босар деганларидек, қахрамонларимиз кетидан қахрамонлар етишди. Бугун мана 60 центнерчи бригадиримиз Бойтўра Кўмаков ҳам, колхоз Мирзақўли деб аталган бутун бир массивни ўзлаштиришда бош-қош бўлган Мели Кўчқоров ҳам Социалистик Меҳнат Қахрамони! Уларнинг ғайратиде, пахтага бўлган меҳрида тўнғич қахрамонларимиз Ҳамро Эргашев, Қурбон Орзиқуловга хос шижоатни кўраман.

Раис ҳисоблаб қараса, у бошлиқ хўжалик йўнинчи беш йилликда давлатга 62 минг тонна, 1982 йилда эса 11 минг тоннадан ортқ пахта топширибди. Ил-



Карл Маркс номи колхознинг бош инженер муовини Эшмамат Тошқувватов ва ўртоқлари.

# ЗУМРАД КЎЛ

ЛАВҲА

Аёл... у ўзининг ширин тушидан энтикиб уйғониб кетди. Жуда узоқдан келатган оппоқ нурлар дараза оша улар ётган хонага тобора қинлашар, осмон анча оқариб қолган, тонининг яқинлиги аниқ эди. У оппоқ кўрпа бағрида бир зум хаёлга толди. Тушини эслади. Мунча ширин-а! Ажойиб, шу қадар ажойиб, тип-тиник зумрад кўл эмиш. У шунақа тиник эканки, сув остидаги тошлар марвариддай оппоқ бўлиб кўриниб турибди. Унинг ўзи баланд-баландда эмиш. Уша кўлга лолу маст бўлиб тикилиб қолганмиш. Ундан ҳовуч-ҳовуч сув олиб, қониб-қониб ичгиси, бир лаҳза ўша кўл бағрига тушиб яйрагиси келатганмиш...

Баланд тепаликдан энди ўша кўл сари тушмоқчи бўлганда, уйғониб кетди. Қизик, юраги ҳозир бир ажиб туйғуларга қўмилиб кетгандай. Уша тушида кўрган кўлни ҳозир излаб топгиси, атрофда айланиб, маъза қилиб сувидан ичгиси келиб кетди.

Юрагида қандайдир бир ажиб ҳислар гулпарилти, вужудини эркаляпти. Мана шундай ширин лаҳзаларда гоҳ-гоҳ шевр машқ қиларди. Ҳозир ҳам шундай... шевр ёзгиси, куйлагиси, йироқлардан имлаётган бир гўзал орузлар сари таллингиси келаяпти. Уша тушидаги табииётнинг сулува жамолига пешвоз чиқиб, айна шу тонг палласи қўшининг илк нурларига чўмилиётган она юртимизнинг поёнсиз яшил кенгликларини бутун вужуди билан тамоша қилгиси,

топ-тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб шимиргиси, бир лаҳза, фақат бир лаҳза бўлса ҳам барча майда икир-чикир, кундалик турмуш ташвишларидан кечиби, фақат ошиқона юрак билан яшагиси, мастона кўзлар билан атрофларга тикилгиси келди.

Энди тетапоя бўлаётган кенжа ўғли Бобирнинг безовталаниши аёлининг йироқларга учган ҳаёлини ўзига келтирди. Уғли ётган жойида ширин тамшаниб, она сийнасини изларди. Она меҳр билан ўғлини эмизишга тушди. У «чўлл-чўлл» этиб, маъза қилиб эмар, туни билан тўйиб ухлаган гўдак астойдил уйғониб олган, ҳар эмганда эркаляниб оёқларини ўйнатарди. Уғилчасининг кенг пешоналарига, бахтиёрликка тўйиб-тошиб турган қоп-қора кўзларига тикилиб, аёл яна ўзига сиғмай кетди. Худди ҳеч тўймаётгандай ўғлини қайта-қайта сўйиб ўпди.

— Сени ташлаб қеққа кетаман, эркатойим. Сендай ширини-и...

Аёл худди катта гуноҳ қилгандай яна ўғлини маҳкам бағрига босди.

У ўғлини эркаляб-эркаляб ўтказди, олдида бир тўп ўйинчоқларни

қўйиб, ўзи ҳовлига чиқди. Баҳорнинг илик, ҳузурбахш, минг бир хил турфа буйлар қориган хушбўй ҳавоси «гуп» этиб димоғига урилди. У энтикиб-энтикиб, чуқур нафас олди. Қушларнинг тинмай завок-шавақ билан чаҳчақлашини эшитиб, яна яйраб кетди. Уларга қўшилиб у ҳам беҳитёр бир гўзал, ширин қўшиқ айтгиси келди. Дарахтларда эндигина кўз очаётган митти куртакларга маҳлиё боқиб туриб, бирдан ўғли ёдига тушди.

— Тўнтарилиб қолмасин яна...— юраги ҳаприқиб уйга шовшди.

Гўдаги қорни билан ётиб олиб, жон-жаҳди билан икки оёғини силкиганча, олдинга таллинадди. У онасини кўриб, яна астойдил интилди.

— Узимнинг ширин ҳаётим, болажоним, кел, кела қол, қийналиб кетдингми, дўмбоғим,— у ўғлини суйиб-суйиб қўлига олди. Уғилчаси ҳамма гапга тушунадигандек, уни дараза ёнига олиб бориб, атрофини кўрсатди: — Кара... худди сенга ўхшаган бегубор баҳор келаяпти...

У ўғлини даразага тик қўйганча яна атрофдан кўз узолмасди. У ҳозир куйлагиси, бор овози билан куй-

лагиси, ўз овозига ҳамма-ҳаммани жўр қилгиси келарди.

Шу пайт... Яна икки фарзанди уйғониб, ичкари уйдан чиқиб келишди. Югуриб келиб, онасига ёпишишди. У ўғли билан қизининг кучдан-куч чўзилиб бораётган бўйларига, энди уйқудан уйғонган бегубор кўзларига боқиб туриб, ҳалигача но-нушта ҳозирлигини кўрмаганидан хижолат торди. У суюлиқ фарзандларини ўйинчоқларга андармон қилиб қўйиб, шовшиб уй йиғиштиришга тушди. Кейин ошхонага кирди, но-нушта тараддудини бошлади.

Баҳор қўшининг илик нурлари бутун она замин Ўзбекистон узра ёйилиб кетди. Аёл дараздан тобора яқинлашаётган офтоб тафтидан роҳатланиб, фарзандлари, севикли ёри даврасида дастурхон атрофига ўтирди. У бутун оналик меҳри билан болаларига тўймай тикилди. Дилидаги энг пинҳона ҳислари, покиза муҳаббат билан сездирай ёрига разм солди. Уларнинг ҳаммаси шод, ҳаммаси бахтиёр... Уларга боқдию, шу тобда юрагининг ич-ичлари жуда-жуда ёришиб кетганини сезди. Назаринда, тушидаги ўша зумрад кўлни, қанча-қанча гўзалликларини, дили орзу қилган эзгуликларини жуда кўлини ҳозир шу ернинг ўзиде кўриб тургандай, тенгсиз бир сархушлик бағрига сингиб кетди.

Матлуба АҲМЕДОВА

Фаргона

гор бригадалар гектаридан 60—62 центнердан ҳосил ундирдилар. Хўжалиқнинг бошқа тармоқлариде ҳам яхши натижаларга эришилди: давлатга 850 тонна сут, 162 тонна гўшт сотилди. Дон, мева ва сазавот етиштиришда ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритилди.

Раис ёлғиз ўзи қолиб, йиллар мазмунини хотирлаганда, хўжалик кўрсаткичларини сарҳисоб қилган кезларидагина ўттиз олти йиллик раислик фаолияти салмоқли муддат — бир йилнинг камолот ёши эканини ҳис қилади. Бошқа вақт эса иш билан, турли юмушлар билан овуниб, кунлар ва ойларнинг, ҳатто йилларнинг қандай ўтганини сезмайди ҳам. Унинг ташвиш ва юмушлари эса беҳисоб. Йирик бир хўжаликка раҳбарлик қилишдан ташқари СССР Олий Советининг депутати сифатида сайловчилар олдидеги бурчини айтмайсизми. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 5-, 8-, 9-чақириқларида депутат бўлган даврларида ҳам сайловчиларнинг қанчадан-қанча нақазларини бажарди: янги мактаб биноси қуриш,

битмай ётган болалар комбинатини ишга тушириш, районларга йўлларга асфальт ётқизишни уюштириш сингари кўпгина ишларни бажарди. Унингчи чақириқ СССР Олий Советига депутат қилиб сайланган эса халқ хизматкори сифатида унинг ташвишлари янада орди. Сайловчилар билан ўтган йилги учрашувларда оқдарилик сайловчилар Зарафшон дарёсига кўприк қуриб бердиришни, ургутликлар эса янги автобус маршрутларини уюштиришни нақаз берган эдилар. Сайловчиларнинг нақазларини бажариш эса осонлик билан кўчавермайди. Бунинг учун қатъият, тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари билан қайта-қайта гаплашиб талаб қилинади. Ҳар бир нақазни бажаришда Жониқул Юсупов изчиллик билан иш тутайди.

Бугунгидай эсида. Москвада ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси борарди. Раислик қилувчи нотиклардан бирига ўз бераркан, «...тайёрлансин депутат ўртоқ Жониқул Юсупов», деб эслатди. Уша заҳоти Жониқул акани ҳаяжон

босди. Ҳалигача у бундай катта анжуманнинг юксак минбаридан туриб гапирмаган. Гапирганда ҳам депутатларга мазкур тушиданги қилиб гапириб, бирор муҳим масалани ўртага ташлаш лозим. Юсупов худди шундай масъулият ҳис этиб, фикрини бир жойга тўплай бошлади. Уни кўпдан бери бир муаммо ташвишлантириб келарди: миллион-миллион қаноқлардан миқсолоб терилган пахта қабул пунктларида, пахта тозалаш заводлари ҳовлиларида оддий брезентнинг тагида омонат асралади. Оқибатда кишки ёғни-сочинда нам тегиб, толанинг сифати бузилади. Ахир, деҳқон пахтани даставвал толаси учун етиштиради-ку.

Жониқул Юсупов минбарга чиқиб, ўртага шу муаммони ташлади. У ўз нутқида СССР Пахта тозалаш саноати министрлиги раҳбарларидан пахта заводларида ва тайёрлов пунктларида пахта асраладиган махсус омборлар қурдиришни талаб қилди.

Ушанда минбардан тушиб, жойига келиб ўтиргач, ёнидаги қўшини чуст дўппи кийган ўзбек депутатининг фаолияти билан қизқиқ қолди:

- Неча йил раис бўлиб ишляяпсиз?
- Уттиз беш йил.
- Хўжалиқингизнинг йиллик даромади қанча?
- Саккиз-саккиз ярим миллион сўм.
- Қолхозингиз қишлоқлари ҳам шаҳарга ўхшаса керак-а?
- Ҳа, шундай.

Жониқул ака Москвадан Самарқандга самолётда учиб келаятиб яна ўша сўхбатдошининг саволи ёдига тушди: «Қишлоқларингиз ҳам шаҳарга ўхшаса керак!»

Ушанда сўхбатдошига колхоз посёлқасининг қиёфасини батафсил таърифлаб беролмаганига бироз афсусланди у.

«Большевик районидеги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Карл Маркс номли колхоз посёлқасининг кўркини кўриб кўз қувонади. Равон кўчалар, мухташам бинолар, маданий-маиший муассасалар — ҳаммаси кишининг эътиборини тортади. Айни вақтда колхоз посёлқаси бутун бошли янги Большевик районининг маркази қурилгунча барча ташкилотларни ва муассасаларни вақтинча колхоз биноларига жойлаштириш лозим топилди.

Ҳа, иқтисод ва маданияти юксалган орденли колхоз бугун ўз бағрига бир район жамоасини жойлабдики, унинг қамоли кўз-кўз қиларди. Оздий коллектив деҳқон хўжалигини ҳар томонлама юксак тараққиёт босқичига кўтаришда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Жониқул Юсуповнинг, унинг елкадош ҳамқишлоқлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Бойтўра Қўмаков, Мели Қўқоров сингари бободоҳқонларнинг хизматлари беқийсдир.



Колхоз темрчиси Жўра Сафаров шогирди Тўлқин Ҳамроев билан.

Н. Шарипов фотолари

Шумурод СИДДИҚОВ



# ЖУНАРИҚ ТЎЛИБ ОҚСИН!

Усарбой ЖҰРАЕВ,  
Тошкент область, Янгийўл районидаги Ҳамроқул  
Турсунқулов номи колхоз раиси

Шўралисойда коллектив хўжалик тузган ва уни умрининг охиригача моҳирлик билан бошқарган машҳур пахтакор Ҳамроқул Турсунқулов бизларга ҳамisha шундай деб уқтирарди: «Ер бағрида битмас-туганмас ризқ-рўзимиз сақланади. У инсон меҳнати билан юзага чиқади, сув билан ўсиб кўляди, яшайди. Ота-боболаримиз сув тошса ер кўл бўлади, меҳнатсиз чўл, деб бежиз айтишмаган. Бир қарич ерни ҳам кўз қорачи-гидек қадрланганлар, сувнинг бир томчисини ҳам эсе кетказмаганлар».

Устознинг бу ўғитларига амал қилиб келмоқдамиз. Иш натижаларимиз чакки бўлмаяпти. Узоққа бормайлик. Деҳқончилик ва айниқса пахтачилик учун об-хаво нуқулай келган 1982 йилда бир сўзли пахтакорларимиз астойдил меҳнат қилиб, зиммаларидаги мажбуриятларини барча соҳалар бўйича адо этдилар. Она-Ватанга 5 минг 180 тонна пахта етказиб бериб, ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил кўтардилар. Е. Сабирабоев, А. Биминов, Т. Темиров ўртоқлар Бошлиқ бригадалар эса ҳосилдорликни гектарига 46—48 центнерга етказдилар.

Бу рақамлар ҳаммамизни қувонтиради, албатта. Йиллик ҳисобот мажлисида ҳар бир бригаданинг, ҳар бир участканинг ишини таҳлил қиламиз. Колхоз бўйича салкам 40 центнердан, кўпгина бригадаларда қарийб 50 центнердан пахта етиштирилаётган бизнинг колхозда ҳосилдорликни 27—30 центнердан оширолмаётган бригадаларнинг бўлиши кишини ташвишлантиради.

Бир колхознинг ўзида бунчалик сезиларли тафовутга сабаб нима? Ҳа, ҳосилдорликда нисбатан паст кўрсаткичларга эришяётган бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш мумкин. Бунинг учун зарур бир тадбирни амалга ошириш гоят муҳим. Биз бу борада икки-уч йилдан бери ҳаракат қилсак-да, афсуски, кўзланган мақсадга эришолмаётганимиз.

Хўжалигимизнинг етакчи тармоғи пахтачилик бўлса-да, чорвачилик, боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари ҳам мавжудки, албатта буларсиз колхоз экономикасини тасаввур қилиш қийин. Чунончи, 1982 йилда давлатга 564 тонна дон, минг тоннадан зиёд узум-мева, 2 минг 664 тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари сотдик. Сал кам минг тонна сут, 110 тонна гўшт етказиб берилди.

Тавқидлашим мумкинки, қишлоқ хўжалигининг бу соҳаларида ҳам биз янада кўпроқ муваффақиятларга эришишимиз мумкин эди. Лекин ўзимизга боғлиқ бўлмаган баъзи муаммолар ишимизга гоё бўлиб келмоқда. Мен бу масалани бизнинг хўжалик манфаати нуқтаи назаридан ўртага ташлаётганим йўқ. Агар мен айтмоқчи бўлган иш амалга оширилса, Янгийўл ва Чиноз районларидаги кўпгина хўжаликларда ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошган, чорвачилик соҳасида кўшимча маҳсулотлар олишига эришилган бўлув эди.

Гап хўжалигимизни сув билан таъминлайдиган Жўнариқ каналини кенгайтириш, уни реконструкция қилиш устида бормоқда. Очиғини айтиш керак, ҳозирги пайтда бу канал деҳқонлар талабига жавоб бермай қолди. Чунки кейинги йилларда Янгийўл ва Чиноз районларида қадимги ғаллазор адирлар, сув чиқмайдиган тепаликлар ўзлаштирилиб, экин майдонлари, боғ-роғлар сезиларли равишда кенгайтирилди. Чунончи, биргина колхозимиз тўғрисида гапирадиган бўлсак, 1961 йилда атиги 240 тонна чорвачилик маҳсулотни топириган бўлсак, эндиликда йилига минг тонна ва ундан ҳам ошириб маҳсулот етказиб бераётимиз. Демак, озуқа экинлари майдони анчагина кенгайди. Пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик соҳаларида ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин.

Этиборни тортадиган яна бир факт шундан иборатки, колхозимиз ерлари тузилиш жиҳатидан хилма-хил. Кўпгина экин майдонлари пастлик ва адирлардан иборат. Қир участкамиз ҳам каттагина майдонни ташкил этади. Пасттекисликлардаги қарталарда алмашлаб экиш схемасига кўра пахта ўстирилганда, суғоришни августнинг бошларида тўхтатиш керак. Аммо қир участкаларда асло бундай қилиб бўлмайди. Бу майдонлардаги қўзани бутун август давомида, ҳатто сентябрнинг биринчи ўн кунлигигача суғориб турилса, юқори бўғиндаги шохларда пайдо бўлган гул ва тугунчалар тўкилиб кетади, пастки бўғиндаги кўсақлар тўлишмайди, демак, пахта толасининг узунлиги талаб даражасида бўлмайди. Чигит яхши тўлишмадим, демак пахта тарози босмайди.

Колхознинг ўртача кўрсаткичдан анча кам ҳосил етиштираётган қир участкаларидаги бригадаларнинг «қолоқликларига» сабаб аввало ана шу! Мен бу билан уларни оқламоқчи, ҳамма айбни сув камчилигига қўймоқчи эмасман. Деҳқон удабуронлик билан астойдил ҳаракат қилса, кўзлаган мақсадга эришмай қолмайди. Устозимиз Ҳамроқул Турсунқулов айтмоқчи, деҳқон муваффақиятининг отаси меҳнат, онаси сув экан, ҳар иккаласи мужассам бўлса, нур устига нур бўларди.

Яна Жўнариқ канали хусусида. Унинг сув тақсимланадиган ёнариқларига сув ўтказувчи қулоқ бошлари сувнинг ҳамisha тўлиб оқишига мўлжаллаб юқорига ўрнатилган. Сув жиндак камбас бас, кўпгина ёнариқларга сув чиқмай қолади. Уз кучимиз билан ариқни тўсиб сувин юқорилатмоқчи бўлсак, биздан кейинги хўжаликлар сувдан қийналиб қолади.

Нима қилиш керак?

Гап сув танқис бўлган йиллар тўғрисида бораётгани йўқ. Қишлоқ хўжалик мутахассислари кенгашиб, август ойининг биринчи ўн кунлигидан сўнг қўзани суғориш экинни говлатиб юборади, экин тўқ кўсақ туғиш ўрнига говлаб кетади, пишиб етилиши кечикади, деган хулосага келдилар. Баъзи хўжаликларда эса сув сум-

истеъмол қилиниб, тупроқ тузилиши жиҳатидан август ойида суғориш талаб этилмаган далалар ҳам суғорилмаверади. Ана шундай ноўрин ҳаракатлар оқибатида Жўнариқнинг суви дарёга ташланиб юборилади, каналдаги сув сатҳи эса пасайиб кетади. Юқоринда айтилганидек, бизнинг хўжалик сингари экин ерлари қир участкаларга жойлашган (бундай ҳолатни областимиздаги қатор районлар ҳам кузатиш мумкин). Хўжаликларда гўза айна кўсақ боғлаётганда сувсиз қолиб ҳосилга путур

етади. Бундан ташқари, беда, сабзавот, полиз экинлари, боғлар сувга тўймай ҳосили камайиб, хўжалик иқтисодига салбий таъсир кўрсатади. Биз 350 гектар ерда дон учун маккажўхори, 80 гектар ерда сабзавот етиштираемиз. Шунингдек, 450 гектар бедаполиз бор. Чорва молларига ем-хашакни етарли қилиш учун каттагина майдонга таъсир экинлар жамият. Ана шу экинлар айни сув талаб қилган август, сентябрь ойлари давомида чанқиб қолади. Маккажўхори дони тўлишмайди, бедазорлардан навбатдаги ўримларда кўзланган миқдордаги пичанларни ололмаймиз. Кечки сабзавот экинлари сувдан қолиб, маҳсулдорлиги камайиб кетади.

Биз ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Агар Жўнариқ канали бугунги талаб ҳисобга олиб кенгайтирилса, август ва сентябрь ойи давомида суви етарли олсак, 1983 йилда қўшимча равишда минг тонна пахта етиштириш, маккажўхори донини яна ошириш, беда пичанини кўпайтириш, сабзавот экинларидан ҳозиргига қараганда анча кўп ҳосил олиш имкониятига эга бўламиз.

Бундан ташқари, Бойсунариқ, Нўғайариқларни ҳам реконструкция қилиш, насослар ўрнатиш талаб қилинмоқда.

Тегишли мутасадди ташкилотлар, сув хўжалиги ташкилотлари бизнинг зарурий эҳтиёжларимизни ҳисобга олиб, мазкур сув иншоотларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш тадбирларини кўрадилар, деган умиддамиз.



Т. САЪДУЛАЕВ. ЁРГА МАКТУБ.

# МУҲАББАТ ТАРИХИНГ КЎЗДАН КЕЧИРГИЛ

## ЎҒЛИМ

Сени жоним деганман, чиндан ҳам жон ичра жон  
Ажаб ширинсухан, камтар, диловар, хушзабон ўғлим,  
Қарогим, аркалаб бағримга босдим, мендан ҳам  
Севиб, фарзанди деб кўксига кучди хур замон,  
Уруш, очликни кўрма, биз курашдик ушбу дунё деб,  
Боболар хокини гуллат, замон дорилмомон, ўғлим.

Усиб ақлингни олдинг, бил, бу дунё кўп мураккабдир,  
Қадамда учрағай бундан бўён яхши-ёмон, ўғлим.

Ўзингни ўйлама, халқингни ўйла, эл омон бўлса,—  
Билиб кўй, рози бўлғай дўсту ёр, жумла жаҳон, ўғлим.

Кўзингни шимғалаб, тулки ниқобига кириб сурбет,  
Бошингдан сочса ҳам олтин, унутма ул чаён, ўғлим.

Насихат: Тошпўлат ўғли экансан ёру дўстингинг —  
Бошига тушса кулфат, сен яра, бўлма куён, ўғлим!



## АФШОНА ҚУШИГИ

Афшонанинг турнақтор, дўстлар,—  
Кўчалари, уйлари бор, дўстлар.

Кўрган айтур ер юзининг жаннатин,  
Боги тўла олма, анор, дўстлар.

Афсона бу, Ибн Сино юрти бу,  
Узоқ-узоқ тарихи бор, дўстлар.

Эллар аро бахтини куйланг бугун,  
Қўлга олиб созу дутор, дўстлар.

Полвонлари чўлини жаннат қилур,  
Верахшада эрта баҳор, дўстлар.

Ибн Сино кўзини очган замин,  
Гул ила булбулга диёр, дўстлар.

Тонг отади меҳнат ила бу элда,  
Иш юришар эрта наҳор, дўстлар.

Ёз, қаламинг қўлга олиб, Тошпўлат,  
Афсонага бўлди хумор, дўстлар.

## ОЖИЗА ҲАЗАЛИГА МУХАММАС

Боғ айланай қувона, чин аҳду паймон галди,  
Кўзим йўлида ёна, дардимга дармон галди.  
Гулни қилиб баҳона, қалби беармон галди,  
Бу кулбаи аҳсона, хуршиди жаҳон галди,  
Гўёки ўлик эрдим, жисмим аро жон галди.  
Одамлардан ошқора, келди эхтиром айлаб,  
Жонимни олди аста, юрагимни ром айлаб,  
Яна тирилди қайта, табассум инъом айлаб,  
Ерига салом айлаб, ноз ила калом айлаб,  
Боғ ичра хиром айлаб, чин нури аён галди.  
Жоним садаға айлай, агар қилса у фармон,  
Энди яшаб ўтарман, бу дунёдан беармон.  
Еримнинг айтган сўзи, юракинамга дармон,  
Бошим йўлига қурбон, ўлдирса надир армон,  
У лаъли лаби хандон, чин писта даҳон галди.  
Ер юзиде яғона, ёнгинамда у маҳваш,  
Кундуз қувш, туллари ҳуснига ой қилур раши,  
Илҳом олиб, Тошпўлат, ғазал ёз, қиләвер  
машқ,  
Жонинга солиб оташ, ҳам маҳвашу, ҳам  
дилкаш,  
Мастона юриб маҳваш, халқ ичра жаҳон  
галди!

## РИЗО

Қайси кун келдим жаҳонга бўлди гулбоғлар ризо,  
Лофи йўқдир сўзларимнинг: ҳатто япроқлар ризо.

Ешлигим кўкда яшиндай турмади бир лаҳзалик,  
Нур бўлиб оламини тутди, бўлди чақоқлар ризо.

Ешлигим гоҳи Зарафшон, гоҳида Жайхун бўлиб  
Ташналаб чўлларда оқди, бўлди чақоқлар ризо.

Гул бўлиб тупроққа сингдим, сув бўлиб оби-зилот,  
Нур бўлиб дунёга келдим, чўлу яйдоқлар ризо.

Ешлигим ўтди, йигитлик чоғларим ўтмоқда шод,  
Гул унар босган изимдан, шаҳру қишлоқлар ризо.

Куйладим шўх-шўх ғазал: «Тоғларга боқ, тоғларга» деб,  
Жўш уриб қайнар булоқлар, бўлдилар тоғлар ризо.

Тошпўлат, юртдан савоб ол, тинмагин халқ бахти деб,  
Катта ишлар қил, ғазал ёз, бўлсин ўртоқлар ризо.



## ЧИННИ ЖАРАНГИГА ҲАМОҲАНГ РАНГЛАР

Ғафур Ғулум ўз шеърларидан бирида қизларнинг кулгусини чинни жарангига қислаган эди. Бу бежиз эмас. Дарҳақиқат, чинни жаранги бағоят тиниқ ва жозибалидир. Чинни буюмларнинг сифати жарангдорлиги билан белгиланади. Жаранги қанчалик тиниқ ва узоқ вақт акс-садо бериб турса, унинг сифати шунчалик юксак ҳисобланади. Бироқ фақатгина жарангининг ўзи билан иш битмайди. Чинни буюмларга жарангига мос ранглар ҳам керак. Тошкент Чинни заводида ўнлаб расомлар худди мана шу иш билан банддилрлар. Улар орасида бу йил 50 ёши нишонланаётган Ўзбекистон ССР халқ расоми Холикул Ҳайдаровнинг ўрни алоҳида ажралаб туради.

Холикул Ҳайдаров 1933 йилда дунёга келди. Ешлигидан расм чизишга қизиқди. У ўз орасининг ушалиши учун ҳаракат қилиб, Беньков номидаги Тошкент Расомлик билан юртига кириб ўқиди. Устоз расомларнинг сабогини жон қўлоғи билан

тинглади, ўқди. 1954 йили билим юртини муваффақиятли тугатиб, ижодий меҳнатга йўлланма олди. 1960 йилга қадар у Тошкент шаҳридаги мактабларда ўқувчиларга расм чизишдан дарс берди. Педагоглик билан бир қаторда вақтли матбуотда ҳам қатнашиб турди. Кейинчалик матбуотда, айниқса, «Гунча», «Гулхан» журналларида фаол иштирок этди.

Холикул Ҳайдаровнинг ҳаётида 1967 йилда катта бурилиш юз берди. У Тошкент Чинни заводида расом бўлиб ишга кирди. Заводида расом ўз истеъдодининг янги қирраларини намойён этиш учун тинимсиз меҳнат қилди. Кечаю кундуз ижодий ишдан бошини кўтармади. Йилдан-йилга унинг маҳорати оша борди. Кейинчалик, чинни буюмларда образларни таъсирчан бера билишда унинг олдига тушадиган расом топилмай қолди. Зеро, Урта Осиёда манзаравий санъатнинг янги тармоғи сифатида майдонга келган чиннига портрет ва

сюжетли расмлар тушириш санъати расом Холикул Ҳайдаровнинг номи билан боғлиқ.

Кичик портретлар жанри расом Холикул Ҳайдаров ижодида катта ўрин тутди. Чинни буюмда киннинг образини акс эттиришга уринмасин, расом ҳар бир образга ўз нуқтаи назарини, ўз фикрини, ўз дунёқарашини сингдиришга интилади ва кўпинча мақсадини муваффақиятли равишда рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам унинг чиннига кўчирган портретлари, сюжетли расмлари ҳаётбахшлиги ва нафислиги билан кишиларни мафтун этади. Шу тариқа жуда кўп шонлар, олимлар, зиёлилар, қишлоқ дўжалик илгорлари ва бошқаларнинг портретлари унинг мўйқаламидан сайқал топиб, чинни ваза ҳамда лаганларда акс эттирилди.

Моҳир расом Холикул Ҳайдаровнинг ижодий биографиясида дохий образини яратиш алоҳида ўрин эгаллайди. У Владимир Ильич портретини чизишга зўр меҳру муҳаббат билан ёндошади. Унинг чинни буюмда Ленин образи тасвирланган асарлари кўп. Лекин ҳеч қайсиси бир-бирини такрорламайди. Расом ижодида ҳар гал дохийнинг донолик ёғили турган, меҳрибонлик уфурган янги бир нигоҳи ифодаланади. Ҳ. Ҳайдаров неҳис берган — Леонид Ильич Брежнев образи жилланган бир

метрлик ваза ҳам мутахассис санъаткорлар ва жамоатчилик вакиллари томонидан юксак баҳоланди. Бундан ташқари, расомнинг партия ва ҳукуматикининг атоқли арбоблари образига бағишланган ижодий ишлари ҳам анчагина. Унинг ўзбек шеърятининг қуёши, улуг мутафаккир Алишер Навоий, буюк аждодларимиз — Шарқ алломалари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва бошқа жаҳоншумул тарихий сиймоларимиз образларини яратишдек хайрли иш билан мунтазам равишда шуғулланиб келаётганлиги чиндан ҳам халқимиз эътиборини қозонишга лойиқдир.

Холикул Ҳайдаровнинг халқимиз олдидаги хизматлари партия ва ҳукуматики томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Унга Ўзбекистон ССР халқ расоми деган юксак унвон берилган. Шунингдек, расом Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги билан ҳам мукофотланган.

Таниқли ўзбек расоми Холикул Ҳайдаровнинг ҳозир айни ижодий куч-қувватга тўлган лойти. Биз қўли гул мусаввири 50 ёшга тўлганлиги муносабати билан муборакбод этар эканмиз, унга янада юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Эргаш МУҲАММАД

# ОЛМОС ЖИЛОСИ



Ҳожинабар Шайхонин «Олмос жилоси» фантастик қиссасида ўзбек фазоғирнинг космик саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асарда муаллиф илмий кашфиётлар романтикаси ва инсон билимининг чексизлигини мадҳ этади. Куйида шу асардан парча ўқийсиз.

**О**ЛМОС Азизов туш кўрар эди. У собиқ дўсти Николаев билан «Олмос» кемасининг қаюк-компаниясида ўтиришган эмиш. Кеманинг собиқ командири дўстига маслаҳат солаётган

эмиси:  
— Менга қара, Алёша, сени безовта қилиб бу ерга чақирганим учун узримни қабул эт. Ҳар ҳолда, Сомон Йўлидан бу ерга етиб келишини ўзи бўлмайди. Бир маслаҳатли иш чиқиб қолди.

— Хўш-хўш, қулоғим сенда, Олмос,— дермиш Алексеи жиддий қиёфада.

— Қадрдон она-еримизни жуда соғингандим. Мана, фазога мингнинг шукрларким, она турпрогимизни кўрдим. Ҳатто узоқ келажак авлодларимизнинг бир оқила вакили билан гаплашдим ҳам.

— Хўш-хўш!  
— Энди менда, келажак авлодларимиз билан бевосита мулоқотга киришиб тўғри қилганимни, бунга маънан ҳаққим бормикан, деган бир шубҳа уйғоняпти.

— Нега энди ҳаққинг бўлмас экан? Ахир сен шуларни деб жонингни жабборга бердинг, шуларни деб қирқ ўлимдан омон қолдинг-ку. Тўғри-ку-я, лекин биласани, менинг узоқ ўтмишдан қайтганим ҳақидаги хабар ҳозирги авлодлар дилига улкан гулгула солиши турган гап. Шов-шув, гулгула умуман тарихда аяхшиликка олиб келмаган.

— Нима демоқчилигингни яхши илғолмапман.

— Ҳар ҳолда ҳозирги одамлар учун мен узоқ ўтмиш авлодларининг вакилиман-да. Менинг фавқулодда уларнинг катта ҳаёт оқимида пайдо бўлишим одамларда психологик нуқта назардан стресс, яъни ҳаддан зиёд кучли ҳаяжон ва безовталик ҳолатини уйғотмасмикми?

— Шубҳаларинг бир мунча ўринли. Лекин такрорлайман: фақат бир мунча. Аввало сенинг ўз ватандошларинг билан мулоқотинг бу қонуний ва табиий мулоқот. Ерда олис келажак авлодларимиз яшаётган бўлса, нима қилибди. Ахир вақтинг планетамизда ва катта тезликлар билан боғлиқ беповён космосда турлича оқишга биз фазоғирлар айбдор эмасмиз-ку. Ундан кейин сенинг Ерга қайтганинг одамларда севинчили ҳаяжон уйғотиши мумкин, лекин безовталик туғдирмайди. Бундан хотиринг жам бўлаверсин.

— Билмадим. Ҳар ҳолда...  
Қулоқлари остида янграган майин қадимий куйдан Олимос Азизович уйғониб кетди. Фазоғир ҳайратда қолди. Хонада ўтган асрда жуда машҳур бўлган ва Азизов ёқтирган қўшиқ паст ноталарда ижро этилмоқда эди. Бу нарса Инессанинг интеллектуал сваяси хонадаги асбоблар ёрдамида синхронлаб ўрганган бастакор роботларнинг иши эканидан «Олмос»нинг собиқ командири беҳабар эди, албатта.

Азизов кўзини очдию, тепасида оқ халат кийган ва қўлида аллақандай қалқоқсимон аппарат кўтарган чиройли қизни кўрди. Фазоғир унинг

кўлини қандайдир совақ порлаб турганидан робот эканлигини дарров пайқади.

— Кечирасиз, — деди «қиз» бир оз тортиниб, — менга сизнинг сочсоқолингизни олиш буюрилган.

Азизовнинг эътироз қилмаганини кўрган робот қўлидаги асбоблардан бирини авайлаб, «Олмос» собиқ командирининг бошига кийдирди-да, дастагидаги тугмачани босган эди, аппарат майин гириллаганча ишлаб кетди. Лаҳза ўтмай, «қиз» асбобни ўчириб столга олганида, Олмос Азизовичнинг сочлари ихчам ва мўъжаз шаклда ўз ёшига мутаносиб ҳолда қирқиб қўйилгани кўринди. Робот унинг соқолини ҳам шу услубда, энди бошқа, япалоқ асбоби ёрдамида олди.

«Сартарош» роботдан сўнг кетмакет устига турли таомлар ва чиройли узун шишаларда ҳушбўй ичиликлар орган «ошпаз» робот кириб келди. Бу электрон—механик қурилма сирдан оддий столни эслатар, унинг остки қисмига турли электр—вакуум, ярим ўтказгич асбоблар ва микросхемалар монтаж қилинган, оёқларига пластик гилдиракчалар ўрнатилган эди.

Азизов тушлиқдан сўнг яна бир оз мизгиб олди. Инесса унинг хузурига қайта кириб келганда у анча бардам ва тетик кайфиятда эди.

— Мен илтимосларингизни бажо келтирдим,— деди аёл беморнинг ўнг томонидаги суянчиги «О» ҳарфини эслатувчи юмшоқ беланчак курсига ўтираркан,— кимлигингизни ҳеч

кимга айтмадим. Контейнер масаласида ҳам хотиржам бўлишингиз мумкин.

Аёл, афтидан мўйсифиднинг Олмос Азизов эканига ҳозирданоқ тўла ишонч ҳосил қилган, шунинг учунми, унга чексиз ҳурмат ва завқ-шавқ ҳисси билан тикилар эди. Бинобарин, Азизов билан бўлган илк учрашувидан бери ўтган олти соат давомида Инесса ўзини қўярга жой тополмаган, аввал ўзига савдойидек туолган бу галати мўйсифиднинг ақл бовар қилмайдиган гапларию, ўзини Азизов дея эълон қилгани ҳақида ҳаммасларига бирор нима дейишга юраги дов бермаган эди. Балки у чиндан ҳам Азизовдир. Тақдир азалнинг минглаб синовлари ва азоб-уқубатларини енгиб, тирик қолган бўлса-чи! Ахир Коинотда нималар зоҳир бўлмайди дейсиз!

Шундай ўйлар ва шубҳалар ичида аёл беморнинг ҳамма табиий таҳлилларини синхронлаб ўрганиб чиқди. Бунга қарангки, уларнинг ҳаммасига асосан ижобий жавоб олинган эди. Тиклаш камераси Азизовнинг (агар у ролдан ҳам Азизов бўлса) саломатлигини деярли мўътадил ҳолатга қайтарган, энди у яна бир-икки кундан сўнг касалхонани тарк этса ҳам бўларди. Ана шу вақт ичида Инесса ундан ҳамма нарсани билиб олишга улгуриши керак. Ана ундан кейин... Ундан кейин бутун сайёра бўйлаб мисли кўрилмаган шов-шув кўтарилди. Телегазеталарда бақироқ сарлавҳалар пайдо бўлади: «Олмос Азизов — тирик!», «Қаҳрамоннинг қайтиши», «Минг бир ажални енгиб!» ва ҳоказо ва ҳоказо.

Ҳа, агар у ролдан ҳам Азизов бўлса, бу ҳодиса жаҳонда беқиёс шов-шувга сабаб бўлади. Шунинг учун аёл бугуннинг ўзидаёқ, ҳатто ҳозирқо мўйсифид билан аяхшилаб гаплашиб олиши керак. Бунга ўзгалардан ортиқ сир сақлашга унинг ҳаққи йўқ, асло ҳаққи йўқ!

— Жуда осоз!— деди Азизов кўнгли таскин толгандай ўйчан нигоҳини шипга қадаб.— Ана энди сизга хотиржам Раядаги ҳамма саргузаштларимни бир бошдан ҳикоя қилиб берсам ҳам бўлади.

Инессанинг қоп-қора кўзларида яна завқ-шавқ учқунлари ёлқинланди. «О» ҳарфи шаклидаги курсига жойлашиб ўтириб олар экан, шу зумда унинг бутун вужуди қулоққа айлангандай эди...

...Азизов билан Адам «кулба»да фаромуш ҳолда робот берган перфоленталарни кўздан кечиришарди. Беганаснинг радиотелескопдан олинган маълумотлар асосидаги ҳисоб-китоби фазоғирларни яна ҳайрат ва саросимада қолдирганди. Формулар гравитация кучларининг мисли кўрилмаган даражада ошиб бораётгани ва яқин кунлардаёқ сайёрада аллақандай кучли аномалиялар бошланишини кўрсатарди.

Ажабо, аномалиялар бошланишини узоқ куттишга тўғри келмади.

Азизов охишта ўрнидан турди, ўз одатига қўлларини орқасига чалиштирганча битта-битта оқимлаб у ёқдан-бу ёққа энди юра бошлаган эди ҳамки, ҳамма ёқни босиб кетган гулдурос овозлардан ҳар учаласи — Азизов, Адам ва Беганас сержак тор-



Расми Фирдавс ФАЙЗУЛЛАЕВ чизган.

тиб бир-бирларига қарашди. Кейин теъзорлик билан учаласи ҳам ташқарига отланганди.

Улар горнинг оғзига етиб келишганда, чор-атроф қип-қизил фонда ёришиб кетган, бутун сайёра саҳнини қулоқни қоматга келтиргудек гулдрос овозлар тўлдирган, гўё юзлаб филлардан иборат улкан пода тошлоқ майдонни тўлдириб шиддат билан бостириб келаётгандай эди. Азизов югургандай одимлаб тошлоқ майдоннинг ўртагоҳига ўтдию, қизил ёруғлик тараляётган тоғ тизмалари томонга қаради.

— Вулкон отилапти!— деди у кетма-кет ёнига етиб келишган Адам билан Беганасга тоғ томонга ишора қилиб.

Ерликлар ҳозир ажиб манзаранинг гувоҳи бўлиб туришар эди. Олис уфққача чўзилган тишдор қояларнинг қоқ ўртасида, бу ердан элик қақиримча нарида атрофга сонсаноксиз учқунлар сачратиб осмонга фавворадек улкан олов дастаги отилаётганди. Лаҳза ўтмай улар оёқларининг ости титрай бошлаганини пайқашди. Зилзила бошланганди. Гулдрос овозлар янада кучайган, гўё энди бостириб келаётган филлар сони гоят кўпайиб ортиб кетган эди.

Зилзила узоқ давом этмади, тахминан ўн дақиқадаёқ тинди. Лекин вулкон ҳайла вақтгача чор-атрофни нурафшон қилиб турди. Қизғиш ёруғлик сўнганда фазоғирлар ҳамда робот бу сайёранинг лагандек табиий йўлдошларининг сўтдек ёғдуси оғушига чўмгани, унинг кўп нуқталаридан энди оппоқ буг ўрамлари кўтарилла бошлаганини кўришди. Тошлоқ майдоннинг горга қарама-қарши томонида катта кум оқими бошланган эди. Оқимнинг асоси осмонга қараган баҳайбат конус ҳосил қилиб, шиддатли теъзорликда ерликлар турган жойга бостириб келмоқда эди.

— Бошланди!— деди Азизов қовоғини уюб. Лекин у ниманинг бошланганини назарда тутди— Адам ҳам, робот ҳам тушунолмади. Ерликлар командирининг ишораси билан теъзорликда гор сари юришди. Лекин негедир, Азизовнинг горга кириш нияти йўқ эди. У Беганасга гор яқинида вахтада қолишни буюриб, Адамни «Лочин» сари бошлади.

Улар орадан бирор соат ўтмасданок яқиндагина қаңқоқ энерго-трассага бундан лиммо-лим водийга етиб келишган ва «Лочин» иллюминаторларига ёпишганча зўр бериб чор-атрофни кузатишарди. Ажабо, ҳозир планета сатҳи ҳаммаёқда зулмат оғушига чўмган, оловли чиққилардан асар ҳам кўринмас эди. Улар шу тарихда энерготрассаларни беҳуда излаб уч соатдан ортиқ учинди. Қизқ, улар қаёққа қойиб бўлишди экан?... Наҳотки ноорганниклар... Йўге...

Фазоғирлар ноумид ва хафақон бир кайфиятда «Лочин»да ўз «қароргоҳ»лари сари учтишаркан, сайёрада тонг ота бошлаган, оқарётган осмондаги сўнги юлдузлар ҳам бирин-кетин ёруғлик қазрига қинғиб, эриб кетаётгандай эди.

Кутилмаганда Азизов пастда соат мили шаклидаги конуссимон тош устунини кўриб Адамга:

— Шошилма, пастга ҳайда!— деб буюрди.

Механик «Лочин»ни охишта пастлар экан, фазоғирлар сайёра замининда горизонтал ҳолда ётган бунақа устулар битта эмас, анчагина эканини пайқашди. Устулар уч бир хилда жанубий қутб томонга қараган ҳолда ётар, бир-бирларидан уч юз-тўрт юз метр масофада жойлашган эди.

— Ахир булар — йўл қўраткичлар-ку! — хитоб қилди Адам.

— Ҳа, албатта.

Ерда горизонтал ҳолда ётган устуларнинг сони беш юзга яқин экан. Улар яна икки соатдан охишқ йўл босишди. Ниҳоят, устулар жанубий қутб районидagi катта қоялардан бирининг этагиди тугади.

— Демак, ҳамма гап мана шу қояда!— деди Азизов рўпаресидagi учча катта бўлмаган мрамар тоққа ҳаяжон билан тикиларкан.

— Қўнамизми?

— Ҳа, сўнги устун яқиндаги майдончани кўрпаксанми, ўша ерни мўлжалла.

Фазоғирлар «Лочин»дан тушишлари биланок қоянинг чўққиси томон йўналган ихчамгина илонизи сўймоққа кўринди. Ниҳоят, чўққига етиб келганларида, уфқда конталаш рангдаги Годво бoш кўтариб, сайёра саҳнига ўзининг илк заррин нурларини соча бошлаганди.

Ажабо, сўқмоқ тугаган жойда икки одам сигарли квадрат шаклдаги пўлатсимон материалдан қилинган қорамтир люк бўлиб, унинг чеккасига қақалоқ муштайдai ҳажмдаги тугмасимон қўрилма маҳкамланганди.

— Чамамда, бу — ноорганниклар қароргоҳига олиб кирадиган эшик бўлса керак,— деди Азизов ўйчанлик билан энгагини силаб.

Адам тугмасимон қўрилма устига энгашди. Уша заҳоти қўрилма ўзидан аллақандай зинғиллаган товуш чиқариб, люк худди метро поездининг эшикларидai қоқ ўртасидан охишта икки томонга очила бошлади. Пастга, қоя ичкарасига тикилишаркан, фазоғирлар ҳайратдан ағрайиб қолишди. Уларнинг кўз олдида замонавий космик кеманинг шлюз-камераси турарди! Шлюз-камера бўлгандан кейин кеманинг ўзи ҳам, унинг салони, қаюта ва рубкалари ҳам бўлиши табиий эди, албатта. Азизов билан Адам эҳтиёткорлиқни ҳам унутиб, мрамарни эслатувчи яққироқ зина-

лар орқали шошилдиқ ривизда пастга интилишди. Лаҳза ўтмай, улар ўзларини худди «Позитрон»га кириб қолгандай ҳис қилдишди. Антика кеманинг умумий тузилиши ҳам, салони, бошқарув пулти ва қаюталарининг жойланиши ҳам — ҳаммаси «Позитрон»ни эслатарди. Фақат бу ерда ҳамма нарса «Позитрон»даги нисбатан икки баравар каттарoқ эди, холос. Лекин кемада ҳеч қим ва ҳеч нарса йўқ, салон ва қаюталарда жимлик ҳукмрон эди.

Фазоғирлар кетма-кет бошқарув пултига ўтишди. Бу ерда ҳам ҳамма нарса худди «Позитрон»дагидай, лекин ундан фарқли ўларoқ қаршидаги деворга бўйла ва эни бир метр атрофидagi квадрат экран ўрнатилганди. Адам экранга яқинлашди, азбаройи чўчиб тушгандан қичқириб юборяёзди. Беҳитёр орқага тисланди. Бирдан экран ёришиб, унда аллақандай мавҳум шакллар пайдо бўлди.

— Узингини бос, Адам!— командир механикнинг елкасига қўлини қўйди.

— Бу нима ўзи?— қўриб кетганиданими, Адамнинг юраги денсип урар, юзи докедай оқариб кетган эди.

— Менимча, булар кристаллар, тўғрироғи, поликристалларнинг алоҳида бир кўриниши!— деди Азизов ҳаяжон билан.— Чамамда, ноорганниклар билан мулоқот бошланяпти!

Экран бир пастда турли-туман ва ранг-баранг, ниҳоятда турфа ва мавҳум шакллар билан тўлиб кетди. Ерликлар дастлаб ҳеч нарсани тушунайми лoл бўлиб қолишди. Лекин бу узоқ давом этмади. Фазоғирлар абстракт ва айкаш-уйқаш чиқкилар, айланалар, учбурчак, призма ва пирамидалар мажмуи орасида аллақанеч мантиқий бир мазмуни пайқагандай бўлишди. Бу қандай зоҳир бўлаётганини ўзлари ҳам мутлақо англамаган ҳолда улар ажабтоур гирдоблар ва чирмашиб-чатишиб кетган шаллар тўғриси замирида кўиндаги рамзий маънони ўқиди:

«Муҳтарам ўзга олам вакиллари! Сизлар билан, ниҳоят, билвосита бўлса ҳам мулоқотга кираётганимиздан биз бағоят бахтнёримиз. Сизлар ва Сизлар орқали Буюк Цивилизация башариятга, иққирозга юз тутган ёш кристаллцивилизациямиизнинг оташин қардошлик салоомини йўллаймиз! Биз Сизлар билан жуда кўп масалаларда дўстона суҳбат қилишимиз, жуда кўп мавзуларда ўзаро мулоқазда алмашинувимиз мумкин эди. Лекин афсуски, бунга имкониятимиз йўқ. Бу мактубимизни ўқётган пайтингизда биз ҳалокатга юз тутган бўлишимиз. Уни ҳаётимизнинг энг сўнги соатларида ёзганимиз. Биз Сизлар билан мулоқот йўлларини жуда кўп излаб, ниҳоят, Космос учун

ягона Мантиқий Мутаносиблик қонунарига амал қилган ҳолда ушбу усулни талладик.

Биз сайёрани Буюк Бўшлиқ чангалдан қўққариш мақсадида жуда кўп энергия тўплаш билан банд эдик. Лекин ниятларимиз рўбга чикмади. Танамизда уран элементининг жуда оқ микдордаги гомеопатик аралашмалари мавжуд эмасми, улар кулли гравитация таъсиринда суний ёришиб бўла, яна бир неча соатдан сўнг биз тўла иққирозга юз тутамиз.

Узимиз ҳалокат ёқасида эканмиз, Сизларни ва авлодларимизнинг бир қисмини бу ачқик қисматдан қўққаришга қарор қилдик. Сизларнинг кемангизни ясси қораз тошлар — бизнинг роботларимиз англашилмоқчилик тўғрисидаги таълиқ билан таълим берди. Энди бу хатойимизни тузатиб, Сизларга янги кема соғва қилганимиз. Унинг тузилиши сизларнингдан даярли фарқ қилмайди. Фақат унинг тортиш кучи Сизларникидан етти баробар зўрроқ. Хуллас, кемангизнинг двигателлариға мос энергия турини (ўйлаймики, энергия запасларингиз ҳали тугамаган) топсангизлар бас, истаган соатда учиб кетаверишларингиз мумкин. Бизнинг энергиямиз шаклдан буткул ўзгачалиги сабабли кемангизга тўғри келмайди. Уни бирор бошқа, Сизлар учун яроқли турдаги энергияга айлантиришга эса, уғурмасангиз керак, деган хавотир-дамиз.

Кеманинг юк бўлинимасида ўн минг тонна оғирликдаги улкан контейнер бор. Унинг ичига авлодларимизнинг атиги бир қисми консервация қилинган. Контейнер ўзиде ҳеч қандай гравитацияни ҳам, радиациянурларини ҳам ўтказмайди. Уларни ўзларингиз истиқомат қиладиган сайёрага олиб кетсангиз ёки яшаш мумкин бўлган бирор планетага элтиб ташласангиз, биз сизлардан баъзи миннатдор бўлуз эдик. Бу билан нақирон цивилизациямизни таъмомила иққироздан сақлаб қолган бўлуз эдингиз.

Азиз қардошларимиз!  
Ҳаётимизнинг сўнги соатлари тобора яқинлашмоқда. Сизлар билан манаг хайрлашар эканмиз, истаганимиз шу: Ота-сайёрангизга омон-эсон етиб олини! Сизга ишониб топшираётган авлодларини эсирган!

Сизга чуқур эҳтирмом билан, Кристаллар сайёрасининг Мўйсе-фидлар Кенгашин.

Мактубини «қўйиб» чиққан ерлик фазоғирлар ҳаяжон ва саросимада тахта бўлиб қотиб қолишгандай эди. Икковининг ҳам чехрасида ҳайрат, изтироб, мужмал пушаймон ифодаларни ўқиб мумкин эди. Ниҳоят, жимликни Азизов Сузди. У бўшайиб, юзидан қони қонган шеркига пулът ёнидаги курсига ўтиришга ишора қилди.

## СФИНКС ТАЪМИР ЭТИЛМОҚДА

Миср эҳромидagi машҳур сфинкс [абунхавл] тўрт ярим минг йилдан ортиқроқ вақтдан бери турибди. Бироқ вақт шафқатсиз. Қум бўрони ҳамда ер ости сувиининг таъсири натижада яхлит тошда еррилиш жараёни кучайди. Бу жараёни тўтатиш ва сфинксни еррилишдан қўтқариш борасида ўтказилган бир неча уриниш учча муваффа-

қият келтирмади. Чинакам «фаложат сигналы» бир йил бурун улкан ҳайкал оёғининг бир парчаси кўчиб тушганда жарағлади. Бу ерда биринчи марта комплекс характерга эга бўлган ҳозирги ўтказилаётган таъмир ишлари катта умид туғдиради. Ҳайкалнинг шикастланган қисман тикланиб бўлди, энди «даволаш»нинг иккинчи босқичи бошланди. Одам бошли шерининг узоқ вақтдан буён Британия музейида сақланиб келинаётган соқоли қайтадан қўндирилади. Миср давлатининг қатъий талабига мувофиқ музей маъмурияти ниҳоят уни қайтариб беришга розилик билдириди.

Эҳром сфинкс билан бир вақтда бу паҳловон оёғи олдидagi очик майдон — «Сфинкс театри» ҳам қайта қўрилмоқда. Италия артистлари иштирокда у ерда Ж. Вердининг Суэц канали очилишга бағишлаб ёзган «Аида» операсини саҳналаштиришга тайёргарлик қўриляптир.

## ДИНОЗАВРЛАР САЙРГОҲИ

Ботобот тизмасининг марказий қисмидagi Чорроҳ довоини яқиндан Тожи-

кстон олимлари юздан энг тарихдан бурунги жониворлар нэи тушган қатламини топдилар. Йилгари тадқиқотчилар томонидан шу тизманинг шимолчи қисмидан яқка-яқка излар тадқиқ этилган эди. Лекин олимлар бундай кўп изларни биринчи марта қазлаб топшидилар.

Мутахассисларнинг фикрича, қатламдаги излар занжирни ўн миллионлаб йиллар аввал яшаган динозаврлардан қолган. Динозаврлар ўзларининг бир сайрида ҳозирги тоғ қўққиси ўрнида денгиз сувига ювлиб ётган соқил бўйлаб айланган. Эҳтимол, сайр ётган дорозлар орасида сайёраимизда истиқомат қил-

ган ҳайвонот дунёсининг энг йирди вакиллари — игуанодонлар ҳам бўлгандир. Сўнги динозаврлар бўр даврининг охирига қадар, биздан 65—67 миллион йил олдин яшаган.



Момохол  
ЭЛМУРОДОВА



## ДУСТЛАР, НА ХУШ АЙЁМ БУ

Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун,  
Қир-адирни қопламиш қирмизи лолам бугун,  
Дил губорин ювади баҳорий жалам бугун,  
Бир ҳаловат уйқусидан уйғонуру далам бугун,  
Ҳар лаҳзаси бир йилга арзигулик дам бугун,  
Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун.

Қуёш ҳароратидан ёноқларим ол бўлғай,  
Лола-чи, уятдан қора суртиб лол бўлғай,  
Эл кўзига қораси ол юзида хол бўлғай,  
Фидо бўлиб оқибат арналарга бол бўлғай,  
Ҳар лаҳзаси бир йилга арзигулик дам бугун,  
Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун.

Дилларни қитқилайди алпинзинг хуш ифори,  
Бир зумда тарқаб кетар кўнгли гаши, губори,  
Ху тоғларга чорлайди савҳатнинг хумори,  
Бу суюқлик юртимнинг энг суюкли баҳори,  
Ҳар лаҳзаси бир йилга арзигулик дам бугун,  
Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун.

Йироқда қишлаб келди суюқ қалдирғочларим,  
Баҳорни бошлаб келди суюқ қалдирғочларим,  
Осмонимда қуш учар, қаноти қийғочларим,  
Интиқ-интиқ кутарди қалбим, уй, оғочларим,  
Ҳар лаҳзаси бир йилга арзигулик дам бугун,  
Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун.

Бир кафт бугдой устиде уймалашар момолар  
Сумалак орузида куйманншар момолар,  
Тонггача ўт ёнса ҳам қачон пишар, момолар,  
Ҳар лаҳзаси бир йилга арзигулик дам бугун,  
Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун.

Қизлар қоши қародир илк ўсмадан сув ичиб,  
Юзлар ял-ял ёнодир ҳавлдан нелар кеңиб,  
Балки баҳорий ҳислар олгандир қалбин кучиб,  
Балки яна не дейин сув кўрмай этик ечиб,  
Ҳар лаҳзаси бир йилга арзигулик дам бугун,  
Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун.

Япроқларда ўрмалар менинг ипек куртларим,  
Дилбар қизларнинг кўрки — атласим, барқулларим,  
Илк уруғни қадади пахтакор — бургутларим,  
Мен уларни бу баҳор, наврўз билан қутладим,  
Ҳар лаҳзаси бир йилга арзигулик дам бугун,  
Дўстлар, на хуш айём бу — наврўзи олам бугун.

Марьям ХУРРАМОВА

Шивирлайди қалбимда баҳор,  
Шивирлайди сирларга тўлиб,  
Шивирлайди сокин, бегубор,  
Шўх, ўйноқ кулардек бўлиб.

Севги менинг қалбимда тўлиқ,  
Ва ҳайта муҳаббат буюқ,  
Орауларим, ҳисларим бўлиқ,  
Чорлашади ёниқ ва суюқ.

Чор-атрофга боқаман тўймай,  
Дунё гўзал — сиймайди сўзга.  
Илож бўлса, қўлдан ҳеч қўймай,  
Она-ерни суртардим кўзга.

Кўкда қушлар ханда отади,  
Бу бебаҳо днёр кўйинида.  
Жилмайди, кулги сочади,  
Чечак қўли майса бўйнида.

Тўлқинларим — оби-ҳайтим,  
Қушлашади сувнинг юзида.  
Қўшиқларим, дилбар бевтим  
Хушнуд янграр ишқ наврўзида.

Шивирлайди қалбимда баҳор:  
«Ўтмасин ҳеч умринг офсусда».  
Шивирлайди, шивирлар наҳор:  
«Бирдек яшна сен ёзу кузда».

Муҳсина  
БОБОЕВА



## Толаларим

Дўстлиқнинг занжиридай мустаҳкам толаларим,  
Чексиз пахтазор билан юртимнинг номи юксак.  
Қуёшимнинг нуридай товланар шодаларим,  
Бўйим баравар гўза, ҳар тупда тўксон кўсак.

Ойнинг нуридай нозик, менинг бу ҳарирларим,  
Муҳаббат риштасидай боғлар икки юракни.  
Юртимнинг бойлиғидай ноёб жаҳоирларим,  
Минг юлдузга алишмам ҳатто тола илагин.

Менинг қўшиғим бўлдинг, бўлдинг жаранг торларим,  
Сен ўзинг яратдинг-ку, ҳайтим йўлларини.  
Менинг оқ гулим бўлдинг, бўлдинг оппоқ қорларим,  
Сен ўзинг безатдим-ку юрагим чўлларини.

Сен билан боғладим-ку гўдагимнинг киндигин,  
Шу пахтага боғланам қолсин, дел, умрбод.  
Сен билан тебратдим-ку гўдагимнинг бешинг,  
Уйқусида пахтани кўриб, олсин номин ёд!

Умримдай узун толанг, қалбимдай нозик туйғунг,  
Сенсан ҳарир Ватаним, сенсан еримнинг қадри.  
Мени бахтиёр этар субҳидамдаги кулгунг,  
Ҳар толадан анқийди Ўзбекистоннинг атри.



Уллибийи  
ОТАЕВА

## ШИДДАТ

Биринчи комсомол қизга

Шиддат керак, шиддат! ...Кутиб  
Турмоқликка йўқ муҳлат.  
Келди муддат  
Шиддат...  
Ул шиддат-ла отди ўзини  
Қурашларнинг серхаф бағрига  
Ва шиддат-ла очди юзини  
Тик боққали ғанимларига.  
Ул кўрдик: ипак сочлармас,  
Тошдай бошлар зарур шу ғурсат.  
Шарт қирқидио, қирқ ўрим сочин  
Кўзин юмиб отди сершиддат.  
Қора сочлар қизнинг ортидан,  
Энди тундай юрмас эргашиб;



СЕНГА

Сен мени шунчаки сева,  
Севсанг, севиғил жон қадар.  
Ёнимда шарпадай кезма,  
Жонга синги қон қадар.

Майли йиғлат, майли қуйлат,  
Ўтдан олиб ўтга сол.  
Ўрагингни менга сўйла,  
Ўтли дунём бўлиб қол.

Меҳр истаб суянсанг гар  
Меҳрибонинг бўлайин.  
Жаҳонни бахш этай сенга,  
Кенг жаҳонинг бўлайин.

Бўлгил, бўлгил суяч тоғим,  
Панд бермасин дўст-ғаним.  
Жоним, йўқса ҳисобмасдир  
Бун оламга келганим.

Меҳрингдан яйраган чоғим  
Дунёга шод боқай мен.  
Ер юзида яна битта  
Ишқ қўшини ёқай мен.

Қолган барчаси ортиқча,  
Қўрқмасман сувдан, ўтдан.  
Арзир ана шундай ишқча  
Мен фидо бўлиб ўтсам!



# ОТАЛАР ЖАСОРАТИ — ЁШЛАРГА ИБРАТ

Вали ҒАҒУРОВ

Утган йил октябрь ойида Волгоградда қаҳрамонлар номи билан аталуви меҳнат коллективларининг СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги ва Сталинград остоналаридagi жангларнинг 40 йиллигига бағишланган иккинчи область слёти бўлиб ўтди. Меҳмондуст волгоградликлар бу слётга она шаҳарларининг ҳимоячиларини мамлакатимизнинг турли бурчакларидан таклиф этдилар. Республикаминдан наманганлик Камолжон Турғунов, Тошкент областидан мактаб директори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Курбон, Тинчликни Ҳимоя қилиш Тошкент об-ласт комитети масъул секретари Константин Михайлович Рогачев ва маъзукур сатрлар муаллифи бу слётда иштирок эттишди.

Бу қаҳрамон шаҳарда бир неча бор бўлганман, бироқ ҳар галги учрашув кишида унутилмас таассурот қолдиради. Бу галги учрашув ҳам ҳаёлимни узок-узокларга олиб кетади. Кўз олдида халқ бахти, галаба йўлида ўлимдан ҳам чўнмай фахшлар билан курашган Сталинград қаҳрамонларининг қиёбаси намён бўлди. Оталар ишини, жанговар ва меҳнат аъёнларининг давом эттиратган авлодларни эсладим.

Слёт иши «Меҳнатда жанговар ва инқилобий аъёнлар — барҳаётди!» шiori остида ўтди. Слёт бошлангани олдидан унинг иштирокчилари Қизил Царица ва Сталинграднинг қаҳрамон ҳимоячилари шарафига Қаҳрамонлар майдонида ўрнатилган ёдгорлик пойга тантанали вазиятда гулчамбарлар қўйилди. Уша пайтдаги бизнинг ички кечинмаларимизни ифодалашга сўз топиш қийин эди.

Слёт олдидан биз — унинг иштирокчилари совет тинчлик тарафдорларининг бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясига юборилдиган мурожаат остига имзо чекдик. Мурожаатда совет халқининг халқро кескинлигининг юмшатилишига, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга қатъиятлиги ифодаланган.

Область драма театрининг муҳташам биноси. Машҳур диктор Юрий Левитаниннинг таниш овози зал бўйлаб жаранглади: «Бугун 13 октябрь 1982 йил. Бундан қирқ йил муқаддам худди шу кун Сталинград ерида гитлерчиларга қарши қарқаштиқ зарба берилди. Тингланг, ўртоқлар! Елга олинги! Ҳажонли бу сўзлар биз уруш қатнашчиларини чуқур ўйга толдириди.

Слётда Совет тинчлик фондига ёрдам кўрсатиш комиссиясининг раиси Л. Я. Пахомова сўзга чиқди. У ўз нутқида қаҳрамонлар номи билан аталувчи меҳнат коллективлари тузиш ватанпарварлик ҳаракати бошланғич тарихи, унинг иқтисодий, биёлий ва маънавий аҳамиятини таъкидлади. Ун беш йил аввал Волгограддаги бир неча бригада ўз шахрини ҳимоя қилган қаҳрамонлар номини олиш ҳукуқини кўлга киритиш учун кураш бош-

ладилар. Улар зарбдор меҳнатлари туфайли шундай юксак шарафга сазовор бўлдилар. Ана шундан буёки бу ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоқ бўлди.

Ҳозир уч юзга яқин меҳнат коллективлари уруш қаҳрамонлари, машҳур саркардалар ва оддий жангчилар, космонавтлар, ўз мамлакатларининг мустақиллиги ва озодлиги учун курашчи чет эллик машҳур кишилар номи билан аталади. Улар иш ҳақининг маълум қисминини тинчликни ҳимоя қилиш Совет фонди ҳисобига ўтказдилар.

Слёт қатнашчилари Е. Д. Карбисеванинг чиқишини қизгин кутиб олишди. У ўз отаси, асирга тушганда ҳам ўзининг бухилмас иродаси билан Ватанга сadoqat намунасини кўрсатган ҳарбий Фанлар доктори, генерал-лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Дмитрий Михайлович Карбисеванинг мислсиз жасорати ҳақида гапирди. У эндиликда марҳум, лекин унинг ҳаёти, иши, қаҳрамонлиги авлодлар учун ибрат намунаси-дир.

Волгоград область, Светлоярск районида яшовчи ўн икки фарзандни тарбиялаб вояга етказган қаҳрамон она А. Г. Фомиченконинг сўзларини тўқиниланиб эшитдик: «Тинчлик ҳукми суриб турган ўттиз етти йил ичиде бунёд этилган нарсаларнинг бир зумда кулга айланганини ҳеч ким хоҳламайди. Шунинг учун ҳам мен ўз фарзандларимни тинчликнинг қадрига етишга, керак бўлса уни Сталинград қаҳрамонларидек ҳимоя қилишга ўргатдим», — деб хитоб қилди она юксак минбардан туриб.

Волгоград область партия комитети секретари В. Б. Ростовшиков сўзга чиқиб, слёт қатнашчиларини, ўн биринчи беш йиллик илгорларини самимий табриклаб, уларга КПСС XXVI съезди, КПСС МК май ва ноябрь (1982) Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ этишдаги ишларига муваффақият тилади, уруш ветеранларига ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш борасидаги самарали ишлари учун миннатдорчилик билдирди.

Слёт қатнашчилари жаҳондаги тинчлик тарафдорларига қарата мурожаатнома қабул қилдилар.

Биз Волгоградда беш кун бўлдик. Тарихий жойларга экскурсиялар уюштирилди, кўплаб учрашувлар ўтказилди. Уша кунларда биз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Я. Ф. Павловнинг турмуш ўртоғи Нина Александровна Павлова ҳузурда бўлиб, у билан сўхбатлашдик.

Вақт ўтган сайин уруш ветеранлари сафи сийраклашиб бормоқда. Сталинграднинг афсонавий қаҳрамони, оддий ва самимий дўстимиз Павлов бугун орамизда йўқ. Бу оғир жудоплики сўз билан ифода этишга ожизман. Машҳур «Павлов уйини яна бир бор энброт қилиб, назаримда, машҳур жангчининг руҳига яна бир марта таъзим қилдик. Нина

Павловнинг яқин дўсти наманганлик Камолжон Турғунов ана шу уйни ҳимоя этишда бевосита иштирок этганлардан. У урушнинг бошидан охиригача жанг қилди. Украина ва Молдавияни озод этишда феола қатнашди. Унинг жанглардаги беқиёс қаҳрамонлиги Берлиндаги Бранденбург дарвозалари пештоқига битилган «Намангандан келган аскар» деган ёзувларда ҳам ўз ифодасини топди.

— «Сталинград мудофеаси учун» деган ёзув битилган медалей мен учун ҳамма мукофотлардан ҳам қадрлидир, — деди доворак ҳамюртимиз. — Биз Павлов уйи ҳимоячилари — ҳаммамиз ака-укадай эдик. Яков Федотович эса гўё оила бошлигимиз эди. Отряддаги йшу кекса уни баробар ҳурмат қилардик.

Биз ҳалиги уйни айланб ўтдик. Болаларнинг беғам, баъшивиш овозлари қулоқларимизга чалинди.

— Мана, қаранг, қандай чиройли уй, — дея Камолжон Турғунов ҳимоясини давом эттирди. — Ушанда эса бу уй ҳароба эди. Деворнинг бир тарафи тамом қулаб тушган, томи учиб кетган, деразаларнинг ромларидан асар ҳам қолмаганди...

— Кўрқинчли эдимиз, Камолжон Турғунович! — дея сўради Нина Александровна.

— Кўрқинчли эмасди-ю, лекин хавфли бўлган рости. Урушда хавфсиз жой бўларканми! — дея эҳтирос билан гални давом эттирди Турғунов. — Биз бир қадам ҳам орта чекимаслик ҳақида буйруқ олган эдик. Бу буйруқни бажардик. Яков Федотович билан қилган сўхбатларимиз, учрашуларимиз хотирамда. Айниқса, унинг онаси ҳақида ҳазил аралаш қулиб гапирганлари эсимда. Ушанда кўли қисқа муддетли отпуска олиб келганида онамзор, ўғлим урушда бирор гуноҳ иш қилиб қўймаганикан, деб ташвишга тушган. Ниҳоят, Яковга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унови берилгани ҳақида хабар етганидагина тинчланган.

Қаҳрамон бугун орамизда йўқ, лекин унинг хотираси умрбод сақланиб қолади. Унинг номи билан аталаётган меҳнат коллективларининг ҳаётинда, уларнинг ажойиб аъёнлариде яшейди. Бундан тўрт йил олдин Волга шина заводининг Александр Серов бошлиқ бригадаси Павлов номи олан эди. Шу муддат ичиде коллектив Яков Федотович номига ишланган 4 минг сўмдан ошироқ пулни Совет Тинчлик фондига ўтказди. Волгоград областида ҳаммаси бўлиб қирқ сажиз меҳнат коллективига Я. Ф. Павлов номи берилган.

Мени ҳамюртимиз Камолжон Турғунов билан таништириш ва дўстлаштирган ҳам Волгоград шаҳри бўлди. Бунгача мен уни билмасдим. Яқинда ундан бир хат олдим. Хатда дўстим умрининг асосий саналари санаб ўтилган экан. Ҳозир у ўзи туғилиб ўсган Киров номи колхозда истикомат қилади. Галаба куниндан сўнг яна бир ярим йил армияда хизмат қилди ва уйига Германиядан 1946 йилнинг декабрь ойида қайтиб келди. Колхозда тракторчи бўлиб ишлади, ҳозир пенсияда.

Узбекистонлик меҳмонларнинг учинчиси — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Абдураҳмонович Курбон эди. У урушга борганида Абдулла эди, кейинчалик ўзини ўлимдан сақлаб қолган рус дўстининг ҳурмати учун унинг номини олди. Алексей-Абдулла разведкачи бўлиб кўп жасоратлар кўрсатди.

Делегациямизнинг Волгоградда ўтказган ҳар бир кунни жуда мазмунли бўлди. Бир уни биз эртадан кенгача труба заводига бўлдик. Мен бу завод коллективи билан кўпдан бери дўст тутинганман.

1973 йилда шу корхона прокет цехи комсомол ёшлар бригадаси аъзоларидан хат олган эдим. Унда «Оталаримиз жанг билан Ватанини шарафлади, биз меҳнат билан шарафлаймиз!» деган шior остида мусобақа бошлангани айтилган эди. «Сиз-



нинг «Вафодор» ёки «Игна билан ёзилган роман» асарингизни ўқиб ва умуман Сизнинг қаҳрамонона ҳаёт йўлингиз билан танишиб, коллективимиз Сизнинг номингизни олиш учун курашишга аҳд қилдик. Хатга бригадир Анатолий Марченко ва унинг беш ўртоғи имзо чеккан эди. Мен ўша заводнинг фахрий аъзосиман.

Заводга борадиган кунимиз эрталаб биз тушган меҳмонхонага Анатолий Марченко бошлиқ бир гуруҳ ишчилар келишди. Марченконинг ёкида Владимир Зотов ҳам бор эди. У ҳам анча ўсган, чех мастери даражасига кўтарилган эди.

— Мана бу йигит янги бригадиримиз, — деди менга Марченко.

— Чумаков Виктор Владимирович, — деган овоз келди ва мен кафетини иччи қўйининг маҳкам қисгини сездим.

— Ҳўш, қалай, иш ҳақим қўлми? — деб ҳазиллашдим унга.

— Ёмонмас, Валижон ака.

— Қанча экан?

— 1974 йилдан бери ҳисобласак, ҳаммаси бўлиб номингизга 18 минг сўм ўтказилди.

— Баляй, йигитлар, миннатдорман.

— Барча пул Совет Тинчлик фондига ўтказилди.

— Жуда ажойиб иш бўпти-да!

Совет кишилари ўзларининг гвардиячиларга хос зарбдор меҳнатлари билан тинчлик ишига хизмат қилмоқдалар. Худди шу эзгу ниёт билан уруш қаҳрамонлари номини олган коллективлар ўзларининг фахрий аъзолари номига тушган пуллари Совет Тинчлик фондига мунтазам ўтказиб турибди.

Заводга бутун группамиз билан бордик. Менинг номим билан юртиладиган В. Чумаков бошлиқ бригада аъзоларини номма-ном санашини истардим. Бригадирдан ташқари Виктор Фролов ва Владимир Кулеков, Владимир Шостаков ва Владимир Шчербаковлар гвардиячиларга хос сабот-матонат билан меҳнат қилмоқдалар. Бригада аъзолари катта диаметри қувурлар ишлаб чиқариш бўйича ойлик планларини ошириб бажармоқдалар.

Биз ўшанда Европада энг йирик ҳисобланган нурхона — КПСС XXII съезди номидаги Волга ГЭСининг машина залида бўлдик, ҳўнар-техника мактабини ва ўрта мактабин бориб кўрдик. Кўплаб ажойиб кишилар билан учрашдик. Волиж шаҳар Тинчликни сақлаш комитетининг масъул секретари Н. П. Орлова бизни қабул қилиб, комитетнинг ишлари ҳақида гапириб берди.

Биз қаҳрамон шаҳардан илиқ таассуротлар билан қайтдик. Оталар жасорати бугунги ёш авлодга ибрат бўлаётганини юракдан ҳис этиб чексиз қувондик.

МАРДЛИК-МАНГУЛИК



# ЗАМИРА ҲИДОЯТОВАНИНГ ЁРҚИН ТАЛАНТИ

Сора ЭШОНТУРАЕВА,  
СССР халқ артисти

Замира Ҳидоятова... Сафдошим, замондошим. Мен бу аjoyиб актриса, маҳорат соҳибаси ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр биз театр санъати даргоҳига қадам қўйган йиллар, оғир ва ночор ўтмишимиз кўз ўнгимда гавдаланади. Қандай қийин йиллар эди. Оруз йўлида қурбон бўлган Турсуной ва Нурхонлар...

Замира ҳам биз каби инқилобдан аввалги муҳдис турмуш азоб-қубуларининг гувоҳи бўлиб, инқилобнинг оловли ва ташвишли кезларида, синфий курашларнинг, ғоявий муҳолифларнинг ҳаёт-мамот тўқнашуви авж олган пайтда янги ҳоқимиятнинг мураккаб ҳаёт оқимида тобланган ва ана шу янги ҳаёт душманларига театр сахнасидан кураш олиб борган яловбардор санъаткорларимиздан-дир.

Замиранинг ҳаёт ва ижод йўли — ҳақиқий ўзбек актрисасининг йўли, ўзбек совет театрининг йўли, тарихи эса, биринчи ўзбек актрисасининг тарихига ўхшаш. Замирани ҳам, бизни етаклаган Оғамиз Маннон Уйғур театр даргоҳига етаклаган.

Замиранинг театрга бўлган ҳаваси хотин-қизлар билми юртидаги Робияхоним Тожиёва бошқарган драма тўғрагида бошланган. Ун беш ўшли кизалоқ адаби Ойдин (Манзура Собирова)нинг «Янгиликка қадам» деган бир пардали асарига Мастура хола ролини маҳорат билан ижро этиб, мураббийларнинг олқишига сазовор бўлди. Замирага бир гуруҳ истеъдодли ёшлар билан Москвадаги ўзбек студиясига ўқишга тавсия берилди.

Лекин актриса бўлиш орузи қандай қийинчиликлар, тўсиқлардан иборатлигини бутунги авлодимиз тасаввур ҳам қилолмайди. Замира ҳам ана шу қаршиликларни эмгаб, отаси уста Ҳидоят ва онаси Жаннат холати кўндирди, санъат ва маданият ўчоғи Москвага бориб ўзбек миллий драма студияси талабаси бўла олди. Ана шу кундан унинг ҳаётида янги давр бошланди.

Рус театр сахнасининг мўъжизакор санъаткорлари: Р. Симонов, И. Толчанов, Б. Захаво, О. Басов, В. Канцель, Л. Свердловлар қўлида таҳсил олиш, театр санъати сирларини ўғаниш, Москва театларининг спектаклларини кўриш Замиранининг қалбида театр санъатига бўлган эътиқодини кучайтирди, унн бадиий-ғоявий жиҳатдан шакллантирди.

Замирахон ана шу студияда, ўзбек совет театрини ташкил қилган забардаст ижодкорлар Етим Бобожонов, Аббор Ҳидоятлов, Музаффар Муҳамедов каби устозлар билан танишди, улар билан студияда қўйилган спектаклларда ёнма-ён ижод қилди.

Устозларимиздан В. Канцель, уста педагог сифатида жуда қизиқлари, дарс олиб борар эди, диққатимизни ром этиб, ишга ҳавасимизни орттирарди. Домлага нисбатан илҳосимиз баланд эди. Худди моҳир заргардек иш олиб борар эди. Баъзи биримиздаги ҳаваскорлик тўғрақларида ўрнашиб қолган сохта ҳаракатлари, декламацион оҳанглари йўқотиб, сахнада эркин ҳаракат қилишга ўргатар эди. Биз ҳали у пайтларда ўз фантазияларимиздан тўғри фойдалана олмадик эди, шунинг учун ҳам педагогга эргашар, ҳатто унга тақдид

этишга мажбур бўлардик. Айниқса, ҳали тажрибамиз йўқлигидан бизга таниш бўлмаган халқнинг маданиятини, хулқини, урф-одатларини ақс эттириш анча оғир эди.

Албатта, ўз ҳаётимиздан бўлса, ўлаштириш бунчалик қийин бўлмас эди. Лекин бу жиддий изланишларнинг келажак профессионал санъаткорлар учун аҳамияти катта эди. Биз студияда «Хасис» спектакли устида иш олиб борар эдик. Гарпоген ролини бажарувчи Исоқ қори Каримов ниҳоятда эҳтли, қобилиятли актёр эди. Ҳатто у киши ҳам баъзан ўз фантазиясидан фойдаланишга ожизлик қилиб, домланинг ёрдамига муҳтож бўлиб қоларди.

Бу роль курси иш бўлса ҳам, Исоқ қори акага ижодий муваффақият келтирди, деб дадил айта оламан. Катта-кичиклигига қарамай, биз «хизматкорлари» ҳам ўзимизга рангбаранг характер аxtарардик. Зўр қизиқиш билан кечаю кундуз ишлар эдик. Ичимизда фақат Замира Ҳидоятованинг кўнгли тўлмади, холос, ҳатто репетиция қилигис ҳам келмас, зўр-зўракай, ўзини мажбур қилиб ишларди. Ҳаммамиз ҳайрон қолардик. Ҳатто бир кун аразлаб: «Репетиция қилмайман», деб туриб олди ҳам. Сабобини суриштирсак, ёш ҳолича, даллол кампир ролини ижро этишини ор деб билган экан. Тушунарли, эҳтимол ўша пайтларда бундай ҳодиса менга дуч келса, балки мен ҳам шундай қиларимидим, билмайман.

Лекин, ҳақиқий санъаткор учун ролнинг катта-кичиги, ёш-қариси, салбий-ижобийси бўлмайди, албатта. У ўзини ҳар хил ролларда синаб, мослаб бориши керак.

Бир қоллидаги актёр бўлиб қолмаслик лозим. Домламиз шу ақидага қаттиқ риоя қилиб, турли-туман роллар билан бизни синарди.

Бир-икки камчиликлардан қатъий назар, спектакль муваффақиятли чиқди, десам бўлади. Шу йил ёзи каникулда Тошкентга «Хасис» спектаклимиз олиб келдик. Бу курсишимизни Тошкент томошабинлари кўригидан ўтказишга қарор қилдик. «Роҳат» боғчаси томошабинлар билан лиқ тўла эди. Уша даврининг илгор зиёлилари, ёзувчилари, таъкидчилари, редакция ходимларидан Зиё Саид, Комил Алнев, Фозил Юнус, Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб ва бошқалар томоша бошланганини сабрсизлик билан кутишмоқда эди. Спектакль бошланганидан олдин кимдир сахна олдига чиқиб, асар мазмунини ҳақида, унинг ёзувчиси Мольер ҳақида томошабинларга қисқача тушутириб ўтди. Спектакль бошланди. Аста-аста воқеалар ривожланишига қараб, залда гуру-гурр кулгилар эшита бошлади. Хуллас қалом, спектаклимиз томошабинларга манзур бўлди. Спектакль тугагач, Зиё Саид ва юқорида номлари зикр этилган ўртоқлар Ога ва спектакль иштирокчиларини тўплаб, томошанинг маъқул бўлгани ҳақида илқ сўзлар айтиб, ўқишимизга муваффақиятлар тилашди. Бошқа газеталарда ҳам шу мазмунда мақолалар босилган эди.

«Ревизор»дан сўнг «Яна ўйланаман» пьесаси устида ишладик. Бу комедияни Л. Свердлов сахналаштирди.

Иштирок этувчилар: домла (Исоқ қори Каримов), хотини (Замира Ҳидоятова), ерга урса кўкка сепчидаган шўх бола, (мен). Комедияда эскилик сарқитларидан, руҳоний домладан кулларидан. Бу роль устида ишлар менга ортиқча қийинчилик туғдирмади, чунки ўзим ёшлигимда ўшандай болалардан қолишмасдим. Кўпроқ ўзимдан келиб чиқдим.

Премьерани ўзимизнинг студия сахнасида, Маориф уйи раҳбарлари ва ўқувчиларига кўрсатмоқчи бўлдик. Парда очилди, домланинг хотини (Замира Ҳидоятова), ҳамир қўзиб ашула айтмоқда. Туйқисдан бир нарса эсига тушиб, ичкарига кириб кетади. Шу пайт шох-шаббалар орқалган домла почча киради-да, юкни, ташлаб, ҳамир устига ўтириб қолади.

Бир пайт оёқлаган, бошида телпак, қизил йўл-йўл читдан кўйлақ-иштон кийган бола — мен думи узилмаган сабзи тишлаб кириб келаман. Шу пайтда домла почча орқасини ўғириб, тахмондан ниманидир изламоқда эди. Бола — мен домла поччанинг орқасига ёпишиб ётган ҳамирни кўриб қотиб-қотиб кула бошлайман. Бунини эшитиб, домланинг хотини ичкаридан югуриб чиқиб, эрининг орқасиди ҳамирни кўриб, у ҳам қотиб кула бошлайди. Саҳнадагилар билан томошабинларнинг кулгиси жўр бўлиб кетади. Саҳна билан томошабинларнинг ораси шунчалик яқин эдик, биринчи қаторда тўриганларга тиззамиз тегиб турарди. Ҳатто нафас олиши ҳам сезилиб турарди.

Мана шу кўринишда бир сўвар телпаки киши қотиб-қотиб кулганидан телпаги шундоққина тиззамга келиб тегарди. Кулгилар тўхтагач, кўзим беҳос телпаки кишига тушди, бунини қаранг, телпаки киши ўзимизнинг йўлдош ота Охунбобоев экан.

У киши шу қадар ёқимли кулар эдиларки, бошқаларни ҳам кулдириб юборар эдилар. Спектакль томошабинларга, шунингдек Отага маъқул бўлди. Бу муваффақият бизни ҳам қувонтирди.

Бир неча кундан сўнг Ота, ўнга яқин аёлларни Москвадаги қабулхоналарига тақлиф этдилар. Эсимда қолганларидан: З. Ҳидоятова, Т. Султонова, Т. Сайдашимова, Машрабхон опа, Бўрихон опа, мен ва бошқалар бор эдик.

Сталга оппоқ пахтадек дастурхон ёйилган, ҳар бир стул қаршисига кичкина-кичина тарелкачалар, салфеткалар қўйилган эди. Мазали таомлардан сўнг, хурсанд бўлиб ўтирганимизда, Ота кириб келдилар. Саломатликларимиз, шароитларимиз тўғрисида қизиқиб сўрадилар. Каттароқ ёшли аёлларимиз миннатдорчилик билан жавоб бериб туришди.

Йўлдош Охунбобоев ҳақиқий меҳрибон ота эди. Отага миннатдорчилик билдириб, қўзғола бошладик.

Қаранг, соддалигимиз туйфайли, кижолатли бир воқеа юз берди. Шу кун сталдаги салфеткаларни ҳадяга қийилган дастурмошлар деб биринкетини чўнтакка жойлаштира бошлаган эдик, фаросатлироқ аёлларимиздан бири, шивирлаб: «Йойига қўйилган-а, бу тумшўқинларни артиш учун қўйилган сочқча», дейиши билан дарҳол жой-жойига қайта қўйдик. Кижолат аралаш роса кулдик. Хайрлашиш чоғида, Ота елкамга

қоқиб, «Баракалла қизим, ўғил бола ролини қойил қилиб ўйнадингиз», дедилар. Бу мақтов мени ниҳоятда руҳлантирди.

Байрамларда, Сталин номидаги Ўзбек билим юртида тантанали мажлис бўлиб, кетидан катта концерт намойиш этиларди. Бу концертларда ўзбек студияси талабалари, студентлар, мактаб ўқувчилари иштирок этишарди. Баъзан шундай байрамларга республикамиз раҳбарларидан Й. Охунбобоев, Ф. Ҳўжаев, ўзбек ваколатхона ходимлари ҳатто баъзида Михаил Иванович Калинин ҳам ташриф буюрарди, бу албатта ҳаммамизни рағбатлантирарди. Биз студияда асосий машқлардан ташқари зиёлилар, ишчилар орасига бориб концертлар берар эдик. Концертларда Замира «Мирзадавалат» куйига рақсга тушарди, мен эса пианинода куйини чалар эдим.

Навбатдаги курс ишмииз «Ёрқин» спектакли бўлиб, асосий роль — Ёрқиний образи Замирага топширилди. «Хасис»даги Фрозина унинг қанчалик руҳини сўндирган бўлса, Ёрқиний шунчалик руҳини кўтарди, кечаю кундуз тимнай образ устида ишлади. Бой қизи камбағал хизматкори борбон Пулатни севади, унинг дардида ўртанади. Пулатни Ёрқинийнинг оқсони Қумри ҳам севади. Иккаласи ҳам рашқ ўтида ўртанади.

Мен уларни ҳавас билан кузатар эдим. Замира Ёрқиний учун, либосини бошидан-оёқ ўзи тайёрлаган эди. Бухорога гастролга борганимизда, қимматбаҳо зар пешанабоғ, зар этик, парпар кўйлақ, ҳар хил танқичоқлар олди.

Меҳр-муҳаббат билан бу образни қиймага етказиб ўйнаган эди.

Ана шу йиллар мобайнида Замирахоним театрда юздан ортиқ етук саҳна образлари яратди. Бу образлар ҳамм жижҳатидан турли-туман, миллий мансублиги, ёши, эътиқоди, бир-бирдан кескин фарқ қилади, уларда турли давр, турли қиёфа, турли ижтимоий шароит ўз изини қолдирган. Булар орасида К. Яшиннинг «Ёндрама» пьесасида комсомол қиз Улмасой, «Номус ва муҳаббат»да Фуломнинг онаси Холбуви, М. Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар» асариди шафқатсиз Меланья, А. Островскийнинг «Момакалдирик» асарида Кабанька каби яратган образлари Замирахоним ижодий камолот бўсағасида муваффақият келтириб, ўзбек совет театри саҳнасида чуқур из қолдирадиган образларга айланди.

Бу ўринда мен «Момакалдирик» спектакли ҳақида тўхтаб ўтишни лозим, деб биламан, чунки ана шу спектакль ўзбек томошабини ва биз актёрларни улуг рус драматурги А. Островский ижоди билан илк бор таништирди. Асарининг мазмуни ва ғояси театр коллективни учун жуда қизиқарили бўлиб, революцияга қадар ўзбек аёлларининг оила ва жамиятдаги мақеини эслатарди. Режиссёр В. Витт сахналаштирган бу спектаклда мен Катерина образини, Замирахоним зулмат дунёсининг ёвуз хиждорни, тошбағир Кабанька образини яратди. Замирахонининг Кабанькаси қиёфасида ўз ҳукмини ўтказадиган хасис ва тежамкор уй бекасини, инсоний ҳис туйғулардан тамомила маҳрум бўлган ёвуз, йиртқиқ табиатли онани кўрардик. У фақат векселларни, савдо-сотик муаммоларининг энас, балки ҳисларини, фикрларини ва ҳатто, ўзини ўраб турган кишиларнинг нафас олишини ҳам қаттиқ назорат қилади. У эскиликнинг ашаддий ҳимоятчиси, ёқимсиз, тошбағир аёл. Замира ижросидаги Кабанька шунчалик мукамал, ҳаққоний чиққан эдик, беихтиёр баъзи томошабинлар Катеринанинг эрка ва мустақилликка интилишларини маъқулламай, Кабанька тарафига ўтиб қоларди. Албатта, бу тошфадаги томошабинлар биз учун мезон бўлмаседа, улардаги ижтимоий-тарихий эҳсон: аёлларга нисбатан бўлган бой-феодаллик сарқитларининг нақадар яшовчилигини кўрсатарди.



Ўзбекистон ССР халқ артисти Замира ҲИДОЯТОВА.

«Баҳор» рақси баҳорни эслатади.

А. Майоров фотоси





Ўз ССР  
ХАЛҚ РАССОМИ  
ХОЛИҚУЛ ҲАЙДАРОВ  
ИЖОДИДАН



АЛИШЕР НАВОИЙ ТАСВИРЛАНГАН ВАЗА

АЛ-ХОРАЗМИЙ ТАСВИРЛАНГАН ВАЗА



ЛАГАН.



ЛАГАН,  
КОСА,  
ПИЕЛА,  
ЧОЙНАК...



Сурхондарё область Гагарин районидаги Советобод совхозининг илғор бригада бошлиғи Раҳимахон Мубиллаева.



Дилором

Жиззах районидаги Карл Маркс номи совхоз бригада бошлиғи Дилором Турдиева.




Ж. Тўраев фотолари

Суратда: Марғилондаги «Атлас» газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Муборакхон Қосимова.  
А. Мирзажонов,  
Ш. Олимов фотолари  
[ЎзТАГ]

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номи совхоз болалар боғчасининг мудираси Раъно Сулаймонова.





Урга Осиё Медицина-педнатрия институти ректори, медицина фанлари доктори, профессор Вали МАЖИДОВ.

Н. Шарипов фотоси

# ПРОФЕССОР МАЖИДОВ

1  
1963 йил. Ленинград субҳи сабоси янги кун туғилганидан дарак бериб, кўзлардан уйқун олиб қолади. Милсиз тарихни елкалаган, Инқилоб бешигини тибратган Нева дарёсининг мавжларида тонг нури жимирлайди. Болтик денгизи тўлқинлари шаҳар киргогини ўпишдан чарчамайди: ҳаяжонини босолмай пишиқриб юборади. Нева узра керилиб турган кўприк қанотлари жуфтлашади. Одамлар оқими туташади. Шаҳарда ҳаёт қайнайди. Вали Мажидов шаҳарга сеҳрланиб қарайди, нафасни тўлдириб олганидан кўкраги қабири кетади. Узини қўшдек енгал ҳис этади.

Бу — Вали Мажидов ҳаётидаги энг гўзал, энг бахтиёр, энг ёдуга мўл тонг эди. У шу кунни кўк узра кўш кўтарилгани ёки йўқми эслолмайди. Лекин унинг назарда Ленинград шаҳригина эмас, бутун жаҳон нурафшон эди. Бу нури кун унинг юрагидан ўчмас эди бўлиб ўрнашиб қолди. Уни эслagan вақтида юраги шу заҳот бахт ёдугасига, завқ-шаваққа тўлиб кетади. Усиқ, бароқ қошлари керилиб, бахт шуъласи юзларига табассум бўлиб ёйилади. Қувонмай бўладими? Ахир Вали Мажидович Мажидовнинг докторлик юзасидан олиб борган илмий иши шу кунни Ленинград Медицина институтини илмий советида муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида ленинградлик машҳур олимлар — медицина хизмати генерал майори, профессор Пётр Александрович Алисов, профессор Виктор Федорович Космачевский, профессор Пётр Иванович Стрелов ва бошқалар унинг қора оқсоқ-бруцеллэз бўйича олиб борган илмий иши ҳамда тажрибаларига жуда юксак баҳо бердилар. Ленинград Медицина институтини илмий совети унга бир овоздан докторлик илмий даражасини беришга қарор қилганликларини ўқиб эшитирганда, Вали Мажидовнинг юраги ҳаяжондан қарасидан чиқшига уринган қушдай типирчилаб телди, севинчдан беихтиёр кўзига ёш келди. Етимликда ўсган бир ўзбек фарзандининг табобат отаси Абу Али ибн Сино йўлидан бориб, медицинада янгилик яратиб, ҳатто машҳур рус олимларини ҳам қойил қолдириши, уларнинг юксак баҳосини қозониши ҳазил гап эмас. Бунинг бари улуг Ленин даҳосидан нур эмган

Октябрь инқилоби ва бахтиёр замонамиз шарофати туфайли эди. Шунинг учун унга Ленинград Медицина институтини илмий совети томонидан докторлик илмий даражасининг берилиши ҳам маълум рамзий маъно касб этарди. Унинг илмий совет туғайи билан устозларидан ярим соатга руҳват сўраб, тўғри Лениннинг бронхови устида нутқ сузлаётган ҳайқали ёнига шошилиб бориши бежиз эмас эди: у олис Ўзбекистондан атайлаб келтирган, уч-тўрт кундан бўён авайлаб сақлаётган гулдастасини портфелидан чиқариб, ҳайқал пойига охишта қўйди. Меҳр билан узоқ тикилди. Бошини силаб ўстирган, ота ўрнига оталик қилган, илму маърифат берган Ленин партиясининг, жонажон халқининг, беқийёс Ватанининг хизматларини миннатдорлик тўғриси билан эслади. Зеро, буюк мутафаккир Алишер Навоий айтганидек:

Ҳақ аълида ким санга бир ҳарф  
Ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин  
Юз танж ила...

II  
Вали Мажидович Мажидов 1922 йилнинг кузига Октябрь инқилоби ғалабаларини мустаҳкамлаш учун қизгин кураш олиб бораётган Тошкент шаҳрида дунёга келди. Лекин мурғак гўдак ота дийдорини кўришдан бенасиб қолди. Онансинг айтишича, отаси у туғилганидан экинчи ҳафта ўтар-ўтмас, ҳали бешикка ҳам солмамай туриб уйдан кўчага чиқиб кетган. Қайтиб келмаган. Қаёққа кетгани, нима сабабдан қайтмагани, нима ҳодиса рўй бергани номалум эди. Кейин ҳам ота тақдирини аниқлаб бўлмади. Вали тоғасининг қўлида тарбияланди. Тоғаси унда ёшлигидан ўқишга қизиқиш уйғотди, мактабга берди. Вали тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидек табобатга иштиёқи кучлигини намойён этди. У ҳар бир ўсимликнинг қанақа касалликларга даволигини сўраб-суриштирар, турли гиёҳларнинг илдири ва повларини йиғиб юрарди.

Бир кун уларнинг ҳовлисида боғлик турган кўппак бўшайиб, кўчага чиқиб кетди. Кўппак кучуқлар билан талашганим ё уни биров таёқ билан савалаганим, ҳар ҳолда кўппак кечга яқин кетинги соғларни тимдаланиб, бир овғини судраб зўрға келди. Ва-

шафқатсизлиги, ёвузлиги, бечора камбағалларни таҳқирлашини, адолатсизликларининг негаси йўқлигини юксак маҳорат билан очиб ташлади. Замирахоннинг Ҳожонаси — Солиҳбой хонадонининг ҳукмирони. У ҳамма билан совуқ, буйруқ оҳангига муомала қилади. Ҳожонанинг ҳукмдорлиги, мавқеи актриса саҳнага чиқмасдан ҳовлидагиларни типирчилаб ишга тушиб қолишдан билинади. Ута ҳаққонийлик ва маҳорат билан яратилган Ҳожона образи фақат Замирахоннинг эмас, ўзбек театрининг шох образига айланди.

Замирахоннинг актриса сифатида энг гўзал хусусиятларидан бири шуки, у ролнинг катта-кичигини қидирмайди. У яратган образлар ичидан томошабин хотирасида чуқур ўрнашиб қолган, улкан маҳорат билан ижро этилган ушоқ образлар жуда кўп. Қизини шундек, Замирахоннинг образ устида ишлаганининг ўзига хос услуби бор. Чунотки, образнинг талқинига ақл-идрок билан ёндашади. Ҳар бир сўзининг маъносини, маъзини тўғри очинишга интилади. Кези келган-

лининг ита ичи ачигандан дархон унга «тез ёрдам» кўрсатди. Синган овғини солиб, тахтакачалб боғлаб қўйди. Тимдаланган жароҳатларига дори-дармон қилди. Кўппак кўп ўтмай тузалиб кетди. Шу-шу, уни янгалари «Табиб бола» деб атайдиган бўлди. Тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаганидан кейин табобатга қизиқишини сезган тоғаси уни Тошкент Медицина институтини ҳузуридаги ишчилар факультетига жойлаштирди. Уни тамомлағач, ТошМининг давлолаш факультетига ўқиди.

Вали Мажидов ТошМИда ўқиб юрган чоғлари Улуғ Ватан уруши бошланди. Уруш талабаларга ҳам катта мусибат олиб келди. Жанг майдонидан келган ярадорларни давлолашга студентлар ҳам жалб этилганди. Бунинг устига очарчилик туфайли шаҳар аҳолисида ҳам касаллик кўп эди. Барча талабалар қатори Вали Мажидов ҳам дарсдан қўли бўшади дегунча, беморларни давлолашга шошилди. Кечалари эса, тонг отгунча китоб мутулаа қилар, назарий билимини мустаҳкамлашга тиришарди. У 1943 йили ТошМининг давлолаш факультетини имтиёзли диплом билан битириб, институт қошидаги терапия клиниккаси ординатори сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Орадан бир йил ўтган, ТошМининг ўша вақтдаги энг нуфузли профессорларидан бири бўлган Александр Львович Каценович Вали Мажидовни ўзи бошқариб турган оқумли касалликлар клиниккаси кафедраси аспирантлигига тақлиф этди. Вали Мажидов жонжон деб Александр Львовичга шогирд тушди. Александр Львович оқумли, айниқса бруцеллэз ва ич терлама сингари инфекциялик касалликларни чуқур билар, бу касалликлар борасида 60 дан зиёд илмий иш ёзган олим эди. Вали Мажидов ҳам устози узидан борди. Бруцеллэз қора оқсоқ касаллигининг келиб чиқишини, уни давлолаш усулларини тадқиқ этишга киришди.

Маълумки, қора оқсоқ касаллиги одам ва ҳайвонларда учрайдиган инфекция хасталиқидир. Қора оқсоқни қўзғатувчи микроорганизми биринчи марта 1886 йилда инглиз вақили Д. Брюс (Бруцелла номи шундан олинган) топган. Бу хасталик Қозоғистон ва Урта Осиёнинг чорва районларида қадимдан мавжуд бўлиб, энг аввало ҳайвонларда тарқалади. Кейин ҳайвонлардан одамларга ўқайди. Лекин одамдан одамга ўтиши жуда кам кузатилган. Қора оқсоқ бўлган беморнинг оёқ-қўли ҳамда бели узоқ вақт оғрибди. Вали Мажидов мазкур хасталикни давлолаш ва эл орасидан тамомлаш йўқотиш учун тинимсиз изланишлар олиб борди, илмий тажрибалар ўтказди. Изланишлари натижаси ўлароқ у 1947 йилда кандидатлик диссертациясини

ҳимоя қилди. 1947 йилдан 1954 йилгача у оқумли касалликлар клиниккасининг ассистенти, 1954 йилдан 1962 йилгача эса шу клиниканинг доценти бўлиб ишлади. Лекин Вали Мажидов илмий изланишлардан ҳеч қачон тоқилмади. У ўз меҳнат фаолиятини илмий тажрибалари, илмий кузатишлари ва хулосалари билан бирга қўшиб олиб борди. Табобат олимининг қора оқсоқ ҳамда эпидемик гепатит диагностикаси, патогенези, клиниккаси ва давлолаш масалаларига оид илмий мақолалари билан матбуотда тез-тез чиқиб турди. Айниқса, унинг бруцеллэз — қора оқсоқ касаллигини ўч йилда бутунлай давлолаб юбориш мумкинлигини исботловчи илмий иши фақат мамлакатимиздагина эмас, балки бутун жаҳон медицина олимлари ўртасида шов-шув кўтарилишига сабабчи бўлди. Чунки илгари бу хасталикни бутунлай давлолаб юборишнинг иложи йўқ, касаллик қайталаб турарди, уни юқтирган бемор ундан бир умрга қутулмайди деб ҳисобланарди. Ҳатто бир француз олими бу касаллик ҳақида «бруцеллэзни юқтирган беморга бахтсизлик, врагча эса шармандалиқдир» деган эди. Бугунги кунда врачлар шармандалиқдан қутулди. Унинг илмий иши илгари олимларнинг хулосаларини тамомла инкор этди. Бу тадқиқотни рўбга чиқариш учун у талай машаққатларни бошидан кечирди. Салкам бутун республикамизни пиёда кезиб чиқди. Мақсад ўз устози Александр Львович Каценовичнинг урушдан илгари давлолаб юборган қора оқсоқ касаллиги билан оғриган беморларни топиш ва уларнинг кейинги ҳаёти ҳақида кузатув олиб боришдан иборат эди. Бироқ бу иш осон кўчмади. Рўйхати тузилган кишиларнинг айримлари урушга кетиб, жангдан қайтмаган, айримлари шу ерда вафот этган. Уларда қора оқсоқ касаллиги қайталадими, йўқми билиб бўлмади. Тиркилари ҳам бир райондан бошқа районга кўчиб кетган, излаб топши амри маҳол эди. Шунга қарамай, Вали Мажидов ўз режасини амалга оширди. Шу касаллик билан оғриган ва ТошМИда даволанган барча хотин-қизларни, тирик қолган ҳамма эркакларни қидириб топди. Кузатув ва текширишлардан кейин шундай хулосага келди: даволанган беморлар яна чорва билан шуғулланса, яъни ҳайвонлар билан яқин муомалада бўлса, касаллик қайталайди; агар ҳайвонларга мутлақо яқинлашмаса, касаллик такрорланмайди — демак, бемор бутунлай даволаниб кетиши мумкин. Сўнгра бу илмий хулоса амалий жиҳатдан тағин синиб қўрилди. Вали Мажидовнинг мазкур илмий тадқиқоти тўғрисида дунёнинг турли бурҷакларидан хатлар кела бошлади. Бу тадқиқот медицинада қора оқсоқ касаллиги соҳасида энг катта силжиш

Кабаниха устида ишлаш Замирахоннинг Ҳожона образини яратишида мукамал замин бўлди.

Ҳожона образининг ҳаққоний қилишига яна бир бор Замирахоннинг кузатувчанлиги, ўзбек урф-одат, аъёналарини яхши билиши ёрдам берди. Спектакль устида ишлар эканми, бир-биримизга ҳаёбда курган, кузатган воқеаларни, таассуротларимизни гапириб берар эдик. «Мен етти-саккиз ёшли қизча эдим, — деб эслар эди Замира. — Қиш пайти эди. Томдаги қорин кураб бўлиб ҳам эдимки, пастдан бировнинг: «Ҳой, яхши қиз, бизнинг томини ҳам кураб тўшақол», деган овозини эшитиб қолдим. Бошимга ёпилғик нимачинг енгидан қўшин ҳовлига мўраладим. Бу эркаксимон овозли одам — хотин киши экан. Бу аёл Ҳожона эди. Ҳа, чиндан ҳам Маккага бориб ҳаж қилиб келган аёллардан эди. Унинг эркаксимон овози бир умр қўлоғидан кетмайди. Ҳожона образидagi овозим, талаффузим ана шу ёшлигимда эшитган овоздан келиб чиққан». У Ҳожонанинг ўтатқан

да қаҳрамонини ҳаёт ҳақиқатига яқинлаштириш, жонлантириш мақсадида унга тахрир киритди, автор ўйлаган, бироқ ифодамай олмаган фикрини образ мантиқидан келиб чиқиб, томошабинга етказишга уринади. Бунинг учун санъаткор қаҳрамоннинг характерига мос тушадиган оҳанг, ургу, талаффуз, ибора ва тати-ҳаракат устида кунт билан ишлайди. Айниқса Замирахон ижросидаги Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» асарига Маърифат хола, «Навбахор»да Хадича, Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сида Ҳамробиби, «Аяжонларим»да Бўстонбуви, Б. Раҳмоннинг «Юрак сирларидан» Рузвон, К. Яшин, А. Умарийнинг «Ҳамза»сида Хосият образлари талқини ўзининг ҳаётийлиги, ички кечинишининг ҳаққонийлиги билан томошабинда меҳрибонлик, вафодорлик, садоқат, инсонийлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялайди. Бу образларни яратишда Замира юксак изланувчанлик ва ҳаётни кузатувчанлик қобилиятини янада кучайтира борди. Ижод жараёнида асар муҳитидан барча воқеани ч-

кур ўрганиб, ўзининг турмуш тажрибалари билан бойитди, уларни бадиий жиҳатдан умумлаштириб саҳнага олиб чиқди. Шунинг учун ҳам Замира ҳақида, унинг маҳорати ҳақида гап борганда, юксак маҳорат ва истеъдоддин оналар образини яратишга сарфлаган санъаткор, дейишлари жуда ҳақ гап.

Замира яратган оналарнинг эътиқоди ва дунёқарашлари бир-бирларидан қанчалик фарқ қилса, ташқи қиёфалари, кийинишлари, характерлари, сўзлаш интонациялари, юриштиришлари шу қадар такрорланмас чиқди. Лекин оналарнинг асосий фазилати — ғамхўрлик, меҳрибонлик, фарзандаларга садоқат ва муҳаббат ҳамма образларда асосий замин бўлиб келади. Албатта, она бўлиш ҳамма маънода ҳам қийин, айниқса ҳаққоний она бўлиш. Замира ҳаётда ҳаққоний она. Унинг фарзандлари қаторига невар ва авралар қўшилди.

Мен дўстим, сафдошим Замирага оналар қалбидай пок, мусофай ва ўчмас умр ва ҳаётга, ижодига ташналик тилайман.

# ЗИЁРАТГОҲ

Ҳожнақбар РАСУЛОВ,

Тошкент шаҳар ижроия комитети граждандарга хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи

Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри кундан-кун чирой очиб бормоқда. Унинг ҳуснига ярашиқ осмонлар бинолар, кенг ва раво кўчалар, шинам йўлқалар, гуллар кўйнидаги майдонлар ва истироҳат боғлари қалбалар олам-олам завқу-шавқ бағишлайди. Турли-туман музейлар, санъат масканлари одамлар билан ҳаммиша гавжум. Зиёратгоҳлардан эса миннатдор авлоднинг қадам излари узилмайди. Тошкентнинг Форобий кўчасида жойлашган шаҳар қабристонини ҳам ана шундай зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Бу сокин маконда ота-боболаримизнинг руҳи яшайди.

Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлашда курашган, Ватанимиз шон-шухратини оширишга буюк ҳисса қўшган, илм-фан ва маданият равнақи йўлида муносиб хизмат қилган партия ва жамоат арбоблари,

ёзувчилар, санъаткорлар бу ерда мангу уйқуда. Партия ва давлат арбоблари Усмон Юсупов, Мансур Мирзаҳамедов, Ҳамроқул Турсунқулов, академиклар Қори-Нисёзий, Ҳабиб Абдулла, ўзбек санъати юлдузлари Маннон Уйғур, Абдор Ҳидоят, табиатнинг моҳир куйчиси Урол Тансиқбоев, ўзбек совет адабиётининг ажойиб намояндлари Ғафур Фулом, Ойбек, Ойдин, Ғайратий, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла, Сергей Бородин, Миртемир ва элнинг бошқа азиз фарзандларининг руҳи-поки яшамоқда бу ерда.

Сукунат бағрида майин эсаятган аллар атрофга гуллар бўйини тарадди. Япроқлар майин шивирлашади. Устоз бастакор Юнус Ражабий қабри ёнидан ўтаркансиз, унинг бронза ҳайкали жонлангандай, бутун оламни мақомининг бетакрор куйлари тунги кетгандай туюлади. Умр лаҳзалари

ва абадият ҳақида беихтиёр ўйга чўмасан. Улуғ сиймоларнинг хотираси олдида таъзим қиласан, уларнинг яшашда давом этётган ишлари, ўлмас санъат асарлари қаршисида миннатдорчилик туйғуларини изҳор қиласан, киши. Бу ерда дилдинган кечган ўйлар завқу-шавқ билан яшашга, эзгу ниятлар йўлида фаолият кўрсатишга чорлайди.

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан қабристонларга ҳурмат-этибор билан муносабатда бўлишни тарғибташвиқ этиб келишган. Қабристон ёнидан ўтаётганда шовқин солиб гап-лашма, отда бўлсанг ундан тушиб ётақлаб ўт, бу ерда маст-власт қадам ранжида қилма, марҳумларга ҳурматда бўл, бошингга мушкул туша ёки манманлик балосига учрасанг, қабристонини зиёрат қил, деб бежиз айтишмаган.

Шаҳар қабристонини мудир Умар

ака Усмонов, 15—20 йиллардан буён бу ерда хизмат қилаётган ака-ука Турғун ва Суннат Раҳматуллаевлар, Туроб ака Фуломов, Манзура опа Мирзахамедова, борбон Жалол Авазов ва бошқалар марҳумлар руҳи шод, тириклар миннатдор бўлиши учун интиломқалар. Уларнинг хизматлари тугайли йўлқалар ҳаммиша тоза, озода, қабрлар ёнида анвойи гуллар, ўзлари одамларнинг фақуллода юмушларига доимо ҳозир унозир. Шунинг учун ҳам бу сокин макон элнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айланган.

Шаҳардаги зиёратгоҳлар партия ва ҳукуматимизнинг доимий дилқат марказида. Ана шу эъзоз-этиборнинг самараси сифатида сўнгги ўн йил ичида шаҳардаги зиёратгоҳлар атрофига 2 минг 600 кубометр бетон девор ўрнатилди, 170 минг квадрат метр йўл асфальтлаштирилди, 17 минг метр узунликда бетон ариқлар қурилди, йўлларга 22 минг квадрат метр бетон плиталар, 11 минг метр узунликда сугорма водопровод қурувлари ўрнатилди, 300 минг тупдан зиёд турли дарехт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Қабристонларни муқаддас зиёратгоҳларга айлантириш ҳар бир кишининг виждоний бурчидир.

Қабристонларни гулзорларга айлантиришимиз лозим, токи марҳумлар хотираси ҳаммиша эъзоз ва ҳурматда бўлсин.

деб баҳоланди. Худди шу илмий иши учун Ленинград Медицина институти илмий совети унга докторлик илмий даражасини лозим кўрди.

Бундай қараганда, қора оқсоқ касалиги ҳаммага аёндек туюлади. Врач ва табобат олимларига-ку, сўзсиз. Улар касаллигини келиб чиқишидан тортиб, даволаш усулларига ҳам яқин билади. Лекин қанча билгани сайин олим қаршисида касаллигини сирлари шунча кўпая боради. Вали Маждивонинг ютуғи ҳам маълум нарсанинг сирларини очганида.

III

Маъмурият раҳбарлиги ҳам кишидан катта истеъдод ва ташилотчилик талаб этади. Вали Маждивонч етук олим, талабчан устоз бўлиш билан бирга ташаббускор ва толмас раҳбарлик истеъдоди борлигини ҳам кўрсата билди. Устоз — Александр Львович Каценович вафотидан кейин, 1962 йилдан педиатрия ва санитария-гигиена факультетлари инфекция касалликлар кафедраси мудирилиги унинг зиммасига юкланди. Айни вақтда Тошкент Медицина институтининг санитария-гигиена факультети (1965—1966) декани, ўқув ишлари бўйича (1966—1968) институт проректори вазифаларида ишлаб, институтда ўқув ишларини жонлантиришда жонбозлик билан меҳнат қилди. 1964 йилда унга профессор деган юксак унвон берилди. Профессорнинг Тошкент Медицина институтида

тарбиявий-ўқув ишларини намунали йўлга қўйганлигини ҳамда ташилотчилигини, фани юксалтиришдаги жонқуярлигини инобатга олиб, партия ва ҳукуматимиз Вали Маждивонч Маждивонини 1968 йили Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш ва ҳукуматимиз Вали Маждивонч Маждивонини ташилотчилиги сабабли ҳозир бу билим ўчоғи мамлакатимиздаги йirik медицина институтлари қаторидан ўрин олди. Чунончи, ўтган қисқа даврда институт врач-педиатрлардан олти мингга яқин кадр етиштириб берди. Ҳозирги кунда 34 миллат вакилининг беш мингга яқин ўғил-қизлари таълим олаётир. Институт олимлари қадим малакали кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда болалар саломатлигини янада яхшилашдек муҳим масала устида ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Шу мақсадда улар Тошкент, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм областларининг врач-педиатрия ходимларини оталикқа олганлар.

САМПИДА студентлар учун барча қулайликлар ва шарт-шароитлар муҳайё этилган. Институтда иккита бир хил факультет мавжуд бўлиб, 57 кафедрага бирлашган 500 дан ортққан соҳиблари ўз билимларини талабаларга улаштирадилар. Уларнинг 37 таси фан доктори, 257 таси фан кандидатларидир. Ихтисослар бўйича асосан иккита — педиатрлар ва болалар жарроҳлари тайёрланади. 2500 ўринли ётоқхона студентлар хизма-

тида. Институт ҳузурида 900 ўринли хўлинка ишлаб турибди. Булардан ташқари ана янги ўқув корпуслари ҳамда клиникалар қуриляётир.

1964 йилдан буён Коммунистик партия аъзоси, профессор Вали Маждивонч Маждивонинг халқ олдидаги хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлиб келинаётир. У «Ҳурмат белгиси», «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени ва бир неча медаллар нишондоридир. 1982 йил республикада хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди.

Вали Маждивонинг юздан ортқ илмий иши тилиб қилинган. Шундан етти таси монографиядир. Шогирдлар тайёрлашни у ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Бевоқифа унинг раҳбарлигида 17 шогирди докторлик ва кандидатлик диссертацияларини ёқлади. Институтни битирган ҳар бир педиатр Вали Маждивонинг ҳурмат билан «Устозим» деб атайдди. У ўз шогирдларига, ҳатто студентларга ҳам бемор касаллигини белгилашда ниҳоятда аниқликка риоз қилишни масоҳат беради ва Абу Райҳон Берунийнинг ушбу сўзларини такрор-такрор эслабди туради:

«Илмий тажриба билан шуғулланувчи ва тадқиқотда аниқликка амал қилувчи кишининг у ёки бу фан соҳасида ҳукм қарор чиқара олиши мумкин».

Эргаш МУҲАМЕДОВ



# ЁЗУВЧИНИНГ БУРЧИ

Бугунги жаҳон адабиётини Лотин Америкасининг Куба революциясидан битмас-туғамас руҳий куч олган адиблари — Хулио Кортасар, Габриэль Гарсиа Маркес, Варгас Льюса, Алехо Карпентьер ижодисиз тасаввур этиш мумкин эмас — совет адабий танқидчилигининг нуфузли фикри шундай («Вопросы литературы» журналі, 1981 йил, 1-сон, 196-бет).

Лотин Америкасининг испан тилида ижод қилувчи бу йirik адиблари социалистик революцияга гоёсига содиқликлари, озоқлик курашига фидойилликлари билан алақачон жаҳон афкор оммаси ҳурматини қозондилар. «Мен журналистман, ёзувчиман. Сивбатда иштирок этмаслик жиноят эканлигига ишончим комил бўлса ҳам, мен ўзимни сивбат деб ҳисобламайман. Мен шон-шухратга эгман ва уни сивбат хизматиға бермоқчиман», — дейди Гарсиа Маркес. — Мен ўз шон-шухратимини — бутун бойлигимни тўласина Лотин Америкасидаги инқилоб хизматиға бермоқчиман» («Иностранная литература» журналі, 1979 йил, 3-сон, 221-бет).

Колумбиялик адиб, Нобель мукофоти лауреати Габриэль Гарсиа Маркес (1928 йил туғилган), — унинг ўз таъбири билан айтганда, — Лотин Америкаси кишиси тўғрисидаги ilk катта романи ёзётган ёзувчилардан биридир. Унинг романлари, худди Кортасар, Карпентьер, Фуэнтас асарлари каби, шеърій руҳи, воқеликни шеърій тарзда инкишоф этиши билан ажралиб туради. Аргентиналик улкан адиб Хулио Кортасар таъкидлаганидек, Гарсиа Маркес романлари «композицияси ҳам, ритми ҳам, тили ҳам фикр ва туйғуларнинг «олтин запаси» билан қатъий ва керакли даражада таъминланган». Дарҳақиқат, Михаил Шолохов, Александр Фадеев, Садриддин Айний, Константин Федин, Абдулла Қодирий, Мухтор Авазов, Ойбек, Георгий Марков сирасидаги совет ёзувчилари сингари, Маркес ҳам ўз асарлари билан замонамизда роман тиркилигини ва узоқ

йиллар давомида яшашга қобиллигини исботлаган улуг адиблар сафидан ўрин ола билди.

Фольклор ва адабиёт қаҳрамонлари инсониятни руҳан жиғлаштиришга даъват этилган маънавий сиймоларидир. «Шахризода бутун дунё китобхоналари қалбида яшайди», дейди француз адиби Пьер Гамарра. Рост гап. Шарку Фарбининг буюк адиблари ва шоирлари яратган қаҳрамонлар замондошларимиз руҳида яшашда давом этимоқдалар. Демак, бугунги кунда бутун тараққийларвар инсоният асрлар давомида тўплаган бадий хазинави ўзлаштирмай туриб, яхши ёзувчи бўлиш мумкин эмас. Лотин Америкаси адиблари чилилик Пабло Неруда, бразилиялик Жоржи Амаду, аргентиналик Рауль Гонсалес Тунсон каби коммунист ижодкорлар сиймосида Совет Иттифоқи, жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган сўз усталари билан дўстлик муносабатлари ўрнатганлари маълум. Пабло Неруда ва Жоржи Амаду мамлакатимиз, чунончи, республикамиз бўйлаб қилган саёхатлари давомида Ўзбекистоннинг айни пайтда қадимий ва ҳамиса навқирон маданияти, адабиёти ва санъатини, Алишер Навоий шеърятини, Самарқанди Бухоро меъморчилик мўъжизаларини сидқиқидан севиб қолган ва самимий муҳаббатларини Лотин Америкасига серилҳом қалбларида олиб кетган эдилар. Маркес Неруда, Амаду каби устодлар маънавий муҳитида камол топган, худди улар каби, Советлар дйериға меҳри-чекисиз, унинг кўпмиллатли қардош халқлари қадимий ва ҳозирги замон маданияти, адабиёти ва санъатиға чинакам эҳтиром билан қарайдиган адибдир. У бизнинг ватанимизда икки марта меҳмон бўлди ва ҳар саф мамлакатимизға, бунёдкор халқимизға бўлган муҳаббати янада ошди.

Маркес ўзи ёқтирадиган адибларнинг муайян хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Бунда у гоъийба-бадий этиқодидан келиб чиққан ҳолда маълум хулосаларға келади. «Воқели қадимий ижод сарнамиси бўлиб хизмат қилади, — деб ҳисоблайди у. — Реалликка асосланмайдиган бемейёр фантазия ёки соф уйдирма дунёдаги энг ярамас нарсалар. Одам билан гапирадиган кўчирчоқ ўртасида қанча фарқ бўлса, тасаввур ва фантазия орасида шунча фарқ мавжуд. Чунончи, Маркес Эрнест Хемингуэйни улуг романивист деб билмайди, лекин уни қисқа ҳикоялар ёзишда беназир уста деб тан олади. Хемингуэйнинг: ҳикоя ҳам худди музтоғға ўхшаб, ўзининг кўринмайдиган — сув остидаги қисмиға, бинобарин, таҳлилға, мулоҳазаларға, ҳикояда бевосита зикр этилмаган материаллар йиғиндисига таяниш керак, деган маслаҳатини маълумлайди.

Колумбиялик адиб Грэм Гринни ҳикоя қилишининг ҳамма сирларини эгалаган ёзувчи сифатида ҳурмат қилади. «У менга тропиклар сирларини ўқиб олишни ўргатди», — дейди Маркес. — Адабиётдаги реаллик фотографик эмас, балки синтетик бўлиши керак, ёзувчи маҳорати эса ана шу синтезни ҳосил қилиш учун зарур унсурларни топишдан иборатдир».

Шундай қилиб, жаҳон адабиёти-

нинг турли намоёндалари ижодиға берган бундай баҳолари Маркеснинг эстетик қарашларини ўрганиш жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Албатта, моҳиятан инсоний, эзу муруд-мақсадлари, ҳаётни бадий тасдиқлайдиган, кишилик руҳидаги неқбиликни янада мустаҳкамлашға хизмат қиладиган асарғина авлодлар оша яшаб қолади. Чунончи, Коирад ва Сент-Экзюпери ижоди хусусида мулоҳаза юртар экан, Маркес бу адиблар бошқаларға вулгар бир тарзда кўриниши мумкин бўлган воқеликнинг ҳам гўзал жиҳатларини топиб тасвирлаб берганликларини ўқтиради, бинобарин, ҳаёт ва инсон имкониятларига ишонч билан қарашини тўғри деб билади.

Гарсиа Маркес рус классик ва совет адабиётининг доимий мухлиси-дир. У Лев Толстойнинг «Уруш ва олам» асарини ҳамма замонларда яратилган романларнинг энг яхшиси деб ҳисоблайди. «Рус классикасининг энг муҳим нуналарини испан тилиға таржима қилиб бўлинган, — дейди адиб, — ҳозирги адабиёт эса камроқ маълум. Шахсан ўзим Булгаков, унинг «Уста ва Маргаритасидан қаттиқ таъсирландим».

Колумбиялик адиб ўтган аср рус адабиёти билан қизиқди, барча рус классик адибларини, айниқса Достоевский ижодини яхши билади. У мамлакатимизда ўтказган тўққиз кунининг икки кунини Ленинградға бағишлади. Достоевский тасвирлаган жойларда соғлаб кезди, суд-хўр калпирини ўлдиршға бораётган Раскольников кўтарилган зинапозни, жиноят содир бўлган ўша уйни ахтарди.

Маркеснинг ички оламиға, табиғати йўл топиб бериши мумкин бўлган бундай мисолларни янада кўп-лаб келтириш мумкин. Аммо унинг Пабло Неруда тўғрисида, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий истеъдод — ўз даврининг улугвор мақсадларини рўбға қиқериш воситасиға айланган истеъдод тўғрисида айтган куйидаги фикрини эсдан қиқариш мумкин эмас: «...Неруда — ўзига хош ҳоқ Мидас: у тегиинган ҳамма нарса шеърятға айланади».

Гарсиа Маркеснинг бадий қизиқиш миқёси ана шундай ранг-баранг ва кенг. Лекин бу қадар кўп ва буюк адиблар даврасида ўзини йўқотиб, доғдираб қолмайди. «...Мен ҳеч қачон бировағ ўхшашиға ҳаракат қилмайман, — дейди у. — Мен ўзимға айниқса ёқадиган адибларнинг таъсирига тушиб қолмасликка интиламман».

Дарҳақиқат, Маркес асарларига бу қадар шухрат келтирган омилардан бири унинг йилдан-йилға кучға тўлиб бораётган ижодий мустақиллигидир.

Габриэль Гарсиа Маркес — аниқ сиёсий этиқоғда эга бўлган: жаҳоннинг келажиғи албатта социализминкидир, деб ишонган адиб. Шунинг учун ҳам у адабиёт ҳаётни англаб этиш жараёнини осонлаштиришға хизмат қилиши керак, деб ўйлайди. «Лотин Америкаси ўқувчилари романдан, ўзлари ҳам яхши биладиган зула ва адолатсизликни шунчакки шо этишдан кўпроқ нарса кутади-лар, — дейди ёзувчи. — ...Уйлайманки, муҳаббат ҳақидаги роман, худди бошқа роман каби, яшаш ҳуқуқиға эгадир. Ёзувчининг бурчи, таъбир жоиз бўлса, унинг инқилобий бурчи, яхши ёзишдан иборатдир».

Маркеснинг «Юз йил ёлғизлик», «Патриарх кузи», «Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди», «Ҳамма аввалдан билган бир ўлим тарихи», «Бехосият вақт» романлари чиндан ҳам яхши ёзилган асарлардир. Шунинг учун ҳам улар ёзувчиға жаҳоний шухрат келтирди. Лекин, барибир, талабчан адиб ўз асарларига танқидий қарашға, уларни холис баҳолаган ҳолда, гоъийба-бадий жиҳатдан янада ўсишға ҳаракат қилади. Чунончи, у «Патриарх кузи» романини ўзини унуттиришдан сақлаб қолиши мумкин бўлган асар, деб билади. Бу романини Маркес ўн етти йил давомида ёзди,

унинг қоралама икки вариантдан воз келди.

Адиб энг кейинги — «Ҳамма аввалдан билган бир ўлим тарихи» қиссасини ёзувчи «Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди» романини ўзининг энг яхши асари деб ўйлар эди. Энди эса, янги қиссасини ҳамма асарларидан юқори қўймоқда. «Уйлайманки, — дейди ёзувчи, — ...Бир ўлим тарихида кўзланган мақсадимға нисбатан тўла эриша олмади, илғари ҳеч бундай бўлмаган эди. Аввалги китобларимда мавзу мени шу қадар қизиқтириб қўйган эдикки, персонажаў ўз мустақил ҳаётлари билан яшай бошлардилар ва ҳаётларига келган ишларини қилар эдилар».

Бу сўзлар кўрсатадики, Гарсиа Маркес асардан асарға ижодий янгилаиб ва усиб бораётган адибдир. Унинг романлари, ҳикоялари ҳар бири ўзига ҳослиғи, ўзига ҳос бадий олами билан ажралиб туради. «Жизганақ япроқлар» ва «Юз йил ёлғизлик» романлари орасида адиб «Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди», «Бехосият вақт», «Катта Онанинг дафн маросими» асарларини яратди. Булар фавқулодда реалликтилиги, тил ва композиция нуқтаи назаридан жиҳдийлиги билан авторнинг бошқа асарларидан фарқ қилади. Маълумки, Маркес «Жизганақ япроқлар» асарини ёзётган вақтларида ҳар қандай яхши роман воқеликнинг поэтик ҳосиласи бўлиши керак, деган фикрда эди. «Жизганақ япроқлар» романининг босилиб чиқиш вақти Колумбияда қонли сиёсий репрессиялар давриға тўғри келди. Янги романини ўқиган кўпгина дўстлари ёзувчиға: «Бү ҳеч нарсани шо этимайдиган роман бўлибди», деб қаттиқ танбех бердилар. Албатта, Маркес адабиётға бундай муносабатда бўлишни юзани ва хато деб ҳисоблар эди. Лекин у барибир дўстларининг танбехларига эътиборсиз ҳарамда, бевосита мамлакатиди воқеликка мурожаат этди. Айни асарларида Маркес, кўзлаган мақсади, асари мазмуни ва тузилиши тақозосиға кўра, аввалги ижодий қарашларидан вақтинча чекинди. Табиқийки, ижодий йўлини бундай ўзгартиришининг бошқа — катта сабаблари ҳам мавжуд. Зеро, Гарсиа Маркес адиб сифатида, мамлақати ижтимоий ва сиёсий воқелиги олдидаги эмас, бутун воқеликнинг барча кўринишлари олдида ўзини жаъобгар деб биладиган санъаткордир.

Габриэль Маркес — чинакам гражданд адиб. У ижтимоий-сиёсий ҳаётда кизгин иштирок этади. Бугун оламнинг турли бурчларида ҳужм сураётган адолатсизлик ва зулми қарши астойдил курашдади, замонини ниҳоятда туйғунлик билан ҳис қилади. Улкан ёзувчи инқилобий Куба ҳақида, Анголанинг янги ҳаёти тўғрисида, Вьетнамнинг ўз озоқлиғи йўлидаги кураши тўғрисида жанговар репортажлар ёзди. Маркеснинг бадий ва публицистик ижоди юксак мукофотлар билан тақдирланган. У Халқро журналистлар ташкилоти лауреати, Димитров номидаги мукофот лауреати, 1982 йили эса Габриэль Гарсиа Маркес Нобель мукофотиға сазовор бўлди. Шу муносабат билан жаҳон тараққийларвар адиблари колумбиялик машҳур адиб хусусида юксак фикрлар билдирмоқдалар. Акримизнинг йirik шоирларидан бири Николас Гильен Гарсиа Маркеснинг лауреат бўлиши ҳақида тўхталиб, Нобель мукофотиға тоза қон куйилди, деб айтди. Дарҳақиқат, Маркеснинг истеъдоди, шахси, ҳаётини позицияси ҳам катта эҳтиромға лойиқдир.

Гарсиа Маркес ижоди бундан кейин ҳам янада камол топади, деб ишонамиз, чунки у бутун оламда албатта социалистик гоълар тўла-тўла қиғалаб қозонади, деб сидқиқидан ишонган ёзувчидир, яъни, башариётнинг ёруғ келажиғиға дахлдор ёзувчидир.

М. ҚУШМОҚОВ



# ЛУҒАТШУНОС

С. Ақобиров 70 ёшда



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида сўнгги 25—30 йил ичида турли тилдаги умум-филологик луғатлар яратишда катта ютуқларга эришилди ва бу соҳада янада зўр гайрат билан иш олиб борилаётир. Шу давр ичида босилиб чиққан беш томлик русча-ўзбекча луғат (Тошкент, 1950—1955), бир томлик русча-ўзбекча луғат (Москва, 1954), ўзбекча-русча луғат (Москва, 1959) ҳамда икки томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (Москва, 1981) каби фундаментал асарларнинг ҳар бири республикамиз маданий ҳаётидаги катта воқеалардандир. Бу томликлар ва луғатларнинг буюк Ленин тилини ўрганишда, бой рус бадиий ва илмий адабиётини баҳраманд бўлишда, ўзбек тилининг сўз бойлигини чуқурроқ тасавур қилишда кенг ўқувчилар ва китобхонлар оммасига бераётган ёрдами беқиёсдир.

Маъзур луғатларнинг майдонга келишида 70 ёшга тўлганлиги ишонланаётган луғатшунос олим Саидфозил Ақобировнинг ҳиссаси каттадир. Масалан, изоҳли луғат кўлэмасининг ярмидан кўп қисми С. Ақобиров томонидан ёзилган ёки таҳрир қилинган. Икки томлик янги русча-ўзбекча луғатининг С. Ақобиров таҳрири остида тайёрланган биринчи томи айни пайтда босмадан чиқиш арафасида. Ушбу луғатнинг иккинчи томи шу сатрлар муаллифи томонидан нашрга тайёрланаётир. Бу асар институт луғатчиларининг СССРнинг 60 йиллик тўйига бағишланган муносиб совғаси бўлади.

С. Ақобиров шу кунгача босилган луғатларнинг тузувчиси ва муҳаррирларидан бири бўлибгина қолмасдан, мураккаб масалаларни ҳал қилишда буюк муҳаррирнинг яқин ёрдамчиси сифатида ҳам иш олиб борди. «С. Ақобиров русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларнинг муҳаррири сифатида лексикани жуда нозик тушуна олишини кўрсатди, луғатлар сифатини яхшилашда ҳаммадан кўп ёрдам берди. Китобхонлар олдига катта масъулият ҳис этиш, астойдил берилиб ишлаш ва меҳнатсеварлик туфайли унинг луғатчилик маҳорати юқори поғонага кўтарилди», дея икки тилли луғатларнинг бош муҳаррири, СССР ва УзССР Фанлар академияларининг мухбир аъзоси, профессор А. К. Боровковнинг унга юксак баҳо берганилиг бежиз эмас эди.

Тил ва адабиёт институтида тайёрланган луғатларнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда ҳам С. Ақобировнинг хизматлари эътиборга лойиқ. Унинг бевосита иштироки билан ёки раҳбарлиги остида тузилган «Ўзбекча-русча луғат тузиш учун қўлланма» (Тошкент, 1960), «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма» (Тошкент, 1964), «Ўзбек тили изоҳли луғатининг макети» (Тошкент, 1970) фикримизнинг ёрқин далилидир.

Саидфозил Ақобиров тилшунос-

лиқнинг энг сермеҳнат соҳаси луғатчилик иши билан қаттиқ банд бўлишга қарамасдан, ўзбек тили лексикологияси, лексикографияси ва терминологиясига оид ўнлаб мақола ва рисодалар эълон қилди. Унинг матбуотда эълон қилинган «Ўзбек тили изоҳли луғатининг баъзи масалалари», «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар», «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фразеология», «Ўзбекистонда луғатчилик ишининг баъзи масалалари» каби мақолалари ҳамда «Тил ва терминология» (1968), «Луғат — сўз хазинаси» (1977), «Нутқ маданияти ва норматив луғати» (1977) каби рисодалари шулар жумласидан. Айниқса унинг «Вопросы терминологии» тўпламида (Москва, 1961) босилган нутқи ҳамда «Лексикология и лексикография тюркских языков» тўпламида (Москва, 1971) босилган «Ўзбек тили луғатининг чегаралари ва манбалари» сарлаҳали мақоласи алоҳида диққатга сазовордир.

Луғатшунос олим Саидфозил Ақобиров инженер сифатида техникага, айниқса физика ва математикага оид ўнлаб дарслик ҳамда қўлланмаларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Улардан О. Дрожжиннинг «Ақлли машиналар», Ю. М. Топольский ва Д. В. Яшиннинг «СХМ-48 марказли пахта терши машинаси», А. В. Перишкин ва В. В. Крауцлинскийнинг «Физика курси», А. А. Абрикосовнинг «Чизмачилик» китобларини эслаш kifоя. Унинг таҳрири остида О. Усмонов ва Р. Донировнинг «Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳли луғати», М. Собировнинг «Математикадан русча-ўзбекча терминлар луғати», Г. Шермухамедов ва А. Умаровнинг «Русча-ўзбекча ҳарбий терминлар луғати» каби бир қанча махсус терминологик луғатлар ҳам нашр этилди. С. Ақобиров таржима ёки таҳрир қилган умумий ҳажми 400 босма тобоққа яқин 40 дан ортиқ асар ўзбек халқининг маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди; улар муайян соҳа мутахассислари ва ўқувчилар

учун зарур справочник-қўлланма, ўзбек терминологиясининг шаклланиши учун эса бой манба сифатида хизмат қилмоқда.

Саидфозил Ақобиров 1912 йил Тошкент шаҳрида дунёга келиб, 1928—1930 йилларда Улка Ўзбек билим юртида, сўнгра Москва автотрактор институтида (1931), Қизил Армияни моторлаштириш ва механизациялаштириш ҳарбий академиясида (1932—1935) таълим олди. 1942—1945 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. Улуғ Ватан уруши туғагач, Ўзбекистоннинг СССР ҳукумати ҳузуридаги Доимий акадлатхонасида ишлади. 1947—1948 йилларда Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникуми (Тошкентда) ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мактабига (Фарғона областида) бошлилик қилди. 1949 йил май ойидан то шу кунга қадар эса УзССР ФА Тил ва адабиёт институтида хизмат қилиб келмоқда.

Юбилейимиз филология соҳаси бўйича билимларини чуқурлаштириш мақсадида илмий иш билан шуғулланиб 1969 йили «Икки тилли луғатларда терминологиянинг лексикографик тавсифи» мавзусида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шу кунларда эса мукаммал ўзбекча-русча луғат тузиш устида ишлаш билан бирга «Ўзбек тилининг изоҳли луғати ва унинг назарий асослари» деган мавзуда докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот иши олиб бормоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Саидфозил Ақобиров қаерда ишлаганини, у ҳақида бошқаларга намуна кўрсатиб, жонбозлик билан меҳнат қилди. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз уни ҳақида энг фаол ва илғор ходим сифатида тақдирлаб келаётир. Луғатшунос олим кўксини беэаб турган «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат ветерани» медаллари, шунингдек УзССР Фанлар академияси ва Маориф олий мактаб ҳамда илмий муассасалар ходимлари касабаси союзи республика комитетининг укта Фахрий ёрлиги, «Билим» жамиятининг Ташаккурномаси ва бошқалар фикримиз тасдиғидир. 1978 йилда эса унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвон берилди. Олим ёш луғатчиларни тарбиялашга, ўз тажрибаларини синғдиришга алоҳида эътибор бериб келади.

Саидфозил Ақобировнинг гоят меҳнаткашлигини ва ўзбек тилшунослигига қўшган ҳиссасини тўлроқ тасавур қилиш учун унинг иштирокида тузилган луғатлар, нашр этилган дарслик ва бошқа асарларнинг умумий ҳажми мннг босма тобоқдан ошиб кетганлигини айтишнинг ўзи kifоя деб ўйлаёмиз.

Етишдан ошса ҳам йигитлардек серғайрат луғатшунос дўстимизга узоқ умр, мустақкам саломатлик ва янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Насим МАМАТОВ

Владивосток яқинидаги қирғоқ сувида узунлиги 6 метр келадиган наҳанг [кит]лар галаси пайдо бўлди.

Рейдда турган «Усть-Карск» танкерининг деиғизчилари наҳангларнинг келишини кузатдилар. Аввал бордан бир неча метр нарида сувда гўласимон бир вужуд кўриниб, тезликда кўздан гойиб бўлди. Уч кундан сўнг танкер афрозидида ўнга яқин наҳанг йиғилди.

Танкер соясидан ҳимоя топган балиқлар уюри деиғиз дарозларнинг эътиборини тортган эди. Гуёки наҳанглар Буюк Пётр қирғазиде кўп йилдан буён олиб борилаётган балиқ овлашни таъқиқлаш ва уларни қўриқлаш тадбирлари туфайли балиқларнинг кескин кўпайганини «илган» эдилар. Ҳозир наҳангларнинг айрим тўдаси ҳатто Владивосток қирғоқларига қадар тез-тез ташриф буюрмоқдалар.



60 мўмиёланган

жасад

Мисрдаги Луксор шаҳридан 200 километр жануброқда жойлашган Харге воҳисидан қалмадан-қам учрайдиган ноёб топила қазиб жараёнида чиқиб қолди. Яъни қадим замон қабристонининг вайронасидан жуда ҳам яхши сақланган 60 та мўмиёланган мурда топилиди. Шунингдек, у ердан Александрияга тайёрланган хурмача ҳамда икки қулоқли идишлар, кўмиш маданийяга оид жуда кўп буюмлар ҳам чиқди. Кўмишганлар I—III асрлар даврига тўғри келади.

Мисрда биринчи марта археология тарихида мўмиёланган мурдалар ўралган кафанга эиён-заҳмат етказмасдан ўз жойида текширишни бошладилар. Дала ренгтен курилмасидан шу мақсадда фойдаланилаётир. Тадқиқотчилар Харгега кимлар кўмилган бўлса, уларнинг жинсини, ёшини, ўлимларининг сабабларини ва бошқа «шахсий маълумотлар»ни аниқлашга умид боғламоқдалар.



# ИЖОД ВА ИЗЛАНИШ

Танқидчи Умарали Норматовнинг «Етуклик» китоби муаллиф ижодида ўз салмоғи билан алоҳида ажралиб туради. Бу ривожланган социализм даври адабиёти, етук адибларимиз, мароқли асарларимиз ҳақидаги тадқиқотлардан таркиб толган асар. Унга кирган йигирма мақола, танқидчи адибларимиз билан диалоглар «Етук» тенденциялари, «Ёзувчи ва замон», «Сухбатлар» туркумлари сифатида уч фаслга бўлинган.

Тўпلامга кейинги олти йил — 1974—1980 йиллар ичида ёзилган адабий-танқидий мақолалар саралаб олинган. Унда ҳар хил даврлар, турли адиблар, турфа сабаблар, баҳоналар, саналар муносабати билан ёзилган асарлар жамланган. Шунга қарамай, асарнинг композицияси пухта, адабий ҳаётимиз ривожи билан қадам-қадам бораётган танқидчи ижоднинг камолот тадрижини намойиш эта олади.

Китобдаги «Етуклик», «Социалистик реализм назарияси ва адабий жараёнинг баъзи масалалари», «Социалистик реализм ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги» сарлавҳали уч мақола айниқса диққатни ўзига тортади. «Етуклик» мақоласида ижтимоий ҳаёт, адабиёт ва санъатда миллийлик ҳамда интернационалликнинг ўзига хос диалектикаси, мазмуни ва мундарижасига доир назорат кузатишлар ифодаланган. Муаллифнинг фикрича, ривожланган социализм даврида интернационаллашув

Умарали Норматов. Етуклик. Мақолалар. Тошкент. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982 йил.

жараёни тобора чуқурлашиб бораётгани барча шакллардаги миллийлик атрибутларига барҳам бергани йўқ, балки «миллий анъаларга янги куч, янгича тус бахш этмоқда, миллий анъаналарнинг янгилашни жараёнини авж олдириб юбормоқда». Миллийлик билан интернационаллик ғояларининг бундай ўзаро уйғунлиги шоир Расул Гамзатовнинг куйидаги образли тасвири билан берилган: «Бизнинг душманларимиз «совет кишилари бирлиги», «совет халқи» ибораларидан гўёки бизда миллатлар ва миллий маданиятлар ривожи инкор этилаётганлигини тасдиқлаш учун далил сифатида фойдаланадилар. Бу — бошдан-оёқ уйдирма. Биз хилма-хил ёрқин юлдузлардан ягона бир ой яратмоқчи эмасми, бунинг кераги йўқ, чунки ойда ҳаётнинг ўзи йўқ».

Маъзур мақолада бадиий ижод самараси билан адабий танқиднинг руҳи, адабий жараёнда тарихийлик принципи ҳақида айтилган фикр ҳам айни ҳақиқатдир. Ижтимоий ҳаётдаги чуқур ўзгаришлар бадиий ижод йўналиши ҳамда адабий танқиднинг руҳига, баҳолаш мезонига жиҳдий таъсир қилиши кейинги чорак аср тажрибалари мисоли ва татбиқида яхши исботланган (17-бет). Муаллифнинг «Ҳаётдаги... ноантогонистик зиддиятларни бадиий ҳақиқатга айлантириш, тинч-осойишта даврининг ички драматини кўрсатиш хийла мураккаб ва мушкулроқ» (19-бет) эъқили ҳақидаги фикрлари бадиий адабиётнинг вазифаси, ўзига хос функцияси ва хусусиятларини тайин этишда жуда муҳимдир.

Мақолада ривожланган социализм

адабиётининг белгилари, моҳияти, жаси, таърифи, белгилари, моҳияти, адабий ҳаракатда суръат ва сифат, анъана ва янгиликнинг воқе бўлиши сингари ҳодисаларнинг маъзи чакилган. Унда ҳар бир давр адабий таъриқинининг ўзига хос талаб ва майллари, замон зайли ва конфликт турларига ижобий ва салбий ҳақрамон талқинига муносабат билдирилган. Шунингдек, адабий метод бирлиги ва бадиий услуб жилolari (реалистик ва романтик услуб) масаласи кўтарилиб, бу масалалар жаҳон, рус ва ўзбек адабиёти асарлари, ёзувчиларнинг бадиий фаолиятлари га татбиқан ёритилган.

Типология масалаларига бағишланган «Социалистик реализм ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги» мақоласида таҳлил пани анча мураккаб. Чунки, тадқиқот объектлари давр, жанр, майл, образ, мазмузунинг ёритилиши неғизида, типологик киёс йўсинида умумлаштирилган, бирлаштирилган ва фарқланган. Ана шу мақсадда «сўртдан бир-бирига ўхшаб кетадиган асарлар» — «Ўтган кунлар» билан «Қутлуғ қон», «Алишер Навоий» драмаси билан «Навоий» романи, «Мирзо Улуғбек» билан «Улуғбек хазинасининг булардан ҳар бирининг такрорланмас ижодий ҳодисалар, оригинал бадиий обидалар эъқилигини очиб беришга ҳаракат қилинган. Булардан ташқари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Нури қўқилар» ҳикоясидаги Зуҳра билан Фоти ма, Фафур Гуломнинг «Едгор» қиссасидаги Меҳри, Пиримқул Қодировнинг «Эрк» асаридаги Ойшахон образлари билан икки томонлама муқояса қилинади. Бундай типологик нисбат йўриғида ёзувчи ва замон, адабий концепция, муаллифнинг ўз образига муносабати масалалари ёритилади. «Бир хил ҳаёт ҳақиқатига хилма-хил томондан ёндашишининг яхши намуналари» сифатида Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаровнинг автобиографик жанрда ёзган қиссалари кузатилади. Ана шу мақсадда Шароф Рашидов («Кудратли тўлқин»), Одил Ёкубов («Эр бошига иш туша»), Раҳмат Файзий («Ҳазрати инсон»), Мирмуҳсин («Дегрез ўлиги») ва Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча») асарлари юзасидан ўтказилган типологик қиёслар ҳам диққатни тортади. Мақсуд Шайхзоденин «Мирзо Улуғбек» тарихий фожиаси билан Одил Ёкубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи таҳлили-

талқини, психологизм, ғоя ва индивидуал услубнинг ифодаланishi ҳақидан янги фикрлар айтилган.

Тадқиқотчи ривожланган социализм даври адабиёти, унинг босқичлари, етук намоёндалари ижоди ҳақида ёзар экан, тарихийлик принциғи га оғишмай амал қилади. Бу ерда муаллифни банд қилган масалалардан бири — инсон шахсига ҳар томонлама ёндашиш, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатни баралла айтиш, шахсининг кучли ва ожиз ҳақтларини рўй-рост кўрсатиш, уни бир ёқлама, нуқул оқ ва қора бўёқлардагина тасвирлашдан тийиллиш ҳозирги адабий жараёнинг эъқ характерли майлларидан бири эканлиғидир. Етук реализм шахсни улуғлаш ва қоралаш билан чекланмай, унинг барча хатти-ҳаракатлари моҳиятини англашга, шахс билан ҳамдард бўлишга интилади. «Социалистик реализм назарияси ва ҳозирги адабий жараёнинг баъзи масалалари» мақоласида курашчи ҳақрамонлар образини яратиш, фольклор анъаналаридан билиб фойдаланиш, ёзувчининг фаол мавқеи, шафқатсиз, мардона реализм борасида билдирилган мулоқазалар ўзининг янгилиғи билан эътиборга лойиқ. Кези келганда айтиб ўтайлик: бу мазмуздор мақолада социалистик реализмнинг очик эстетик система сифатидаги талқинига янада кенгроқ ўрин берилса, бу хусусида очикроқ ва батафсилроқ гапирилса, ўзбек адабиётидан кўпроқ далил-исботлар келтирилса, ёмон бўлмасди.


«Ёзувчи ва замон» туркумида Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодировнинг ижодий йўли, «Бинафша атри», «Дёнёта» романи, 1979 йил ўзбек танқидчилиғи ҳақидаги мақолалар ўрин олган. У. Норматов ҳар бир адиб ижодида, ҳар бир асарга ўзлтигича назар ташлашга, асосий барқарор хусусиятларни таъкидлаган ҳолда, бошқалар илғамган нуқталарни топишга, янги сўз айтишга ошиқади.

Ўзбек адабиётида танқидчи-ёзувчи суҳбатини бошлаб берганлардан ва унинг ривожиға катта ҳисса қўшаётганлардан бири Умарали Норматовдир. «Етуклик» тўпلامига олимнинг ёзувчилардан Назир Сафаров, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Шуккур Холмиразев билан қилган мулоқотлари ўрин олган.

Суҳбат қанча қизиқ ва мароқли бўлса, шунча қийин ва «инжиқ» жанр. Зеро, бунда кўпинча ижод психологияси, ҳар бир адибнинг ўзигагина аён тадбирлар, қалб сирлари, маҳорат хусусида гап кетади. Ижод аҳли борки, ўзининг мўъжизакор, сир-синаотли образлар олами ва ғояларини ошқор этишни ўнчалик хуш кўрмайди. Улар «дилда дардин» бўлмаган ҳар қандай одамнинг ўз «сардафтарини «кавларини» рўйхушлик бермайдилар. Умарали Норматов эса қалам аҳлининг психологиясини билади, уларни эркин суҳбатга чорлай олади.

Умарали Норматов — ижодий қиёфа мусаввири, портрет устаси. У ҳар бир адибнинг ижоди ҳақида ёзаркан, аввало, бу яхлит, тугал бир асар бўлиб чиқади. Унинг тасвири ва талқинида ҳар бир адиб ижодиға хос типик белгилар, индивидуал услуб чизиқлари ёрқин намоён бўлади. Олимнинг адабий-танқидий ишлари схематизмдан холи, эҳтирос, «куюнчаклик» билан ёзилган. Бинобарин, у портрет чизар экан, ҳеч қачон ёзувчининг ҳаёти ва ижодини шунчаки кузатмайди, балки у билан бирга нафас олишга, унга ҳамдард бўлишга ҳаракат қилади.

Мамнуният билан қайд этиш керакки, хоҳ назарий мақолалар ёки обздорда бўлсин, хоҳ ёзувчилар билан қилган суҳбатларида бўлсин, Умарали Норматов ўз фикр, даъво, қарашларида собит ва холис бўлишга ҳаракат қилади. Лекин, бизнингча, «Сўнги бекат» романи ҳақидаги



Мухаррам опа набиралари даврасида [Фафур Гулом архивидан].

Д. Тайберг фотоси

# МАФТУНКОР ВОДИЙ МАДҲИ

...Улар бор-йўғи олти ой бирга хизмат қилдилар. Бирга юриб бирга турдилар, кимнинг уйидан хат келса, бирга ўқидилар. Ҳотам узок Сурхондарёдаги тоғ қишлоғидан эканлигини, онаси ва опа-сингиллари борлигини ҳикоя қилар экан:

— Уруш тугагач, албатта Ўзбекистонга келасан, ака-ука тутинамиз. Менинг уйим сенинг уйинг бўлади, — деяв эди...

Кейинги жанглардан бирида Ҳотам ҳалок бўлди. Ротадаги беш йигит қатори Ҳотам ҳам кичик бир тепаликдаги қабрга қўйилди. Хайрлашув салоти берилди.

Уруш тугади. Владимир ўзи ўтган фронт йўллари бўйлаб кўп юрди, лекин Ҳотам Эргашевнинг қабрини топмади. Эҳтимол, қабр тахтасидаги ёзувларни шамол, ёмғир, қор ўчириб юборгандир... Шунда Владимир Ҳотамнинг: «Менинг уйим — сенинг уйинг бўлади» деган сўзларини ва яна кўп нарсаларни эслади, ўзини нимагадир бурчи деб ҳис қилди. Тутинган оғасининг юртини зибрат этшини ният қилди. Ҳотамнинг онаси ва опа-сингилларини узок излаб, топа олмади. Аммо Сурхондарёга бориш қарори йиллар ўтган сари қатъийлаша борди. Сурхондарёга жўнашидан ярим йил олдин уни ўзи хизмат қилган қадрдон полкига тақлиф этдилар. У полк байроғига таъзим қилар экан, шу байроқ остида дўсти Ҳотам билан бирга немис «тигр»ларига қарши борганларини эслади. Командир энг қийин пайтда сафларни байроқ билан атакага бошлаш ҳақида буйруқ берган эди.

Полк байроғи билан учрашув безовта хотирани яна кўзгади. Энди Сурхондарёга қараб йўл олганида бошқа бир мақсадни ҳам дилига туги қўйди: «Мен Аму бўйларига бу ўлка ҳақидаги ўзимнинг узок ва содда тасавурларимни воқелик билан солиштириб кўриш учун келганим йўқ. Мен энг аввало Ҳотамнинг Ватанини кўрмоқчи бўлдим, сўнгра ўз юртининг ҳозирги манзарасини энди менга ҳеч қачон айтиб бера олмайдиган дўстим учун кўриш ва ҳикоя қилиш мақсадида келдим».

У Сурхондарёда қишлоққа-қишлоқ кезди, пахтакорлар ва шолikorлар

билан учрашди, тоғлардаги чўпонлар олдига чиқиб борди, чегарачилар меҳмони бўлди, Пайгамбар Орол қўриқхонасини кўрди, вертолётда Хонжизага — геологлар хузурига учди, археологлар палатасида тунаб, уларнинг бу ўлка ўтмиши, ҳали очилмаган сирлари ҳақидаги ҳикояларини тинглади. Хуллас, ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширди. Эган асарларини «Жаркое солнце Сурхана» деб атади ҳамда уни полкдош дўсти, кичик сержант Ҳотам Эргашевнинг хотирасига бағишлади.

Маъзур китоб бошдан оёқ кўёш ўлкасига меҳр-муҳаббат руҳи билан сўғрилган. Муаллифни Сурхон ўлкасига алоқадор ҳамма нарса қизиқтиради, ҳаяжонга солади. Бу китобда ўзи илгаридан маълум тасавурга эга, бироқ кўргани кутанидан ҳам зиёда бўлиб чиққан ва уни ўзи учун кашф бўлиб даражасида ардоқлаб, авайлаб ўқувчига етказган қаламкашин кувончини мужассан. Бу кувончин у китобхон билан баҳам кўради. Яна шунки, Ватанининг ана шу кичик парчаси оламшумул тарихнинг зарур пучмоқларидан бири эканлиги, заминида рўёбга чиққан ашё-далиллар жаҳон фикрий йўналишларига таъсир кўрсатганлигига, ўтмиши, бугуни ва келажакка муаллифнинг ҳайрат ҳамда рабғати сезилиб туради. Муаллиф Сурхондарёга оид ҳар қандай фактни республика, мамлакат, жаҳон миқёсида фикрий солиштирмадан ўтказмади. Шу сабабли сиз-бизга илгаридан маълум нарсалар ҳам гўё янгича маъно касб этади ва бизни яна бир марта бу ҳақда ўйлаб кўришга, фахрланишга даяват этади.

Асар сабаҳат хотираларни тарзиде ёзилган. Улкани бошдан оёқ кезиб чиққан муаллиф ҳар жойининг кечган тарихини, элининг ўзига хослиги, урф-одати, этнографияси, афсоналари ва одамларини тасвир объекти қилиб олади. Китобда ўзоки тасвир йўқ. Қалб призмасидан ўтган воқеалар, фактлар, шарҳлар меҳр-муҳаббатга йўғрилган, чуқур лиризм би-

1 Бу китоб яқинда Москвадаги «Мысль» нашриётида босилиб чиқди.

маънавий озиқ беради. Мирқичи ўқилади.

Муаллифни Тешиктош горидан топишган мустьер даврига оид неандерталь боланинг боши, ер юзиде саъятнинг биринчи намуналаридан ҳисобланадиган Зарауотш қизил суратлари, Далварэрин ҳазинаси ва уларга боғлиқ ҳодисалар ҳайратга солади. Яқиндагина Хисор тоғларининг жануби-ғарбий қисмида аниқланган, баландлиги 10 метр келадиган динозавр изи ва шу сингари топилмалар силсиласи, тарих тўғрисидадан омон қолган ва ҳар сафар самандардек бош кўтараверган Термиз шаҳри унинг чуқур ўйларига сабаб бўлади.

Сурхондарёда археологик, тарихий ва маданий обидалар, қадимий кўрғонлар кўп. Улар ўтмишдаги юксак маданиятимиздан дарак беради. Ёзма тарихнинг гувоҳлик беришича, Термиздан чиққан мушук томдан тушмай Деновагача бора олган. Шундай гуллаган воҳа нима учун тубанликка тушди? Нима учун у «худо томонидан унутилган жой» бўлиб қолди? Чунки, босқинчилар тўғрисида буздилар, сув йўллариини вайрон қилдилар. Оқибатда давлатлар тарқалиб кетди, шаҳар ва қишлоқлар вайронликка юз тутди.

Утган асрда рус табиатшуноси Г. С. Карелин бу ўлканинг улўз келажак ҳақида ёзди. А. Г. Ананьев эса сув қиришга уриниб кўрди. Аммо асрлар бўйи кутилган мўъжиза замонамиздагина рўй берди. Водийнинг кўп қисми, Сурхон-Шеробод чўли тўла ўзлаштирилди. Автор Шеробод чўли поёнида 22-асрда яшайдиган авлодларимиз номига қўйилган мактуб ҳақида сўз юритар экан, бу жойларнинг 2000 йилдан кейинги қиёфасини кўз олдига келтиради.

Сурхон ипак пахтаси... Довруғи тобора ошиб бораётган мўъжизакор тола. Аммо 1930 йилда бу пахтанинг бор-йўғи 5 гектар жойга экилганлигини ҳамма ҳам билвермайди. Бу ўлкада пахта экилиши тарихи қанча? Археологлар Болаликтепадан 5-асрга оид пахта чаноғи ва чигитни топиб олдилар. Ўзбек субтропик мевалари (мамлакатда шакарқамчи яна қерда бор?), Дашнобод амори, Сурхон сури, Талимарон қовунлари, Дарбанднинг қорабай отлари ва бу ағиб диёрнинг бошқа кўпгина хўсу-сиятири муаллиф қаламидан жило ва оҳанг олади. У воҳа боғларини Вавилондаги осилиб турувчи Семирамида боғларига қиёслайди. Маълумки, бу ернинг даштлари шифобаҳш, қимматбахо гиёҳларга тўла. Шу муносабат билан муаллиф ачқимия сотишдан келган олтингагина ёш совет республикаси АҚШдан тракторлар харид қила олганлиги фактини келтиради. Бу ўсимлик ҳозир «қизил китобга» киритилган ва унга халқаро бозор талаби ошиб кетган. Бихни ҳам худди шу тарзда баҳолаш,

қадрлаш мумкин. Сабаҳатчининг кўзи мармар тоғларига тушади. Корлик горининг ғаройиб гузааллиги, сероводородга тўйинган Қайнарбобо булогининг шифобаҳш суви, Хонжиза бойликларини топишда космонавтлар кўмағи ва ҳоказолар китобда тасвирланади.

Китоб муаллифи, замонамиз қаҳрамонлари билан ҳам учрашади. Эргаш Шамаевнинг таширф бюурач экан, унинг назариде қадимий ўзбек меҳмоннавозлики одатлари бор саҳийлиги билан намое бўлади. Бобомурод Омонов тимсолида у ҳозирги ўзбек деҳқонининг, замонавий раҳбарнинг шаклланиш жарафини оцади. Эргаш Жўраев унинг учун чўлуварликнинг пионери бўлиб гавдаланади. Чўлда таркиб топган коллектив раҳбари Аллаберди Жўмаев кишилар қалбига йўл топа билади. М. С. Истомин Болтиқ матроси фарзанди, лекин бутун ҳаётини шу ўлкага бағишлади. Шунга ўхшаш ўлка қаҳрамонларда совет кишиларига хос барча яхши фазилатлар жамланади. Бу одамларнинг кўпчилиги совет замонасида туғилиб тарбия топган. Муаллиф кекса кишиларнинг ҳикояларига боғлиқ равишда амирнинг қониши, босмачиларга қарши кураш, хотин-қизлар озодлиги, тикланиш йиллари ҳақида ҳаяжонли сўз юритади.

Владимир Моложавенконинг саъҳати Боботогнинг қизил қозлари ёнида тугади. Чўпон гулхани атрофида яна бир меҳмон — генерал Собир Раҳимовнинг адыютанти Хуррам Ашуров ўтирибди. Хуррам ака генерал ҳалок бўлгач, ўзини чўққа ҳам, ўтга ҳам урди, ҳар сафар тасодиф уни омон сақлаверди, кўкки орден, медалга тўлаверди. Аммо генерални сақлай олманганлиги учун ўзалин кечирмади. Агар «қизил изтопарлар» аниқламаганда, унинг генерал Собир Раҳимовга адыютант бўлганлигини ҳеч ким билмасмиди! Муаллифнинг кўз ўнгиде бу дийёр одамларига хос фазилатларнинг яна бир қирраси намоен бўлади.

Улкамиз мафтуни бўлиб қолган ростолик журналист Владимир Семёнович Моложавенко ўз китобини кўйидаги сўзлар билан яқунайди:

«Биламен, мен Сурхондарёга яна ва яна келавераман. Бойсуи ва Кўҳтанг чўққиларига, Дарбанднинг мармар қозлари ва Боботогнинг қорли доволларига, Шеробод чўли ва янги Хонжизага, Ҳазорбоғ боғлари ва Оққалпачғай майсаларига, Мачайнинг сўлим шаршаралари ва кўҳна Термиз ёдгорликларига кўзим тўшавереди, аммо келишимнинг энг биринчи боиси — шу ўлкада яшаб меҳнат қилётган, келажак авлодларга қушайди ҳароратли бу ўлкани мерос қилиб қолдираётган ажойиб кишилар билан учрашиш бўлади».

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ

Термиз

иш хилислик мавқеида туриб қайта кўриб чиқилса, ёмон бўлмасди. Зотен, роман, унинг проблематикаси, айрим қаҳрамонлар моҳияти талқини, хусусан, Ултам характерини манткий далиллашда изчиллик етишмаслиги хусусида матбуотда билдирилган фикрларда, ҳар қалай, жон борга ўхшайди. Зеро, «Етулик» деб ном олган китобнинг ҳамма фасллари ва узвлари бирдай муқамал бўлса яхши-да.

Оқориде олимнинг типологияга дахлдор ишлари, унинг қиёсий адабиётшунослик соҳасидаги хизмати қайд қилинди. Бироқ шуни ҳам айтиш зарурки, бундай таҳлил методи

(типологияни назарда тутамиз) баъзан, маъзур методни сунистеъмолик қилинган ҳолларда, салбий натижага олиб келиши — ҳар бир адабиётнинг туб миллий моҳияти масаласи схематик муқоасалар соҳсида қолиб кетиши мумкин. Шу нуқтан назардан олиб қараганда, ҳар бир адабий-эстетик воқеа, образ ёки персонажнинг хатти-ҳаракати тасвиринде айни миллий адабиётнинг ўз тарихий тажрибаси, аъналарини, ахлоқ-оодоб нормаларини инобатга олиш лозим.

Айрим ўринларда услубий ғализлик, манткий чалқашлик ҳоллари кўзга челинади. Чунончи, «Эл ардоқлаган адиб» мақоласидан: «Санд

Аҳмаднинг ўзи Фафур Фулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг ижодиға кўрсатилган қучли таъсирини мамнуният билан эътироф этади» (194-бет). (Бу ерда, аслиде, Фафур Фулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг — Санд Аҳмад ижодиға таъсири ҳақида гап боради.)

Албатта, бундай жузъий ғализликлар муаллифнинг ўзига хос таҳлил услубига соя ташлолмайди. Таниқил танқидчимизнинг ўзига хослиги муҳокама, баён тарзининг самимияти билан белгиланади. Зеро, У. Норматов ҳеч қачон ёзувчини «умуман таъриф-тавсифлаб ўтирмайди, унинг гоъларини «анойи» ўқувчига «тушун-

тиришга» интилмаиди, балки гўё ёзувчи образини чизади. Унда тадқиқот билан тэксилот, таҳлил билан туйғу бир-бирига эш.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматовнинг адабий баркамоллик ҳақидаги асарини мутолаа қилиб, муаллифнинг маънавий олами, таҳлил қуввати ҳақида ўйларқанимиз, шууримизда етуқ олим қиёфаси гавдаланади.

Ғайбулла САЛОМОВ,  
Сайди УМИРОВ

# Зўлмачи

Драматург Абдуқаҳор Иброҳимовнинг «Зўлмачи» сатирик комедияси республикамиз, шунингдек, бир қанча қардош халқлар театрларида намойиш этилди. Бу асар авторнинг Москвада нашр этилган «Мени айтди деманг» («Обо мне ни слова») пьесалар китобида ҳам ўрин олди.

Куйида шу комедиянинг биринчи кўриниши билан танишасиз.

**Овоз ёзиш студияси. Директор кабинети.** Ворисов портфель кўтариб киради. Кетма-кет Пардагул ва Бозоров кирадилар.

Ворисов. Бошқалар қани, Пардагул!

Пардагул. Уйга кетди. Ворисов. Нега? Нега энди?.. Мен сиздан сўрайман!

Пардагул. Иш вақти тугаб қолдию, Мерос Ворисович.

Ворисов [столни чертиб-чертиб]. Лекин ҳали тугагани йўқ. Мен уларга кўрсатиб... кўйишим мумкин эдию, лекин... майли кечираман. Чунки... чунки мен учун ҳозир қувончи дақиқалардир. Магнитофонни куйворинг.

Пардагул магнитофон қўяди. Бедана сайрагани эшитила бошлайди.

Оҳ, қандай хузурубасх. Мен табият табиятга яқинман, табият шайдо-симан. Шунинг учун ҳам агрономликка ўқиган эдим-да. Боғлар, тоғлар, сувлар, шаршаралар, ирмоқлар, жилгалар, сойлар, даректлар, ўрмонлар, қорлар, шабадалар, гул полалар, раққонур жамбиллар, беданооялар, пичанзорлар, денгизлар, кўллар...

Лекин буларнинг бари кушлар наъмасисиз бир пул. Мен бу ердаги фаолиятимда энг замонавий техникани ишга солиб, инсониятга руҳий озиқ берувчи кушлар наъмасини ленталарга муҳрлаттирдим ва элимизга етиб борди булар. Бу ишимга ҳатто... фалончилар ҳам юксак баҳо беришди. Шундай қилиб, бу борадаги миссиям ниҳоясига етди... Яшвор, беданатим!

Бозоров. Тинчликми? Ворисов. Жума Бозорович, мен вазифамдан озод қилиндим.

Пардагул. Вой шўрим.

Бозоров. Ишонмайман.

Ворисов. Ҳа, нега?

Бозоров. Бу ерга ишга келганингизга...

Ворисов. ...икки ойдан уч сутка ошди. Миссия тугагач, бўлди-да.

Бедана сайрагани тиниб, ҳўроз қичқиргани эшитила бошлайди.

Оҳ, нақадар ёқимли, кишини гафлат уйқусидан уйғотиб, ишга, ҳаётга чорлайди, кўтаринки руҳ беради. Тетик қилади. Яша, ҳўрозим!

Пардагул. Коллективимиз сизни жуда ҳурмат қилади. [Аста]. Мен ҳам. Энди сизга ўрганганимизда...

Ворисов. Коллектив ҳурмат қилса ҳам, ҳурмат қилмас эди, менинг вазифамдан озод этилганим аниқ. Мен ҳозир бошқармадан келаятирман. Мана буйруқ. [Портфелдан қоғоз олади].

Пардагул [ўзича]. Энди директор бўлиб ким келаркин?

Ворисов. Қулоқ солинглар. Уқийман. «Бошқарманинг 157-сон буйруғи...»

Бозоров [гапим бўлиб]. Тўхтанг, тўхтанг... Ҳар ҳолда бу буйруқни ўқиш сиз учун оғир. Мен ўқиб қўя қолай.

Ворисов. Э, Жума Бозорович-эй! Бунақа буйруқларни энди ўқишимми? Кўйиқиб кетганман. Ҳали яна кўп ўқисам керак. Қолаверса, бошқарманинг буйруғи мен учун мўқаддас. Қани, яхшилаб қулоқ солинглар: «Бошқарманинг 157-сон буйруғи. Биринчи модда. Студия директори ўртоқ Ворисов ЭМ ВЗ вазифасидан озод этилсин...»

Бозоров. Чакки бўлибди.

Ворисов. Йўқ, гап бор.

Пардагул. Энди директор бўлиб ким келаркин?

Ворисов. Луқма ташлаш одобданмас. Буйруқни ҳурмат қилиш керак... Иккинчи модда. Студиянинг овоз оператори ўртоқ...»

Бозоров. Мен ҳам расво бўлибман шекилли.

Ворисов. Жума Бозорович! Мен турибман!.. Мана исботи, эшитинг: «Бозоров ЖЭ БЕ зиммасига студия директори вазифасини вақтинча бажариб туриш юклатилсин...»

Бозоров. А!?

Ворисов. Ҳа, мана, ўзингиз кўринг: «Имзо. Числов».

Бозоров. Чакки бўлибди.

Ворисов. Ношукур бўлманг.

Ҳўроз қичқиргани тиниб, чумчуқ чирқиллагани эшитилади.

Оҳ, нақадар фойдали! Чумчуқ тиним билмас қуш-да. Доимо меҳнат-да. Овозини эшитсам, узлуксиз меҳнат жараёни кўз олдимга келади. Ҳорма, меҳнаткаш чумчуқинам!

Пардагул. Жума Бозорович, энди фақат сизга итоат қилманми?

Бозоров. Нималар депмисиз ўзи? Ахир, мен вазифани вақтинча бажарувчи бўлсам.

Ворисов. Бундан бу ёғи ўзингизга боғлиқ.

Бозоров. Сиз қаёқдаю, мен қаёқда... Эплай олмайман.

Ворисов. Эплай олмасиз, мана мени айтди дерсиз, эплаб кетасиз. Мен ишонаман. Чунки мен бу ердаги фаолиятимда энг кучли мутахассисларни ишга жалб этдим. Ҳозир ажойиб коллективга эгамиз. Энди иш ўзинча бемалол кетаверади. Бу коллектив билан ҳар қандай вазифани бажариш мумкин. Шунинг учун ҳам ўзим сизни ўрнингга тавсия қилдим-да.

Бозоров. Сиз?

Ворисов. Биз!

Бозорова. Нега?

Ворисов. Урнимни бошқарма инспектори Ҳақимов эгалламоқчи экан. Менга чоқ қазиган ҳам у, билман. Ҳақимов ҳақсиздир, мени кўролмайди. Ажойиб коллективни вужудга келтириб, энди бемалол ишлайман деб турганимда, ишнинг белига тепти. Доимо у тагимга сув қуяди, чалади. Лекин мени йиқита олмайди, мен сакраб ўтаман, ўзи йиқилади, бу сафар ҳам шундай бўлди. У командировкада юрганида, бошлаб сизнинг номзодингизни ўтказиб юбордим. Ҳали билгач, тепа сочинчи олади.

Бозоров. Ҳақимов ишни билари, дейишди. Мендан кўра у директор бўлгани маъқул эмасми?

Ворисов. Унинг чекига бошлиқ бўлиш тушмаган. Сиз эса ҳозирдан бошлаб директорсиз. Тамом, вассалом.

Пардагул. [тўсатдан]. Табриқлайман.

Ворисов [ўрниндан туриб, Бозоров олдига бориб]. Муборак бўлсин, қани жойингизни эгалланг.

Бозоров. Ҳали сиз шу ерда сиз-ку.

Ворисов. Лекин сиз директорсиз, мен эса собиқман... Жума Бозорович, сиз ўзи жойингизни эгалламагунча, мен тепангизга туравераман.

Чумчуқ чирқиллаши тугаб, какку сайрагани эшитила бошлайди.

Бу овозинг ҳам ўзи рамзи бор. Вақт ўтаётир — фурсат ганимат... Вақт ўтаётир — фурсат ганимат. Қўшларнинг файласуфи шу. Офарин, какку паҳлавоним!

Пардагул [тўсатдан]. Жума Бозорович!.. Директорлик креслоси сизга ҳам ярашади.

Ворисов. Кимларга ярашмайди.

Пардагул. Тўғри, сизга ҳам жуда ярашарди.

Ворисов. Менга аталгани яна бордир... Жума Бозорович, оёғим толиб кетди.

Пардагул. Мажлисимиз бирам чўзилиб кетдики.

Бозоров. Шу билан тезроқ тугайдиган бўлса, ўтиб ўтирганим бўлсин.

Бозоров директорлик креслосига, Ворисов эса унинг ўрнига ўтирадилар.

Ворисов. Ярашди.

Пардагул. Жуда ярашди.

Бозоров [қовушмай]. Жуда нуқулай-ку.

Ворисов. Мени айтди дерсиз, бора-бора қулайлашиб кетади. Сизни шу вазиятга кўрганамдан қувончим чексиз, ифодалаш мушкул. Ҳақимов эстингда ишлаган кишини ўзи ўрнингга кўришдан ҳам юксикроқ бахт бўларимкин дунёда. Мана шу — авлодлар эстафетасидир. [Буйруқни ўзатиб.] Бу буйруқ сейфда сақланади. Марҳамат... [Энидан калит олиб.] Мана бу калит сейфиники. Энди доимо ёнингизда бўлади. Марҳамат. [Калитни столга қўяди.] Ўртоқ директор...

Бозоров. Шундай деманг, эриш туюлар экан.

Ворисов. Кейин-кейин ёқимли туюлади. Мени айтди дерсиз, жуда-жуда ёқимли туюлади.

Какку овози тиниб, тўти сайрагани эшитилади.

Тўти — доно қуш. Ақлли. Уни гапиртириш мумкин ҳатто. Тўти сайрагани эшитилганда инсониятнинг азму иродасига, кучу қудратига, яратувчилигига, таъсир ўтказувчанлигига яна бир бор қойил қоласан киши... Баракалла, мадақкорим тўти! ...Хўш, энди менга рухсат берсангиз, ўртоқ директор.

Бозоров. Яна директор дейсиз-а? Майли, кетаверинг.

Ворисов. Раҳмат, катта раҳмат! Пардагул [Бозоровга]. Эртага мен ишга келаверайми?

Бозоров. Нега ундай дейсиз? Пардагул. Мени Мерос Ворисович бу ерга олиб келган эдилар-да.

Бозоров. Сизни ҳеч ким ишдан бўшатгани йўқ...

Пардагул. Раҳмат.

Ворисов. Пардагул, мен кетганим билан чиқарган буйруқларим ўз кучида қоледи. Ҳа, одатда шундай бўлади. Имконият ва зарурият тугилса, сизни кейинчалик яна олиб кетарман.

Пардагул. Раҳмат.

Ворисов. Жума Бозорович, илтимос, машинадан... машинангиздан бугун-эрта мен фойдалансам.

Бозоров. Бемалол.

Пардагул. Одамнинг ҳоли шу экан-да. Ҳамма сиздан машина сўрарди. Энди эса ўзингиз.

Ворисов. Бўлиб туради. Эртага эрталаб мени бошқармага чақирширган, сизни ҳам, ўртоқ директор, машинада етиб олсам бўлгани. Мен сизларга ошкор этсам, ҳали бошқармада адресимга танқидий гаплар ҳам айтилди. Лекин ўринли танқид бўлди. Тан оламан. Мен бу ерда ўзи раҳбарлик имкониятларимни, талантларимни, қобилиятларимни тўла кўрсата олмадим, бутун куч-қувватимни сафарбар этолмадим. Хуллас, бу ер менга тўғри келмади. Чунки майдон тор, коллектив кичик, оборот аризма даражада. Юксак парвоз учун эса улкан майдон, яъни катта ташкилот керак. Катта ишлар катта ташкилотларда бўлади. Мен ҳали кичиклигимни намоён қиламан. Менга майдон керак.

Тўти сайроғи тиниб, қарга қағиллагани эшитила бошлайди.

Менга қарга ҳам ёқади... Биласиз-ларми, қарга нима деб қағиллайди? «Аёз келаятир, ҳаракатингиз қилиб қол, бугунги ишни эртага қолдирман, дейди. Хўшёрликка чорлаган овозингиз борман-да, қараганим...»

Ўртоқ директор, ўзингиздан қолар гап йўқ, таниш-билиш, маҳалла-кўй дегандай, ишдан озод бўлганимни ҳозирча биров билмай турса, ҳатто шофёр... шофёрингиз ҳам.

Бозоров. Ҳўп. Мен машинада юришга ўрганмаганман.

Ворисов. Мана энди ўрганасиз-да. Мана, мени айтди дерсиз, кейин-кейин шунақанги ўрганиб кетасизки...

Пардагул. Ҳатто мен ҳам одатлашиб қолдим-ку... Сизни қаердан топаман... топамиз энди!

Ворисов. Сезшимча, қайсидир каттароқ идорада иш оқсаган, яхши мутахассислар ишдан келиб қолган, кадрлар қўнимсизлиги юз берган. Мен бориб бу қўнимсизликка чек қўйман, энг кучли мутахассисларни ишга жалб этаман. Мени бу ердан шу мақсадда озод қилишди, шекилли. Хайр! [Кета бошлайди. Орқасига қайтиб.] Ўртоқ директор, бошқармадагилар сиздан сўрасалар, мен сизга ҳақ икканимани, қувона-қувона ўрнимни бўшатиб берганимни айтсангиз. Хайрлашув илтимоси шу... Эсга тушгани яхши бўлади, яна битта илтимос, институт филиалидан телефон бўлса, ишдан озод бўлганимни индиганча айтиманлар. Ахир, эртага мандат-да. Гап бор.

Бозоров. Хўп. Сизни мажлисда деб қўя қоламан.

Ворисов. Яшанг. Агар иш юзасидан консултацияга мутож бўлиб қолсангиз, бемалол, менга муружаат қилаверинг. Тортиниб ўтирманг.

Қарга овози тиниб, канарейка сайроғи эшитилади.

Ох, нақадар мунгли-а! Узоқ Австралида томонларидан келтирилган қуш бу. Канарейка нима даяпти! Канарейка: «Айрилиқ оғир, лекин эзгуликка хизмат қилса, айрилиқ ҳам керак», дейпти... Мен кетдим.

Пардагул. Оқ йўл... Айтгандай, лентани ола кетмайсизми?

Ворисов. Мендан сизларга ёдгорлик! Айтгандай, Жума Бозорович, вақти-вақти билан керакли одамларга мана шунга ўхшаш ленталардан юбориб туришни унутманг. Мана шунда марра доимо сизники, ошингиз доимо олич, менга ўхшаш, қўқилсангиз ҳам, ҳеч қачон батамом йиқилмайсиз.

Ворисов чиқаятганда, Шоди кўрмай, унга туртиниб қиради. Ворисов елка учириб чиқади. Қўшлар сайроғи тинади.

Пардагул. Сизга ким керак? Шоди. Дадам.

Пардагул. Дадангиз ким? Шоди. Шу ернинг хўжайини.

Пардагул. Нима, дадангизни танимайсизми? [Бозоровга ишора қилиб.] Ана хўжайинимиз.

Шоди. Дада! Дадажон! Дадажонгинам... [Бозоровни кўнчоқмоқчи бўлади.] Сизни топдим, ўн саккизмда топдим...

Бозоров ўзини олиб қочади, Шоди уни қувлайди.

Бозоров. Нима жиннилик бу, нима жиннилик бу!..

Шоди. Дадажон, нега тонасиз? Тонманг! Уз ўлингиздан ҳам тонасизми?

Пардагул. О, бола бояқиш.

Бозоров. [галстуги ва ёқасини тўғрилай.] Чиндан ҳам бу бола эсини еб қўйибди.

Шоди. Дадажон, ундай деманг. Мен соғман. Уз ўлингизман.

Бозоров. [жериқиб.] Бўлди! Қандай масхарабозлик бу! Жўнаб қол! Хей, сени қараю...

Пардагул. Уришманг. Бола шўрлик ота дийдорига зор экан.

Бозоров. Уз отаси олдиға борсин.

Шоди. Мана келдим. Қидириб-

қидириб, ўзим топиб келдим, дадажон.

Бозоров. Бас-эй! Уз ўғилларим уйда йўлимга кўз тикиб ўтирибди.

Шоди. Мен тўнгич ўлингизманда. Биласизми, дадажон, эсимни таниганимдан бери йўлингизни пойлайман...

Пардагул. О шўрликка бола! Шоди. Ҳеч йўқлаб бормадингиз-а, дадажон. Бир энлик хот ҳам ёзмадингиз-а. Хали ҳам ўша Байтқўрган қишлоғида, ўша ўзингиз қўрган оқ тунакали уйда яшайми.

Пардагул. Ҳа-а, гап бу ёқда денг.

Бозоров. Қаёқда? Англашилмовчилик, Пардагул. Бу меннинг ўлим эмас. Байтқўрган тушимга ҳам кирмаган.

Шоди. Эсингиздан чиққан бўлса керак, дадажон. Ун саккизга тўлгунимча ҳар ойда юборган алимент пулингизни олиб турдик. Раҳмат, дадажон.

Бозоров. Тавба, ё тавба! Бу болага нима деб тушунтирсам бўларкан.

Шоди. Дадажон, ўзим ҳақимда гапириб берай. Бу йил ўнчинчи битирдим.

Пардагул. Энди институтга кирмоқчимисиз?

Шоди. Йўқ. Механизаторлик мактабида ўқиялман. Балки кейинчалик сиртқиға кирарман. Қузда зангори кема бошқараман. Ойимлар... бешта укам бор, мактабда ўқишади, бирга тураимиз.

Бозоров. Пардагул, бу болага сиз тушунтиринг.

Шоди. Ўзим тушуниб турибман. Майли, дадажон, ҳозир қишлоққа қайтиб кетаман. Бу ердати ўйингизга бормайман. Биламан, борсам, укаларимнинг ойиси жанжал кўтаради. «Орага совуқлик туширма, дадангни кўрмоқчи бўлсанг, шихонасига бор, уйига бора кўрма!» деб тайинлаб юбордилар ойим. Дадажон, ташвишланманг, қачон сизни соғинсам, фақат шу ерга келаман.

Бозоров. Уф-ф! Бунақа масхарабозликни энди кўришим.

Шоди. Ун саккиз йил алимент тўлаб, энди тонасизми? Тонманг, энди сизга оғирлигим тушмайди. Йўлимни топиб кетаман.

Пардагул. Ука, ростдан ҳам бу кишининг ўғлимисиз?

Шоди. Бўлмасам-чи!

Пардагул. Нима билан исботлайсиз?

Шоди. [ёнидан паспорт олиб.] Мана, паспортим. Езиб қўйишбди.

Шоди Меросович Ворисов.

Бозоров ва Пардагул куладилар. Нега куласизлар? Уз отам фамилиясида бўлганимдан фахрланаман.

Бозоров. Кўсани тегирмончи даянсаз, ука. Ҳали сиз туртиниб кетган киши дадангиз Ворисов эди.

Шоди. Йўқ, дадам доимо хўжайин бўлиб келади. Катта ойлик олади, алиментни ҳам катта олганми. Сиз шу ернинг хўжайинимисиз, демак, сиз меннинг дадамсиз.

Бозоров. Одамни қийнаманг, ука. Мана ҳужжатиمنى кўринг. [Ҳужжат беради.]

Шоди [ҳужжатни кўриб, Пардагулга]. Нега ёлгон гапирасиз, бу амаки хўжайин эмас, овоз оператори экан-ку.

Пардагул. Янги хўжайинимиз-да.

Шоди. Дадам-чи? Пардагул. Собик.

Шоди. Ёлгон. Ҳалигина бошқармага борганимда: «Дадангиз овоз ёзиш студиясининг директори», дейишган эди-ку. Дадам шунчалик тез собик бўлаверадими?

Бозоров. Ука, ахир, ҳозир космос асри-ку. Лаҳзада қанча ишлар рўй беради.

Шоди. Ҳа, бу гап ҳам тўғри... [Бошига чертиб.] Эҳ аттанг, туртинибман-ку, дадамлигини сезмабманда. Амаки, энди дадамни қаердан толаман?

Пардагул. Ойингиз билиб ўтириптим, уйига бераверинг-да.

Шоди. Йўқ, мен сиз айтганлардан эмасман.

Бозоров. Ўзининг айтишича, дадангизни иш оқсаган жойдан топиш мумкин.

Шоди. Эй, ҳозир иш оқсаган жой кам дейишади-ку. Қандоқ топдим энди!.. Амаки, сиздан илтимос, дадам қаерда бошлиқ бўлганини билиб қўйсангиз. Кейинги келишимда, пахтадан сўнг келсам керак, иш оқсаган жойини қидириб юрмасдим, хўпми?

Бозоров. Хўп.

Шоди. Қайдасиз, дада? [Чиқади.]

Бозоров. Сиз ҳам уйга кетаверинг.

Пардагул. Сиздан олдин кетмаман.

Бозоров. Нега? Пардагул. Секретарь хўжайиндан олдин кетмаслиги керак.

Бозоров. Бу кимдан чиққан? Пардагул. Ворисовдан.

Бозоров. Энди иш вақти тугагач, кетаверасиз.

Пардагул. Бугун шундай дейсиз-да, эртага уришасиз. Йўқ, мен сиздан олдин кетмайман.

Бозоров. Тавба. Бундан бир соат аввал: «Бир пиёла чой топила дими!» деганимда эшитмаганга олган эдингиз.

Пардагул. Ҳозир чой дамлаб келаман. [Чиқади.]

Бозоров. Керакмас!.. Қизиқ. Хотима йнглаб қиради.

Нега йнғайсиз, синглим?

Хотима [хўнграб юбориб]. Охири имтиҳонда йиқилдим.

Бозоров. Бе, шунга ҳам йнғими? Уқиб бўлмаса, иш бўлар.

Хотима [йиғидан шартта тўхтаб]. Йўқ, мен ўқишим керак... Директор қани?

Бозоров. Қайси директор, фамилияси нима?

Хотима. Фамилиясини билмайман, лекин ўзини ахши танийман, уй адреси ҳам эсимда. Менга ёрдам бермоқчи эди.

Бозоров. Ворисовми?

Хотима. Балки шундайдир.

Бозоров. Қими бўласиз?

Хотима. Аёл кишига интеллигент одам бундай савол бермайди. Директор келса: «Сизни байтқўргонлик Хотима қидириб юрибди», деб айтиб қўйинг. [Чиқади.]

Бозоров. Қизиқ, бу қиз Ворисовга ким бўларкин?

Ҳакимов шошилиб қиради, ҳарсиллаб, нафаси тикилиб, гапиролмай Бозоровга мўлғайиб тураверади.

Нима гап, ўртоқ Ҳакимов?

Ҳакимов [ўлкаси тўлиб, зўрға]. Командировкада эдим... Йўғимда Ворисов... [Йнглаб юборади.]

Бозоров. Тушунарли.

Ҳакимов [шошилиб]. Тушунган одамнинг садағаси кетай. [Бозоровни оёғига йиқилиб.] Энди бутун умидим сиздан, ёрдам қилинг.

Бозоров. Нима қилай?

Ҳакимов. Директор бўлмайман, деб ариза беринг, илтимос.

Бозоров. Хўп. Ўзим ҳам шундай қилмоқчи эдим.

Ҳакимов [ўрнидан кирғиб туриб, ёришиб]. Баракалла, ота ўғли! Бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча унутмайман. Мен директор бўлсам, сизни коллективнинг эркиси қилиб қўяман, сираям тергамайман.

Бозоров. Керакмас.

Ҳакимов. Кечирасиз. Сиз билан бамаслаҳат иш тутаман, умрим бино бўлиб сира бошлиқ бўлмаганман. Лекин бошлиқ бўлиш орзуси ҳатто тушимга ҳам қиради, кўпдан бери шу орзу менга тинчлик бермайдю, лекин Ворисов йўлимга тўғноққ бўлиб келюкда. Доимо у мени чалади, тагимга суя қуяди, пайт поилайди-я, пайт поилайди. Туллак!

Бозоров. Бировни орқасидан ҳақорат қилманг.

Ҳакимов. Хўп, кечирасиз... Қани, кетдик.

Бозоров. Қаёқда?

Ҳакимов. Бошқармага.

Бозоров. Иш вақти тугади-ку.

Ҳакимов. Катта бошлигимиз ишдан кейин ҳам ишлаб ўтирадилар. Ажойиб одамлар. Утган ҳафта мени ҳузурларига чакиртириб: «Студия директорлиги лавозимига номзодингизни ўйлаб кўрамиз», деганларидеҳ, мен ёр-биродарларимга зиёфат қилиб берган эдим. Энди директор бўлмасам, ўлганим. Нажоткорим фақат сизсиз.

Бозоров. Илтимосим қабул қилмасам-чи?


Ҳакимов. Ўтиниб сўранг, ҳатто менга ўхшаб тиз чўкинг.

Бозоров. [маъноли кулади.] Юринг, кетдик. [Чиқа бошлайди.]

Ҳакимов. Хоҳласангиз, инспекторлик ўрнига ўзим сизни тавсия қиламан. [Чиқа бошлайди.]



Расмин Н. ИБРОҲИМОВ чизган



И. Ю. КРАЧКОВСКИЙ  
ТУҒИЛГАНИГА  
100 ЙИЛ ТЎЛДИ

# ШАРҚШУНОС ОЛИМ

П. Г. БУЛГАКОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор

Игнатий Юлианович Крачковский 1883 йил 16 мартда Вильно (Вильнюс) шаҳрида туғилди. Унинг отаси Юлиан Крачковский халқ маорифининг таниқли арбобларидан бўлиб, Ўқитувчилар институтининг директори эди.

И. Ю. Крачковский 1901 йили Вильно шаҳри гимназиясини олтин медал билан тугаллаб, худди шу йили Петербург университетининг шарқ тиллари факультетига ўқишга кириди ва уни 1905 йилда муваффақият билан тамомлайди. В. В. Бартольд ва В. Р. Розен каби академиклар, шунингдек А. Э. Шмидт, Н. А. Медников каби йirik арабшунослар, В. А. Жуковский каби эроншунос ҳамда бошқа олимлар унинг устозлари эди. Университетни битирган, И. Ю. Крачковский ўзининг илмий билимларини такомиллаштириш ва профессорлик фаолиятига тайёргарлик куриш мақсадида араб тилшунослиги кафедрасида қолдирилади. 1908 йилнинг июлидан 1910 йилнинг июлига қадар И. Ю. Крачковский Сурия, Ливан, Мисрда илмий командировкада бўлди. Игнатий Юлианович у ерда йirik олимлардан араб адабиёти, фани ва маданияти тарихидан сабоқ олди. Булжак олим бу ерда араб маданиятининг илгор намоёндалари билан яқиндан танишди. Ватанига қайтиб келгач, 1910 йилдан Петербург университетининг норасмий доценти, 1917 йилдан доценти, 1921 йилдан эса профессори сифатида иш олиб боради. Кейинги лавозимда у Ленинград Давлат университетидега ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача ишлади ва араб филологиясини кафедрасини бошқарди.

И. Ю. Крачковский 1915 йилда ўрта асрларда яшаган араб шоири Абул Фараж ал-Вазъ ад-Димашкийнинг ижодига бағишланган илмий иши учун фан магистри (кандидатлик) диссертациясини ёқлади. Октябрь социализми революциясининг галабасидан сўнг шарқшунос олим СССР Фанлар академияси йўналишидаги илмий ва илмий ташкилотчилик фаолиятини университетдаги самарали ишлари билан қўшиб олиб борди. 1921 йилда илмий тадқиқот ишларининг йиғиндиси учун диссертация ёқламаган ҳолда унга фан доктори илмий даражаси берилди. 1921 йилнинг 9 ноябрыда у В. В. Бартольд, Н. Я. Марр, С. Ф. Ольденбург ва П. К. Ковцов каби академикларнинг тавсиялари билан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди. 1922 йилдан 1929 йилгача у Тарих ва филология фанлари бўлиминин бошқарди, бўлим 1927 йилдан бошлаб СССР Фанлар академиясининг Ижтимоий фанлар бўлимига айлантирилди. Айни вақтда у 1916 йилдан бошлаб ҳаётининг охиригача СССР Фанлар академиясини Шарқшунослик Институтига бошчилик қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида, Ленинград қамалининг энг оғир шaroитларида И. Ю. Крачковский СССР Фанлар академиясининг Ленинграддаги муассасалари Комиссиясининг раиси қилиб тайинланди. Унинг Ленинград қамали шароитида СССР

Фанлар академиясининг институтлари, музейлари ва кутубхоналаридаги илмий ва маданий бойликларни сақлашдаги хизматлари бекиёсдир. Академикнинг бу хизмати СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 17 майдаги қарорига биноан Ленин ордени билан тақдирланди. 1945 йили СССР Фанлар академиясининг 220 йиллигида совет фанини ривожлантиришдаги унинг хизматлари юксак баҳолалиб, иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. «Араб қўлэмалари устида» деган машҳур илмий иши учун 1951 йили И. Ю. Крачковский СССР Давлат мукофоти-га сазовор бўлди. И. Ю. Крачковский География жамияти Кенгашининг аъзоси, Фаластин жамиятининг етакчи аъзоларидан бири, Ленинград шаҳридаги ижтимоий соҳалар бўйича қўлаб илмий кенгашларнинг аъзоси эди.

И. Ю. Крачковский ниҳоятда кенг маънодаги шарқшунос эди. Унинг қаламига мансуб 500 га яқин илмий тадқиқот ишлари арабшунослик фанининг барча соҳаларини қамраб олади. Олим энг қадимий пайтлардан, эрамининг биринчи асридан то сўнгги қунларгача бўлган араб маданияти тарихини ўрганиб чиқди. У қадимий классик ва ҳозирги замон араб адабий тилининг, шунингдек бир қатор жонли араб диалектларининг чуқур билимидан ҳамда тадқиқотчиси эди. Урта асрлар ва ҳозирги замон араб бадий адабиёти, Яқин ва Урта Шарқ ҳамда Урта Осиё халқлари фани тарихи, айниқса географияси, араб қўлэмалари ва араб ёзуви ёдгорликларининг наشري, мамлакатимиз ва араб Шарқи халқлари ўртасидаги адабий алоқалар, Ватан ва жаҳон арабшунослиги тарихининг тадқиқи И. Ю. Крачковский илмий фаолиятининг муҳим йўналишлари ҳисобланади. «Қўрғоннинг арабча оригиналидан рус тилига ўттирган нусхаси жаҳондаги энг яхши таржималардан бири саналади.

Урта асрлар араб адабиётини ўрганиш бўйича И. Ю. Крачковскийнинг булк хизмати шундан иборатки, у Ибн ал-Муътазанининг ўрта асрлар араб поэтикасига доир «Янги нарсга ҳақиқда китоб» асарининг арабча текстини, таржимасини ва тадқиқотини амалга оширди. Едимде, 1958 йили Қоҳирадаги мен ўша пайтда раҳбари бўлган Совет маданий марказида И. Ю. Крачковский туғилган куннинг 75 йиллиги нишонланди. Ана шу йиғилишда иштирок этган йirik миср ёзувчиси ва филолога Таха Хусейн нутқи сўзлаб, жумладан шундай деган эди: «Биз, араб олимлари, маданиятимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган ана шу нашрни амалга оширолмадик, бизнинг учун бу ишни рус хамкасбаими ва дўстимиз Крачковский рўёбга чиқарди. Бунинг учун биз, араб олимлари, унинг олдида мангүлик қадар миннатдормик».

Урта асрлардаги йirik араб шоирларидан ал-Ахтал, Зур-Руммо, Абул Атахия, ал-Бухтирий, ал-Мутаннабий Абул ал-Мааррий ва бошқаларининг, шунингдек Испаниядаги араб шеърятининг чуқур комплекс

тадқиқи И. Ю. Крачковскийнинг ажойиб хизматларидир.

Игнатий Юлианович бутун Европа арабшунослигида янги араб адабиётини биринчи бўлиб ўрганган олимлардан ҳисобланади. У XIX—XX асрларда яшаган йirik араб ёзувчиларидан ал-Езизий, Мейх, Таха Хусейн, Маҳмуд Таймур, Амрин ар-Райхоний, Тавфиқ ал-Ҳаким, ал-Жавоҳирий каби ижодкорларга бир қатор махсус тадқиқот ишларини бағишлади. Қўлаб замондош араб ёзувчилари билан эса у шахсий дўстлик алоқалари ўрнатган эди. Олим жаҳондаги эмас, араб мамлакатларида ҳам биринчи бўлиб Маҳмуд Таймурнинг илк ижодий изланишларини пайқайди ва уни қўлаб-қуваатади. Маҳмуд Таймур эса кейинчалик Араб Шарқида энг йirik новеллистардан бири бўлиб етишди. Таймурнинг икки томдан иборат илк новеллалар нашрини олган И. Ю. Крачковский 1925 йили унга каттагина хат ёзди, унда Таймурнинг истеъдодини, ёзувчилик ажойиб ва буюк келажига борлигини башорат қилди. Араб адаби мазкур мактубни ўз новелларининг учинчи томида «Сўзбоши» ўрнида ёзди қилади. И. Ю. Крачковскийнинг юбилейларидан бирида М. Таймур табрик хати йўллаб, жумладан қуйидагиларни ёзди:

«Мен ушбу қисска мактубимни Россиядаги профессорни табриклиш муносабати билан ёзмақдаман. Бутун араб дунёси, хусусан Миср халқининг унга нисбатан дўстлик ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор этган ҳолда ўзининг сидқидилдан сазломларини йўллайман. Узининг бутун ҳаётини араб маданияти билан Габр дунёсини таништиришга бағишлаган, жаҳон адабиётида ўз ўрнини эгаллаш учун бизга йўл очиб берган олим бизнинг қалбларимизда энг юксак мартабага муносибдир».

И. Ю. Крачковский, шунингдек мамлакатимиз билан араб мамлакатлари ўртасидаги адабий алоқаларни ўзаро ўрганишининг асосчиси ҳамдир. Унинг Крилов масалларининг араб тилига таржимасига, Чехов ижодининг араб адабиётига таъсири масаласига доир тадқиқотлари шулар жумласидан. Олимнинг «Горький ва араб адабиёти» илмий ишини алоҳида қайд этиш лозим. Машҳур «Алиф Лайло ва Лайло» эртакларининг ўз шоғирди М. А. Салье томонидан амалга оширилган таржимасига қилган муҳирлириги, XX асрининг йirik араб ёзувчиси Таха Хусейннинг «Қўнлар» хиссасини рус тилига ўзи таржима этганлиги ҳам таҳсинга сазовор.

Шарқ маданиятининг кенг маънодаги тадқиқотчиси сифатида И. Ю. Крачковский фақат бадий адабиёт соҳаси билангина чеклиниб қолмади. Фақат араларгагина эмас, балки ўрта аср Яқин ва Урта Шарқи ҳамда Урта Осиёси халқларига тааллуқли араб халфилиги ҳақидаги фан ҳам уни мунтазам равишда қизиқтириб келди. Олимнинг мазкур региондаги географиянинг бошланғич даври ва тараққиётига бағишланган «Араб ге-

ографик адабиёти фундаментал монографияси дунёдаги энг яхши асарлардан ҳисобланади. Мазкур китобда И. Ю. Крачковский қадимий даврлардан то XVIII асргача бўлган Шарқ география фани тараққиётига доир барча маълумотларни таҳлил қилди, умумлаштирди ва ўзининг шахсий тадқиқотлари билан бойитди.

Урта Осиё маданияти тарихини ўрганиш бўйича И. Ю. Крачковскийнинг хизматлари каттадир. Узининг тадқиқот ишларида улғў ўзбек олими Маҳмуд абул Мусо ал-Хоразмийнинг (IX аср) Яқин ва Урта Шарқ ҳамда Урта Осиё география фанининг ташкил топишдаги муҳим ролни алоҳида таъкидлади. Йirik тарихчи, ўзбек халқи фарзанди ал-Фарғонийнинг илмий меросига Крачковский берган характеристика катта қизиқши уйғотди. Ўзбек мутафаккири Абу Райхон Берунийнинг Шарқ географияси тарихига тааллуқли хизматларини шарқшунос олим муносиб тарзда баҳолади ҳамда Берунийнинг Ер кўрасида денгизлар ва океанлар жойлашувига онд машҳур назариясини ўз таржимасида ёзди. X асрда яшаган бухоролик географ Жайхунийнинг, хоразмлик қомусий олим Абу Абдулло ал-Хоразмийнинг, XII асрда яшаган хоразмлик филолог ва адиб Замаҳшарийнинг, марвалик тарихчи Сомонийнинг улғў ўзбек мунажжими ва математиги Мирзо Улугбекнинг Шарқ фани олдидаги хизматларига доир илмий ишлари қимматли маълумотларга ниҳоятда бой. 718 йилда тузилган ва археологлар томонидан 1933 йили Зарафшоннинг жанубий қирғоқларидан топилган арабча хужжатнинг маъносини И. Ю. Крачковский билан унинг рафиқаси В. А. Крачковская ечиб берди ва ёзди қилинди. Мазкур хужжат сўғдаларнинг араб боқиччиларига қарши мардонвор кураши тарихидан ҳикоя қилади.

Совет арабшуносларининг бутун бир пleyадиси И. Ю. Крачковский тарбияси остида етишиб чиқдилар.

И. Ю. Крачковскийнинг кўпқиррали ва самарали фаолияти шарқшунослар ёзувчига сазовор бўлди. У 1923 йили Дамашқдаги Араб Фанлар академиясининг аъзоси, 1934 йили Немис Шарқшунослик жамиятининг фахрий аъзоси, 1935 йили Бомбадаги Ислам тадқиқотчилари уюшмасининг фахрий аъзоси, 1944 йили Эрон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, 1946 йили Буюкбритания ва Ирландия Осиё жамияти Қироллигининг фахрий аъзоси, Польша Фанлар академияси ҳамда Фламанд Фанлар академияси (Бельгия)нинг аъзоси, 1947 йили Нью-Йоркдаги Осиё институтининг аъзоси қилиб сайланган эди. ЮНЕСКОнинг қарорига мувофиқ Игнатий Юлианович Крачковскийнинг 100 йиллигининг нишонлиниши олимнинг арабшуносликка, халқаро илмий ва маданий алоқаларининг муस्ताқамланишига қўшган хиссасининг дунё миқсидида эътироф этилганлигидан далолатдир.



Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган расм

## ТОШКЕНТ МЕЪМОРЧИЛИК ЁДГОРЛИГИ

Абдужаббор ЯҲЁЕВ,

Ўзбекистон маданий ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳадаш институтининг архитектору



XVI asrda kelib Toshkent shahrining shimolida Uрта Osiyodagi eng zamonaviy meъmorchiлик ansambl-laridan biri vujudga keldi. Bu vaqtlarda Movarounnahrda shayboniylar sulolasi hukmronlik qilardi. Ular hokimiyatning obru-эътиборини va shon-shuhratini oshirish maqsadida Buxoro, Toshkent, Samarqand va bosqa shaharlarda madrasa, madaniy-maъshiy binolar, kўpriklar barpo etishga ahamiyat berdilar.

Binolarni kurishda maъalliy ustalar bilan birga bosqa ulkalardan ham kўplab meъmorlar, binokor ustalar jalb etildi. Bu davrda Toshkentda ham katta эъtibor berilib, shaharning meъmorchiлик sohasidagi kiefasi, shaharsozlik ravnaqi tubdan uzgartirildi, unda azim va kўrkam ёdgorliklar, bog va saroylar bunёdgа keltilirildi. Shahrimizda hozirgacha saqlanib qolgan meъmorchiликning nоib obidalari — baraqxon madrasasi, Kaffol Shoshiy maqbarasi, Kўkaldoш madrasasi va

bosqa inshootlar ana shu davrda yuzaga kelgan ёdgorliklardandir. Qadimda bu ёdgorliklar ansambl-territoriyasi bogu-roglardan, xalq sayinllari uktaziladigan kўrkam joylardan iborat bulgan. Baraqxon madrasasi asosan uch binodan iborat bulib, uning meъmorchiлик uslubi taъminon — X asr shaharsozligiga taalluqlikdir. Bu madrasa ichiga joylashgan Baraqxon hamda Sуюnchi-xon maqbaralari madrasaga nisbatan ilgariroq vujudga kelgan, degan taxminlar bor. Keyinchalik bu maqbaralarga nihojta ustalik bilan moslab madrasa binosi loiyhalaştırilib kurilganiki, guё uлар bami-soli bir davrda tiklangandek kўri-nadi.

Madrasa deyarli turt burchakli shaklda kurilib, darvoza orqali kiraverishda, tapda (sharqiy-janub burchagida) Baraqxon, turda (garbii tomonida) Sуюnchi-xon maqbaralari joylashgan. Xovli bir qavatli xuj-ralar bilan gir aylantirib ural-

gan. Mazkur madrasa XVI asrning birinchi yarmida shaysoniylar avlodi Baraqxon Toshkentda hokimlik qilgan yillari (melodiy 1551—56 y.) bunёd etiladi. Madrasaning bosq-fasadi sharqqa karatib, bir qavatli kili- b, bezash maqsadida ёsisonon ravoqlardan bir gisht chukurligida kurilgan. Bosq-fasadning urta qis-mida madrasa devori satxidan bir oz burttirib chikarib, hashamatli peshoq tiklangan. Peshoqni yanada maъobatli va kўrkam kўrsatish uchun ikki ёniga aylana shaklida gulda-stalar ishlab, ёsisonon ravoqlari, kitobasi geometrik, ёsimpliksimon xarakterdagi koşinlar, naqşlar, gir-nixlar, va har hil rangdagi sirkor bezaklar berilgan hamda diniy-falsafiy mazmundagi kitoba- lar ustalik bilan arabcha hat bitilgan. Peshoq orqali darvozadan kirishda keng turtburchak shaklidagi darvozaхona va uning ёnlarida hovli bilan uzaro boglangan ravoqli xujralar, turda Sуюnchi-xon maqba-

rasini urnatilgan (u milodiy 1525 yili vafoet etgan). Chukur ravoqli taxmonlar hisobiga kengetirilgan maqbara ichi mujassamlashgan tarxga egadir. Uning tepasiga uzaro kesish-gan ravoqlar ustiga urnatilgan yul-duzsimon gumbez joylashgan. Turli-tuman rangdagi koşinlar, geometrik va ёsimpliksimon naqşlar ishlangan, sulc uslubida kurxon oylarini, sura-lari bitilgan barabon asosga urna-tilgan tashqi gumbez qadimda «Kўk gumbez» deb yuritilgan. Kўk rangda-gi sirkli koşinlar bilan bezatilgan bu gumbez 1868 yilgi zilzila nati-jasida buzilib ketgandi deb taxmin qilinadi. Ilgari maqbara ichki devor-lariga hamda uning yuqori qismida-gan ganchdan ishlangan va oltin suvi yuritilgan chirойli naqşlar ishlan-gan.

Совет hokimiyati urnatilgach, yrim xaroba holatida ёtgan butun ansamblni taъmir etish uchun har to-monlama chukur urgilindi. 1935 yil-dan boslab esa, mutaxassislar to-monidan Baraqxon madrasasini tari-xiy-arхеологик jihatdan ilmiiy tad-qiqot etishga kirishildi. 1956 yilga kelib butun ansambl bulyab taъmir-lash ishlari analga oshirildi. Madrasa ichidagi Sуюnchi-xon maqba-rasini tiklashda usta Shirin Muro-dovning hissasi benioxo katta bul-di. 1958—60 yillar davomida usta Ibrohim Baraqxon madrasasidagi eng yirik va masъuliyatli taъmirchi-lik ishlarni bajarди.

Baraqxon madrasasining shimoli-garbiy tomonida Kaffol Shoshiy maqbarasi joylashgan. Maъlumki, 976 yilda uz davrining ilgor kishi-si, mashhur shoir bulgan Imom Abubakr Muхамmad ibn Ali ibn Muslim Kaffol Shoshiy vafoet et-di. Oradan bir necha yoz yil utgach, uning kичik vайrona bulёzgan qadimiy guristonidagi qabri ustiga me-

lodiy 1541—1542 yillarda katta, hashamatli maqbara kuriladi. XVI asrning oxirlariga kelib, uning qarshisida Kaffol Shoshiyning av-lodidan bulgan hamda uning ishlari-ning davomchisi hisoblangan Bobo-xўja (melodiy 1819 yilda vafoet etadi) maqbarasi tiklanadi. (Bu maqbara 1939 yili buzib tashlangan.) Natijada meъmorchiликimiz tari-xida keng tarqalgan «kўsh» maqbara vujudga keladi.

Kaffol Shoshiy maqbarasi Uрта Osiё meъmorchiлигинing XVI asr monumental arxitektura ёdgorlikla-ridan biri bulib, uning tarxi xoch (krest) shaklida yaratilgan. Ilmiiy ku-zatishlar hamda baъzi bir tari-xiiy maqbalarga kўra maqbara keyin-chalik bir necha bor qayta tiklangan-ligi aniklandi.

Kiraverishidagi peshoq эshigi te-pasida arabcha hatda bitilgan bino-nining kurilgan yili melodiy (1541—1542 y. y.), meъmor (fulom Xўsayn), va hatto (kotib Kudrat)ning parchin-lar bilan ёzilgan nomlari saqlanib qolgan. Orqa va ёn fasadlari bezak-siz, ravoqli, har hil sirklangan pi-shiq gishtdan kurilgan. Xonalar ravoqli panjaralar bilan ёritiladi. Bino Uрта Osiё maqbara-lari kurilishiga xos anъanaviy kў-rinishiga ega.

Ansamblда asrimizning bosq-lariga binolar kurilib turadi. Aynik-sa, XIX asrda kelib ansamblда bir qator ёdgorliklar — melodiy 1845—67 yillar davomida Nomozgox mas-jidida bunёd etiladi. 1856—57 yil-larda esa Mўйи Muborak madrasasi, Juma masjidi (bular saqlanib qol-magan) tiklanadi. XX asrning bosq-larida Tillaashay masjidi qayta ku-riladi. Ayni vaqtda Baraqxon mad-rasasi binosiga Uрта Osiё musul-mon diniy nazorati bosqarmasi joylashgan.

## ТАБИАТ МУЗЕЙИ

1876 yil, 12 июнь. Шу yili qadimiy va navqiron Toshkentning Эски-Жўва (hozirgi Октябрь) bozori ёni-da mamlatimizning Moskva, Lenin-grad, Kiev shaharlarida tashkil etilgan Tabiat muzeilaridan keyin turtinchi bulib Tabiat muzeii tash-kiли etilgan edi.

Tarixiiy maqbalarda keltilirili-shicha, — deb hokio qiladi muzeii direktori Asqar Haidarov, — 1865 yilda Uрта Osiёning Rossiyaга kўshilishi munosabati bilan Toshkentda tabiatshunos va etnograflar Moskva jamiyatining Turkiston bulimi tash-kiли etilib, mashur rus olimlari Ivan Vasilevich Mushketov, Nikolai Alekseevich Severovlar Toshkentga keladilar. I. V. Mushketov Uрта Osiёning geologik tuzilishi, paleo-geografiyasi, vulkanizmi va fойda-li qazilmalarini tadqiq qiladi.

Atoqli botanik, genetik-selektio-ner, geograf Nikolai Ivanovich Va-vilov Xiva vohasi bulyab uyoshirgan ekspeditsiyalari davomida madaniy ёsimpliklarining tengsiz, boy kollek-tsiasini tўplaydi. Rus zoolog-orni-tologo Nikolai Alekseevich Zarud-nii esa Qoraqum, Qizilqum, Farqona, Suxxonder va soxillarni tekshiradi hamda hayvonot dunёsiga oid juda kўp kolleksiyalar tўplaydi. A. N. Se-vercov Uрта Osiё bulyab uchi-

yoruvchi kuşlarining antiqa tur-larini iyyadi. Toshkent «Tabiat muzeii» ana shu maqbalar asosida tashkil topada... Biroq, keyinchalik muzeini binodan binoга uzlaksiz kўchirish-lar natijasida bu maqbalarning kўp qismi iyyoqilib ketgan.

Revolutsiyadan keyingi yillarda muzeii fondini boyitishga olimlar tomonidan qayta kirishildi. D. N. Kasharov raqbarligida Amudary, Sirdary tўqaylariga, Farqona, Ugam tog tizmalari arqazorlariga, Тянь-Шань, Чоткол chўqillariga bir necha ilmiiy ekspeditsiyalar uyoshirildi. Tabiat hodisalarining uzaro aloqa-dorligi haqida materialistik ham-da dialektik tushuncha bera oladigan yangi kўrgazmalar, Ўzbekiston tabia-tini namoişy qiladigan landshaft-lar ishlab chikildi...

\*\*\*  
Koинот qanday pайdo bulgan? Muzeiyning daslabki tomosha zali kўrgazmalari ana shu haqda hokio qiladi.

Mana, qarshimizda Koинотning birlamchi davri. Unda tasvir-lanishicha, Koинот yaratilishining ilk dav-rida kattaqon tomchi shaklida edi. Bundan yigirma milliard yil mu-kaдdam unda kattaqon portlash yoz berdi va bu portlash natijasida

borliqlarning qarorati 100 milliard darajaga kўtarildi! Koинот asosan elektron, pozitron, foton, neitino va ozroq mikdorда proton va ney-tron aralashmasidan iborat buldi. Oradan 700 ming yil utib, qarorat shunchalik pasaydiki, Koинот nur-lanish uchun shaffof bulib qoldi. Nur-lanishdan kiska vaqtda vodород va elektron kaби moddalarni tash-kiли etuvchi elementar zarrachalar pайdo buldi. Modda va nur-lanish-niing uzaro akrallishi natijasida moddadan galaktika va yulduzlar shakllana boshladi.

Kўrgazmalar худди Koинот haqida-gi кинофильмни eslatadi. Uzinizni yoz berёtgan voqealarning iştirok-chisidai his etimiz. Har bir sekund haqlimizda milliard yil bulib utadi. Guё bizdan bir necha metr narida son-sanocsiz yulduzlar sirkli jimirlaydi, oi nuru yuzlarimizga uriladi. Pastrokdagi kўrgazmada tasvirlangan Kuёsh borliqini mu-na-вар qilib yoboranday. Ularни kўz-dan kechirёtib, shunday muloqaza-larga borasan kishi: har safar yoz milliard galaktikalар, tirik mav-judotlar pайdo bulib bir-biriga urilib, parchalanib, yan bir nuqtaga iyyilaveralar экан, haёт ham har sa-far iyyilनावeradi. Odamlar ham yangidan dunёга kelavardilar va uлар tabiat qonuni, odamning, oлаm-



Табиатда баъзан шундай ҳодисалар ҳам рўй бериб туради.

нинг пайдо бўлиши ҳақидаги билимларни янгидан ўрганиб бораверадилар. Бу жараённинг чеки йўқ.

Залнинг иккинчи томонида эса Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тарихига бағишланган кўргазмалар. Мана, Баланд ойна остида Ернинг илк даври—Архей эраси тасвири. Сув йўқ, атмосфера йўқ. Кучли портлаш ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборган. Кейинги лавҳада эса ернинг қаттиқ совиши натижасида муз денгизларининг пайдо бўлиши, сув остида вужудга келган бир ҳужайрали ҳайвонлар. Кейинги ёнма-ён ишланган макет-кўргазмалар ҳар бири 600—800 миллиард йилдан кўпроқ давом этган протозой, мезозой, кайназой эралари ҳақида ёзилган дostonдай қизиқарли.

Мана, протозой эраси тасвири: эра бошларида ҳаётнинг ривожланиши учун кулай шароит вужудга келди. Энг содда сув ўсимликлари, бактериялар ва умуртқасиз ҳайвонлар тараққий этди. Полеозой эрасида улардан елкаоёқлар, мефузалар, тикантериллар келиб чиқдилар. Мезозой эрасида эса иссиқ, қуруқ иклим ҳукмронлик қилди. Органик дунё ҳам мураккаблашиб борди. Акуласимон ва икки ёқлама нафас олувчи ҳамда панжақанотли балиқлар пайдо бўлди. Доим ўзгариб туради-

ган яшаш шароитининг таъсири, ҳаёт учун кураш организмларнинг ўзгарувчанлигига олиб келди. Натижада давр охирига келиб, сувда ва қуруқликда яшовчи жониворлар вужудга келди. Тараққиёт жараёнида гоҳ кичкина ўсимликларнинг авлодлари минг йилдан кўпроқ умр кўрувчи улкан дарахтларга, шароитга мослашши натижасида балиқлар маймунларга, маймунлар эса одамларга айланиб бордилар...

Кейинги кўргазмалар одам эволюциясига бағишланган бўлиб, инсон ва унинг ер юзиде пайдо бўлиши ҳақидаги билимларимизни тўлдирди. Иккинчи томоша зали сон-саноксиз сайроқи қушлар, афсонавий ҳайвонлар, паррандалар мамлакатини эслатади. Ҳамма ёқда эртақларда таърифланган камалакранг товуслар, гўзал оққушлар, антиқа индейкалар...

— Мазкур зоология бўлимида парранда ва қушларнинг 360 мингга яқин тури тўпланган,— деб ҳикоя қилади экскурсовод қиз.— Бўлимнинг ботаника фондида эса 44 мингдан ортиқ гербарий сақланмоқда.

Мен эса бу қадар нафис, ўзига хос кўринишдаги хилма-хил қушлар, паррандалардан кўзимни узмайман. О, она табиат-а! О, мўъжизакор, меҳрибон табиат-а! Шивирлайман беҳтиёр. Уларни кўрганда қай бир

кимсанинг баҳри дили очилиб, меҳрдан яйраб кетмайди ахир! Оламга, одамга муҳаббат ҳам ана шу сенинг гўзалликларингга боқиб қувонишдан бошланади-да! Одамларнинг сен табиатга бўлган меҳри оламини соғомон ушлаб турибди-да.

Ҳаёлимни яна экскурсоводнинг сўзлари бўлади:

— Музейда, шунингдек, республикамизнинг қишлоқ ҳўжалиги ва селекцияси, пахтанинг янги навлари, Ўзбекистоннинг иқлими, географияси, тупроқ шароити, нефть ва газ ресурслари, металл ва металл бўлмаган қазилма бойликлар, кўмир конлари, ерости сув манбаларининг жойлашиши ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишасиз, Тошкент зилзиласи манзараларининг гувоҳи бўласиз...

Мана, даҳшатли зилзила дақиқалари акс этган фотолёвҳалар.

Бир пайт ўзимизни саҳрога келиб қолгандек ҳис этдик. Бунга сабаб қаршимизда турган «Қизилқум саҳроси» деб номланган кўргазма эди. Қизғиш қум бəрханлари устида ҳар ер, ҳар ерда қинғир-қийшиқ дарахтга ўхшаб ўсган оқ ва қора саксовуллар, шувоқлар, шура ва янтоқ туплари кўзга ташланади. Саҳронинг оғир шароити, жазирамасига мослашган тошбақа, эчкиэмар, инидан мўралаб турган юмронқозик. Юқориде эса калхат учиб юрибди. Шувоқзорда ҳайвонларнинг овозига диққат билан қулоқ солаётган айёр тулки.

Бу кўргазманинг ёнгинисиде ястаниб ётган кўм-кўк адирлар. Майсазорда ҳар қандай кишининг ҳам нигоҳини тортиб, дилини юмшатадиган лолалар. Олмасут, қарғатўёқ, исфарақ ўсимликлари баҳорни, наврўзни, қушлар самоде чарх уриб учадиган дамларни ёдга солади. Мана, зараркунанда ҳашаротларни қириб, катта фойда келтирувчи булбул, қалдиғоч, попишак, бедана, миққий, оқсор, чумчуқ, тўрғай, турна каби қушларимиз. Уларнинг ўзига хос чиройи, хуш қомати кишини мафтун қилади.

Залдан залга ўтганимиз сайин манзаралар ўзгариб боради. Мана, Баланд тоғ ёнбағирлари. Ёнғоззорлар панорамасиде ёввойи олма, тоғолча, дўлана дарахтлари гўё ўсиб тургандай. Кўён, тоғ сувсари, олмахон балисоли ҳаракатде. Узунқуйруқ, қораялоқ, саъва, гуррак, зарғалдоқ, кекликлар шохдан шохга учиб базм кураётгандай.

Музейнинг сўнги—6-бўлими унинг илмий фонди, тўпланган материаллар, шунингдек, республика «Қизил китоб»ига киритилган ноёб ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар дунёси ҳақида маълумот беради. Йўқолиб бораётган жониворлар ҳақидаги фикрлар ҳар қандай томошабинни сергаклантиради, уларни муҳофеза қилишга даъват этади.

Умуман, музейде республикамиз ҳайвонот дунёси ва ўсимликларнинг 410 мингдан ортиқ ноёб тури намойиш қилинмоқде. Улар замирида музей ходимларининг қанчадан-қанча меҳнати, изланишлари ётади.

Музей ўзининг 100 йиллик юбилей арафасиде меҳнаткашларни табиатга муҳаббат руҳиде тарбиялашдаги хизматлари учун «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Музей атрофиде уюшган геолог, зоолог, биологлар ҳар йили Урта Осиё бўйлаб экспедицияга чиқадилар. Шунингдек, энтомологик коллекцияларни тўплашда Иттифоқимиздаги бир неча табиат музейлари мутахассислари ҳамде чет эл табиатшунослари, машҳур сайёҳлар билан ҳамкорлик қилиб келинмоқде. Натижаде фан учун ҳам, музей учун ҳам ҳайвонлар ва ўсимликларнинг янги-янги турлари топиламоқде.

Музейде тўпланган бу хилма-хил табиат мўъжизалари бу ерда ҳар йили келувчи 100 мингдан ортиқ томошабинларга қанчалар завқ-шавқ, илҳом бағишлайди, она табиатга чексиз меҳр-муҳаббат уйғотишга хизмат қилади.


Назира ЙУЛДОШЕВА



Баланд тоғ чўққилариде ҳаёт кечирувчи тоғ такаси музейга алоҳиде кўрк бағишлаган.



Тупроқ уюмлари кўмиб юборган гордан топилган мамонт.



Полеозой эраси тасвири. Бу даврга келиб бактериялар ва умуртқасиз ҳайвонлардан елкаоёқлилар, мефузалар, тикантериллар келиб чиқдилар.

# ДЕЛЬФИН МИЯСИНИНГ СИРИ

СССР Давлат комитети 1982 йил 25 ноябрь куни биология фанлари кандидати Л. Мухамедов билан биология фанлари доктори А. Сутен томонидан амалга оширилган биология соҳасидаги янги ихтирони рўйхатга олди.

Дельфинларнинг ҳеч қачон бутунлай ҳаракатсиз қотиб қолмаслиги, ҳеч бўлмаса улар доимо енгил қимирлаб туриши ва нафас олиш учун сув юзига кўтарилиши азалдан аниқланган. Шундай экан, умуман дельфинлар ухлайдими, агар ухласа, қандай қилиб ва қачон?


Бу борада жуда кўп таҳминлар бор эди. Бироқ жониворларнинг қачон уйғоқ ва қачон уйқуда бўлишини ишончли далиллар билан исботлаш учун улар миясининг биоэлектрик активлигини ўрганиш масаласини ҳал этиш ягона йўл ҳисобланарди. Ихтиро муаллифлари ана шу тадқиқотини рўёбга чиқардилар.

Натижа қутилмаган янгилик келтирди. Шу пайтгача ўз-ўзидан, уйқу уйғоқлик билан ёки уйғоқлик уйқу

билан алмашинганда, бу ўзгаришлар миясининг жами қисмида, яъни миясининг ҳам унғ, ҳам чап яримшарларида бирданига рўй беради, деб ҳисобланарди: ахир унинг икки яримшари вужудимизнинг иккала ярмининг ишлаши учун жавобгардир. Дарҳақиқат, инсонда ва шу пайтга қадар уйқу текширилган жамик жониворларда мия худди шу тарзда ишлайди. Аммо дельфинларда ҳамма нарса бошқача экан. Дельфин миясининг иккала яримшари бир вақтда уйқуга кетмайди, балки навбатма-навбат ором олади: биттаси ухлаганда, бошқа бири актив ҳаракатда бўлади. Кейин улар ролларини алмаштиради, яъни аввалги актив ҳаракатдаги мия яримшари уйқуга кетиб, уйқудаги мия яримшари уйғонади.

Ихтиронинг илмий аҳамияти шундаки, у табиат ва механизмлар ҳақидаги, уйғоқлик ҳамда уйқулик кезлари барча мия қисмларининг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги мавжуд тасавурларга ўзгаришлар киритди.

И. НОВОДВОРСКИЙ



Т. САЪДУЛЛАЕВ. АЖОЙИБ РОМАН.

## Фан янгиликлари

### ЧАПАК ЧИРОҚ ЁҚАДИ...

Қарсақ чалиниши билан чироқни ёқадиغان ёки ўчирадиган вилкочателлар Швеция савдосига чиқарилди. Бундай системадан фойдаланиб маҳаллий фирмалар бир ярим вольт кучланишда ишлайдиган батареяли электр ёриткичлар ишлаб чиқишни йўлга қўйдилар. Электр тармоғида ток бўлмағи қолган кезлар ундан кўшимча равишда фойдаланиш мумкин. Мазкур ёриткичлар, айниқса, қоронғида кўрқадиган болаларга ёқиб қолди. Кечкурунлари бирон нарсдан чўчиган болалар чапак чалиб юборса, бас, ўша заҳоти чироқ ёнади.


### МАШИНА УСТИДА ЙЎЛ

Молдавиялик қурувчилар ажойиб бир янгилик яратдилар. Кичик электростанция қуриш чоғида автотранспортларнинг қўлға ботиб кетиши ва иш суръатининг пасайиши мазкур ихтиронинг яратилишига сабаб бўлди. Асфальт йўл қуриш эса қимматга

тушарди. Шу боис корхона рационализаторлари бир-бирига параллел ёйилган икки рулон металл тўрни кавшарлаб, уни 2,5 метрлик полатно ҳосил қилдилар. Уни ўраб машинага ортиш осон эди. Янгилик яратувчилар бу нарсани қўлқоқ ердагина эмас, ботқоқ ва торфли жойларда ҳам қўллаш мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Лой ерда эса ёғдиракни ботиб кетишдан асрайди. Бир юк машинаси юзлаб метр шундай қопламани олиб юриши мумкин. Умуман, йўлсиз жойда бемалол юриш учун машина ўзи билан бирга йўлни олиб юрса, кифоядир.

### ҒАРОЙИБ КОСТЮМ

Бу костюм оловда куймайди, совуқни ўтказмайди. Нефть конларида ишлайдиганлар учун жуда қўл келадиган мазкур костюмни норвегия мутахассислари ишлаб чиқдилар. Бундай костюмда киши эркин юриши ҳамда сувда бемалол сузиши мумкин. Ҳаттоки ўн беш соатлаб музда бўлиш ҳам таъсир этмайди. Унинг материали оловга ниҳоятда чидамли нейлондан ишлангандир.



Т. САЪДУЛЛАЕВ. МАНЗАРА.

## ИБН СИНО ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Халқимиз маданиятининг барча турлари қатори жисмоний тарбия ва спорт ҳам ўзига хос тарихий анъаналарга эга. Ҳатто спортнинг айрим турлари ҳақида таълимотлар ҳам яратилгандир. Бинобарин, Абу Али ибн Сино табиатшунос, файласуф ва қомусий олим бўлиш билан бирга Урта Осиё халқлари ўртасида жисмоний тарбиянинг аҳамиятини кўрсатиб берган биринчи ҳаким эди. Унинг жисмоний тарбия ҳақидаги таълимотига кўра, кишилар эрталаб-ки нонуштадан олдин жисмоний машқлар қилишлари шарт. Шунингдек, меърида овқатланмиш, ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш, ўз вақтида ухлаш кундалик ашаш заруриятидир. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланган кишиларда чуқур ва эркин нафас олиш доимий равишда бир текис давом этади, улар медицина ёрдамига камдан-кам мутож бўладилар.

Ибн Сино жисмоний тарбияни классификацияга бўлади. Бу классификация кичик ва катта, жуда кучли ва кучсиз, секин ва илдам ҳамда бир неча кескин ва тез ҳаракатлардан иборатдир. Тортишув, мушлатмоқ, ўқ-ёй отиш, найза улоқтириш, баланддаги буюмга ослниш, тез юриш, бир оёқда сакраш, қиличбозлик, найзабозлик, от устида чавандозлик, иккала кўлни силкитишларни тез бажариладиган машқлар гуруҳисига кирилади. Аргимчоқда ёки беланчақда тинка туриб ҳамда ётиб учини, қайиқ ва кемаларда сайр қилишларни раво ёхуд энгил машқлар гуруҳисига санаб ўтади. Урта машқлар гуруҳисига эса, от ёки туяларга, тахтиравон ёки арваларга миниб юришни кирилади. Кучли машқлар гуруҳисини ўз сояси билан олишиш, сакраш, найза санчиш, шапалоқ билан уриш, катта ва кичик тўпларни оёқ орасидан ўтказиш, курашиш, юк кўтариш, от чоптириш, чопиб келаётган отни тўхтатиш каби машқлар ташкил этади. Ибн Сино жисмоний тарбиянинг бу турларини классификация қилганидан ташқари, мўллий кураш масаласига алоҳида тўхталиб, ўз асарига ўша даврдаёқ икки хил — хоразми ва Бухороча кураш усулини тавсифлаб ўтади. У жисмоний тарбия билан медицина ҳамда ўз дунёқарашларини кўшиб олиб боради. Бинобарин, у ташқи олам кишилар вужудига таъсир қилади, вужуд фаолиятга мия ва асосий аҳамият касб этади, дам олиш, жисмоний тарбия, иқлим каби факторлар ҳам кишилар соғлиғига катта таъсир қўрилади, яъни вақт ҳаракат билан боғлиқ, ҳар қандай ҳаракат йўқ экан, у ерда вақт ҳам йўқ деган фикрларни илгари суради.

Шундай қилиб, улуг ҳаким фикрича, одамлар ҳаёт нечиришининг за-

рур шарт — жисмоний тарбиядир. Жисмоний ҳаракатсиз соғлиқ ҳам, соғлом фикр ҳам бўлмайди. Жисмоний ҳаракатлар билан назарий bilimлар кўшилмиб, жамият тараққиётининг янги усуллари вужудга келади.

Ибн Сино таълимотига кўра, жисмоний тарбиянинг асосий қисми ходимгарлик (массажи) бўлиб, бошқа ҳамма жисмоний ҳаракатлар унинг алоҳида-алоҳида тармоқлари, бўлимларидир. Шарқ мамлакатларида ходимгарликни инсон соғлиғининг зарур воситаларидан бири деб билганлар ва баданини уқалаш машқини ҳаётга кенг тadbик этганлар. Асосан Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган спортнинг ходимгарлик тури кейинчалик қисман Европа ва аynиқса Кавказ ўлкаларида ҳам одат тусига кириди. Масалан, улуг рус шоири А. С. Пушкин ўз хотираларидан бирида, 1829 йили у Арзирум саёҳатига кета туриб Тбилиси ҳаммомига тушганлигини ёзади. У ерда Ҳасан деган ходимгарлик қилувчи шахс унинг баданларини уқалаб қўйганлигини ҳикоя қилади ва натижада ўзини энгил ҳис қилганлигини, ахши кайфият пайдо бўлганлигини айтиб, Россия ҳаммомларида ҳам бу усулнинг тadbик этилиши фойдадан холи эмаслигини таъкидлаб ўтади.

Шундай қилиб, Абу Али ибн Сино жисмоний тарбия ва унинг ходимгарлик тури ҳақида фанда биринчи бўлиб сўз очган, бу ҳақда жуда кўп қимматли назарий маълумотлар қолдирган олим эди. У уқалашни инсон жисмининг бош қисмидан бошлаб оёқ томонга — пастрга тушиш мақсадга мувофиқ деб кўрсатади.

Баъзиларда учраб турадиган ҳоли-сизланиш, тинка-мадор қуришининг бирдан-бир даволаш усули фақат уқалашдир. Уқалаш бушашган, ҳоли-сизланган терини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ундан беморларни даволаш усулларида бири сифатида медицинада кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги замон илгор фан олимларидан бири — Когон ибн Сино таълимотини таҳлил қилиб, ибн Сино ҳулосаларининг нақадар аниқ ва бебаҳо эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Шундай қилиб, ходимгарлик тури касб, турли ёшдаги кишилар учун фойдали жисмоний ҳаракатдир. Ходимгарлик пайтида бир килограммгача оғирлик йўқотилади, лекин бунинг эвазига мушакларнинг иш қобилияти ошади, инсон жисми куч тўплайди, қон босими пасайиб, таранг-лашган мушаклар майинлашади, ҳаракатда энгиллик, баъбатда кўтарилмаслик, характерда зуконлик, ҳозиржавоблик пайдо бўлади.

Шариф РАҲИМОВ,  
спорт ветерани



Ёш боксчилар.

Р. АЛЪБЕКОВ фотоси

## СПОРТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Спорт республикаимиз меҳнаткашлари ҳаётига тобора кенг сингиб бормоқда. Спортнинг турли секцияларига қатнашувчиларнинг сони сон-жихатдан ҳам, ёш жиҳатдан ҳам кўр-пайиб бормоқда. Тошкент шаҳрининг турли районларида жамоатчилик асосида ташкил этилган югурувчилар клубларига аъзо бўлганларнинг қарий 50 проценти пенсионер қариялардир.

Катта ёшдаги кишиларнинг спорт билан шуғулланиши фақат республикаимиз пойтахтидагина анъана бўлиб қолмай, дёиримизнинг узоқ шаҳар ва районларида ҳам кўпгина кексалар спорт билан ўз соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

...Катта равои йўл. Машиналар ҳаракати вақтинча тўхтатилган. Тегишли жойларга ўрнатилган йўл ҳаракати белгилари ва байроқчалар йўловчиларга шундан огоҳ беради. Қорақўшчи — Фарғона — Ҳамзаобод маршрўти бўйлаб велосипедчилар пойгаси ўтказиларди... Қизғини шунда эдики, пойгачилар фақат чоллар эдилар. Мусобакани томоша қилаётган ёшларнинг кексалар ғайратини кўриб ҳаваси ортарди.

Оқчўбобоев район «Ёш куч» спорт

Совети раисининг ўринбосари, СССР спорт мастери Тўлқин Исҳоқов бундан бир неча йил илгари Қорақўшчи қишлоғида велосипедчилар секциясини ташкил этди. Унда ўспирин ўғил-қизлар шуғуллана бошладилар. Бир кун неварасини секция машғулотига бошлаб келган қария ёшлиғи тўтиб қетиб велосипедни чоптириб кўрди. Секцияга кенжа фарзандлари ва невараларини олиб келган бошқа кексалар ҳам ҳалиги қарияни кўриб ўз ёшлиқларини кўмсдилар... Шушу қишлоғида велосипедчи кексалар тўғраги ташкил этилди. Ҳозир мазкур секцияда эллидан ошиқ қариялар шуғулланмоқда. Велосипед аynи вақтда улар учун транспорт воситаси ҳам бажармоқда.

СССРнинг 60 йиллиги арафасида мазкур секция қатнашчилари ўртасида велосипедчилар пойгаси ўтказилди. Унда М. Қосимов, И. Мамадалиев, М. Ҳамроқулов, А. Усмонов, С. Турдиев, К. Нурматов, М. Чўлпонов, А. Қосимов сингари қариялар қатнашдилар. Калинин номи ва «Победа» колхозларининг правлениелари мусобақа гойибларининг ҳар бирини янги велосипед билан муқофотладилар.

# ХУШЁР БЎЛИНГ

Зоҳиджон ОБИДОВ

Қайга борса, гап қувалар, ивгогар,  
Гап кетидан гап қувалар ивгогар.  
Дўстни душман қилмоқ унинг хунари  
Миш-мишларга шов-шув улар ивгогар.

Пашшалардан фил ясашга суяк йўқ,  
Ғийбат бўлса, у кирмаган йўлак йўқ.  
Лоф урса ҳам қилча унда юрак йўқ,  
Ҳаран санғиб кўтқу солар ивгогар.

Тўғри сўзга эгри дили қўймайди,  
Дўст кўриниб, душманлики ўйлайди.

Сиздан йиқиб, ачингандай сўйлайди,  
Чуви чиқса оёқ ялар ивгогар.

Қалби қора, йилт этган бир ёруғ йўқ,  
Элга хизмат этай деган йўруғ йўқ.  
Бирортага яхшиликдан уруғ йўқ,  
Ширин ошга оғу солар ивгогар.

Гап қуваган — жамиятга қолайлик,  
«Бундайларнинг ҳоли вой», деп халойиқ,  
Зоҳиджон дер: «Бўхтончидай бало йўқ,  
Хушёр бўлинг, оёқ чалар ивгогар».

## МИТТИ МАСАЛЛАР

### Ўйлаб гапир...

— Вақтни менга қараб аниқлашди. Демак, мен вақтдан кучлиман,— дебди соат.

— Ўйлаб гапир,— дейишибди унга атрофдагилар, — дунёдаги ҳамма соат жим қолган тақдирда ҳам Вақт тўхтамайди.

### Ариқ ва Сув

— Энди қийналиб оқсан,— дебди эгри-бугри ариқ.

— Қийналаман, лекин эгри бўлиб қолмайман,— дебди сув фахр билан.

### Ўзимдан чиққан балога...

— «Турғунлик» дегани нима экан!— дебди дарё оқиб ўтаркан.

— Мен бўламан,— дебди қўлмақ.

Илҳом ОРИПОВ



— Қани энди шунақа хотиннинг бўлса...  
Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



— Мен ҳам иш қуролимни олиб чиқдим-ку ахир!



# Азиз меҳмон

Г. РИКЛИН



Шанба кuni кечки пайт Капустинларникига меҳмондорчиликка бордим. Ун икки киши йеғилди. Ҳамма бир-бирга таниш эди.

Потап Семенович Капустин туғилган кунини нишонларди. Неча ёшга тўлганлигини эслаёлмайман, аммо қиёмат қилиб тайёрланган винегрет таъми ҳали-ҳали оғзимдан кетмайди. Врачларнинг таъкидлашларича, винегретдан ҳар қанча истеъмол қилса бўлаверармиш. Чунки у тез ҳазм бўладиган газаклардан ҳисобланар экан.

Уша кuni ҳисобчимиз Чириковнинг айби билан ҳарчо — шўрва ича олмадик. Нега десангиз, у ҳаммамизнинг қулоғимизга:

— Оғайнилар, яна қуруқ нон билан қоринларингни тўйғазиб олманглар,— деб шивирлаб чиққан эди.

Бизлар ҳисобчи уй бекаси Дарья Михайловна тайёрлайдиган ажойиб пирогга ишора қилаётганига тушунмабми. Ахир, шундай мазали таомни эмай бўладими? Аммо, кутишларимиз зое кетди. Бу сафар пирог тайёрланмабди.

Буларни сизга шунчаки айтиб қўяйман-да. Асосий қизиқ гапнинг ҳаммаси энди келади. Гап шундаки, Потап Семёнович соат тўққизлардан кейин роса жиғи-бийрон бўла

бошлади. Ҳатто унинг юзлари кўкариб кетди. Чунки азиз меҳмон Поликарп Васильичдан ҳамон дарак йўқ эди.

Бирданига дастурхон ёзилиб, ишшлар, рюмка ва ликобчалар, пичоқ, вилкалар шақиллатиб қўйилди. Мезбон шошиб-пишиб дастурхонни безай кетди. Тўсатдан чалинган кўнги-роқ уни яна ҳам шошириб юборди. Шу пайт эшик очилиб биз кутаётган энг азиз меҳмон — бошлигимиз Поликарп Васильич кириб келди.

Бошлиқ пайдо бўлганидан кейин хона наада ёришиб кетгандай туюлди. Хонага бамисоли кўёш кириб келгандай бўлди. Чунки уй бекаси Дарья Михайловна қандилдаги барча лампочкаларни ёқиб юборган эди! Кейин у иккита графинда ичимлик келтириб қўйди, ранг-баранг газакларни қалаштириб ташлади. Зиёфат авжга чиқди. Кўнги-хушлик бошланди.

Ҳар бир киши бошлиқ билан қадаҳ уриштиришга ҳаракат қиларди. Бошлигимиз дастлаб ичмасликка ҳаракат қилиб кўрди.

— Умуман мен ичувчи эмасман... Ва умуман мен атиги йигирма минутга кирдим... Кейин умуман, биласизларми...

Тантана муносабати билан Потап Семёнович нотиқнинг сўзини бўлишга журъат қилди.

— Айни пайтда, Поликарп Васильич, сиз менга бошлиқ эмас, аксинча меҳмонимсиз,— деди у назокат билан илжайиб.— Шунинг учун ҳам меҳмон мезбонга бўйсунуши керак.

Дадил айтилган доно гап! Бизлар Поликарп Васильичга қарадик, у кулиб турарди. Кейин ҳаммамиз Барварига қаттиқ кулиб юбордик.

— Тўғри!— дея бақирдик.— Тўғри! Ҳаммамиз қадаҳларни бошлиқ бўлганингиз учун эмас, инсонлигингиз учун кўтарамиз!

Буларнинг ҳаммаси, лаганбардорликсиз, маданийгина бўлди. Хурсандчилигимиз давом этарди.

Поликарп Васильич зиёфат давомида яна, иккинчи марта жимлайди. У қадаҳдагини ичиб газак қилди-да, деди:

— Ҳалигидай, умуман... Мен ҳозиргина министр олдига эдим...

Ҳаммамиз бирданига жимиб қолдик... Поликарп Васильич хурсиниб қўйди.

— Сизлар билан хайрлашишимга тўғри келади... Умуман мени бўша-тишди... Шунақа гаплари...



— Гулдаста учун раҳмат лекин уни ололмайман.



— Бетмининг қалини, жонимнинг ҳузури

Бу гапларни эшитганимизда, гўё бомба портлагандай бўлди.

Поликарп Васильичнинг бу ахбороти бизларга жуда қаттиқ таъсир қилган эди.

Биринчи бўлиб мезбон ҳушига келди. У собиқ бошлигининг елкасига қоқиб, унинг сўзларини маъқулагандай деди:

— Ҳеч қиси йўқ. Такрор айтаман, сиз биз учун доимо азиз инсонсиз. Қани, индик!

— Овқатдан олинг, — дер эди унга уй бекаси кулиб. — Олинг овқатдан, бошлиқ сифатида эмас, инсон сифатида.

— Жуда тўғри! — дедик ҳаммамиз бараварига. — Қимматли Поликарп Васильич, сизнинг соғлигингиз учун!

Хурсандчилик давом этарди. Очиғини айтсам аввалги илиқлик сезилмас эди. Бошлиқ кирганида, кўзларимизда пайдо бўлган аввалги ялтираш сезилмасди.

Тўғри, ҳаммамиз «ҳеч нарса бўлмагандек», уни бундан кейин ҳам ҳурмат қилароқчилигини билдиришга ҳаракат қилардик. Сузиб кетаётган кема саёз жойда тўхтаб қолганида, ҳамма ундан юз ўтиргани каби, ҳозир бошлиққа бўлаётган муносабат узғараётгани билна бошлади. Фақатгина Потап Семёновичнинг бир ўзигагина мезбон сифатида унинг аτροφиди гирдиқалак эди.

Кейин Поликарп Васильич бирданига латифа айта бошлади. У илгари ҳам латифа айтиб берарди. Бошлиқ бўлган даврида латифаларни қойил-латиб айтарди, бизлар эса уни тинглаб қотиб-қотиб кулардик. Ҳозир эса латифа ҳам сира кулгилига ўхшамасди.

Мендан бошқа ҳеч ким кулмади.

Мен эса эски одатим бўйича кулардим.

Ниҳоят, у ўриндан туриб, кетиши кераклигини айтди. Албатта, уни кеткизмасликка ҳаракат қилдик, лекин... Бунга қарангки, ҳар қанча илтимос қилсак ҳам Поликарп Васильич дегани кўнмади, энди у илгариги Поликарп Васильич эмасди!

У ташқарига чиқди. Назаримда, ўша пайтда менинг оддийгина таржимаи ҳолимда янги саҳифалар очилгандай туюлди.

Шундай қилиб, Поликарп Васильич ташқарига чиқди. Мен ҳам унга эргашдим. Ҳайронман, нимага унинг кетидан чиққанимни ўзим ҳам билмайман, эхтимос, ўша пайтда раҳмдил бўлиб кетдимми, ҳар ҳолда: «Тўзлингга туфурма», деган нақлни эсладим.

Уни машина олдиғига кузатдим. Машинага минаркан, қўлимни қисди-да:

— Умуман, Миленкин, менинг олдимга, главкага киринг, — деди.

— Қаерга? — деб сурадим ундан.

— Главкага. Ишлар тўғрисида гаплашиб оламиз. Мени ўзимзининг главкага бошлиқ этиб тайинлашди.


— Э, ҳа! — дедим овозим борича, назаримда осмондаги юлдузлар қимирлагандай бўлди, ерда эса автомобилнинг мотор овози гуруллади. — Юқори вазифага кўтарилишингиз билан Поли...

Сўзларимни машинанинг овози кўкларга учуриб юборди. Бу пайт Поликарп Васильич минган машина муолижда бурилаётган эди.

Мен эса ўша томонга қараб, хурсанд бўлиб турардим. Ҳа, доим узқони кўзлаш керак-да!

Русчадан Т. УНАБОВ таржимаси

# «БАҲОР» ЧАЙНКРОССВОРДИ



1. Атмосферада юз берадиган табиат ҳодисаси.
2. Баҳор гули.
3. Илоиз экин.
4. Қишлоқ хўжалик ходимларининг баҳорги анжумани.
5. Ем-хашак ўсимлиги.
6. Хушбўй гул.
7. Тола олиндидаган техник экин.
8. Мевали дарахтлар устаси.
9. Баҳор байрами.
10. Қуш тури.
11. Сертомир ўт.
12. Дарахт тури.
13. Яхши кайфият.
14. Ҳамалининг белгиси.
15. Узун оёқ қуш.
16. Дарахтларнинг баҳордаги ilk янги аъзоси.
17. Қора қайнларга мансуб дарахт.
18. Гул тури.
19. Наврўз твомки.
20. Қанотли ҳашарот.
21. Қуёшга қарама-қарши томонда ҳосил бўладиган табиат ҳодисаси.
22. Сабзавот тури.
23. Танаси тикан билан қопланган қорамтир гул мевали бута ўсимлиги.
24. Дунқали экин.
25. Борлиқ мавжудот.
26. Патлари ранг-баранг «гадон» қуш.
27. Токларни қўтариб қўйиш учун қурилган сўри.
28. Дунқали экин тури.
29. Мевали дарахт.
30. Ўсимлик неғизи.
31. Хушбўй тоғ ўсимлиги.
32. Балид-паст қирли ерлар.
33. Таъми нордон ўсимлики.
34. Пахта уруғи.
35. Эргатишар мева.
36. Донли экин.
37. Фойдали қуш.
38. Умрибоқий, серёса дарахт.
39. Таомга ишлатиладиган қўнат экинлар.
40. Гул тури.
41. Ши-фобахш ўсимлики.
42. Вошоқни дон ўсимлиги.
43. Гала-гала бўлиб учадиган чумчуқсимон қуш.
44. Ўрик нави.
45. Сербарг хушбўй қўнат.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

## 2-СОНДА БОСИЛГАН «СССР ШАҲАРЛАРИ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 2. Ялта. 5. Уренгой. 10. Рига. 11. Батуми. 13. Элиста. 15. Луцк. 16. Азов. 19. Актюбинск. 21. Винница. 23. Тула. 26. Мурманск. 28. Ермак. 29. Братск. 32. Олга. 33. Уругт. 36. Ўш. 37. Норақ. 38. Минск. 39. Дуна. 40. Ангрэн. 42. Одесса. 43. Таллин. 44. Мари.

Бўйига: 1. Вологда. 3. Денов. 4. Иркутск. 5. Уфа. 6. Омск. 7. Жамбул. 8. Шилка. 9. Курган. 12. Москва. 14. Тарту. 17. Ленинград. 18. Пермь. 19. Алдан. 20. Чимкент. 22. Пенза. 24. Углич. 25. Абакан. 26. Магадан. 27. Сочи. 30. Тошкент. 31. Нукус. 34. Тобол. 35. Шяуляй. 40. Анапа. 41. Газли.

## Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Ислайдин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим ва санъат бўлими — 333659; адабиёт — 333602; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832.

Босмаҳонага туширилди 19.01.83 й. Босишга рухсат этилди 18.02.83 й. Р — 07085. Қоғоз 70×108½. Воқтиг усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5.6. Нашир ҳисоб тобоғи 7.80. Тиражи 246310. Буюртма № 55. Нашир В-111.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. 700000. Тошкент. ГСП. «Правда Востока» кўчаси. 26.



Бечора сичқон овлаш билан овора...

Расом Д. ОҒАЕВ  
[«Крокодил»дан]

## МУҚОВАДА

Биринчи бет: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты Жоникул ЮСУПОВ [8-бетдаги Ш. Сиддиқовнинг «Қаҳрамонлар колхоз» очеркини ўқинг].

Э. Йўлдошев фотоси


Иккинчи бет: Д. ЖУКОВ ишлаган плакат.

Тўртинчи бет: 1. Жарқўрғон райондаги «Коммунизм» колхозининг раиси Бахтиёр Абдуллаев бош чўпон Мамарасул Ражабалиев билан қўзлатиш мавсумининг бориши ҳақида сўхбатлашмоқда. 2. Собир Абдураҳматов шу колхозда йнгирма йилдан бери чўпонлик қилади. 3. «Восход» совхози бўлим бошлиғи Ҳамид Бобоев. 4. Шу совхознинг бош чўпони Ботир Бердиёров [чапдан], зоотехник Сафар Йўлдошев, чўпон Муслимон Тўқбоев ва совхоз партия комитетининг секретари Нормурод Оллаёров ўртоқлар.

Ж. Тўраев фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.



МУЗЛИК.






КУКСУВ ДАРЕСИ.

В. Таран фотолари

СЕРТУЛҚИН ДАРЕ.

ОҚСОЙ ДАРАСИ





1

2



3

4

